

КАРЛО КОЛЛОДИ

# ПИНОККИОНИНГ

БОШИДАН  
КЕЧИРГАНЛАРИ



"ЁЗУВЧИ" нашриёти

Русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси.

**Коллоди, Карло.**

Пиноккионинг бошидан кечирганлари: Эртақ-қисса: Кичик ва мактаб ёшидаги болалар учун (Русчадан Мирмуҳамедов тарж.). — Т: Ёзувчи, 1994. — 208 б.

Бу китоб қувноқ, зеҳни ўткир, шаддод Пиноккио ҳақида. Пиноккио ёғоч бола, ёғоч болакай Буратинонинг ақаси. Ақаси дейишимиз боиси, ёғоч болани аввал Карло амаки топган. Э, кўп гапириб нима қиламиз, китобни ўқинг, бирам маъза қиласизки...

**И (Англ)**

4804010100 — 10

К \_\_\_\_\_ 23—93

М 362 (04) — 94

ISBN 5—8255—0128—2

© «Ёзувчи» нашриёти, 1994 й.


(бадий безак).

## I. Уста Олчанинг қўлига худди кичкина боладек бир кулиб, бир йиғловчи гўла тушиб қолади

Бор экан, йўқ экан...

«Бир қирол бўлган экан!» — деб шу заҳоти луқма ташлашади менинг жажжи китобхонларим.

Йўқ, болалар, топа олмадинглар. Бор экану йўқ экан, бир гўла бўлган экан.



Гўла бўлгандаям, унақанги асл нав дарахтнинг гўласи эмас, балки қиш пайтида печка ё каминга қалаб, уйни иситишдан бошқа нарсага ярамайдиган шунчаки ўтинбоп бир гўла экан.

Қандай бўлганини айтолмайман-у, лекин кунларнинг бирида ўша ёғоч гўла бир кекса дурадгорнинг устахонасига тушиб қолибди. Бу дурадгор чолнинг исми аслида Антонио бўлса ҳам, одамлар уни «Уста Олча» деб аташарди, нимага десанглар, устанинг бурнининг учи ғарқ пишган олчага ўхшаб, доим қип-қизил, ярақлаб турарди.

Уста Олча гўлани кўриб жудаям хурсанд бўлди, хурсанд бўлганидан қўлларини бир-бирига ишқаб ўзича:

— Жуда вақтида кўриб қолдим-да, бу гўлани. Энди столга оёқ ясайман ундан, — деди.

Шундай дедию ишга киришди. У гўлани пўстлоқдан тозаламоқчи, кейин ундан столга бежирим оёқ ясамоқчи бўлиб, дарҳол қўлига ўтқир болтасини олди. Лекин унинг болта ушлаган қўли кўтарилганича таққа тўхтаб қолди, чунки

ғўла ичидан аллакимнинг ёлборувчи чийилдоқ овози эшитилган эди:

— Вой, урманг мени!

Оқкўнгил уста Олчанинг қай аҳволга тушганини кўз олдингизга келтираётган бўлсангиз керак.

У тамоман эсанкираб қолди, товуш қаёқдан келганини билиш учун, олазарак бўлиб, устахонанинг ҳар томонига кўз югуртириб чиқди. Бироқ устахонада ҳеч зоғ йўқ эди. Дастгоҳ остига мўралади — ҳеч ким йўқ. Одатда доим қулфлоглик турадиган шкафни очиб қаради — у ерда ҳам ҳеч ким йўқ. Қипиқ, пайраҳа тўкиладиган саватни титкилаб кўрди — ҳеч зоғ йўқ. Ахири дераза қопқоғини очиб кўчага мўралади — кўчада ҳам ҳеч ким йўқ эди. Балки...

— Ҳа-а, бўлди, тушундим, — деб ҳиринглади у ясама сочи остига қўл тиқиб энгсасини қашларкан. — Қулоғим шанғиллаган бўлса керак. Қани, ишга киришайлик!

Шундан кейин у яна қўлига болтани олдию ғўлани чопди.

— Вой, оғритвордингиз-ку! — деб чинқирди яна бояги таниш овоз.

Уста Олча учун бу энди даҳшатнинг ўзгинаси эди. Қўрққанидан кўзининг пахтаси чиқиб кетди, оғзи ланг очилиб, тили иягигача осилиб тушди, хуллас, чол қадим замонларда фонтанларни безаш учун ясалган ғаройиб ҳайкаллардан бирига ўхшаб донг қотиб қолди.

Бир оздан кейин у яна ўзига келиб, ҳамон дудуқланиб бўлса ҳам, товуш чиқариб, ўзича фикр юрита бошлади:

— Ҳар нечук, «вой-вой»лаган ким бўлдийкин-а? Ахир бу ерда биронта ҳам тирик жон йўқ-ку. Наҳотки оддий бир ёғоч ғўла гўдак боладек йиғлаб, вой-войласа? Йўқ, ўлсам ҳам

ишонмайман бунга! Ахир бу ҳамма ғўлаларга ўхшаган оддий бир ғўла-ку. Ўчоққа қаласанг. бир декча ловия пишади. Бордию... ғўла ичига биронта жонзод кириб олган бўлса-я! Э, ўзига қийин. Ҳозир унинг додини бераман!

Уста шундай деб, шўрлик ғўлани икки қўллаб ушлади-да, ҳеч аямай устахона деворига зарб билан ура бошлади.

Кейин, бояги инграган, додлаган овоз яна эшитилмасмикин, деб қулоқ сола бошлади. У икки минут кутди — «тиқ» этган товуш эшитилмади; беш минут кутди — жимжит; ўн минут кутсаям ҳеч қандай товуш эшитилмади.

— Бўлди, тушундим, — деди чол ниҳоят, сўнг ўзининг қўрқоқлигидан ҳижолат бўлиб, тиржайиб қўйди-да, паригини қашлаб пахмайтирди. — Дарҳақиқат, қулоғим шанғиллаган-у, худди гўдак чийиллаб «вой-вой» лагандек туюлган. Қани, ишга!

Лекин у бояги қўрқув таъсиридан ҳали тамоман қутулмаган эди, энди ўзини тетик тутиш учун доимий одати бўйича, қўшиқ ҳиргойи қила бошлади.

Уста ғўлани силлиқ қилиб рандалаш ниятида болтани четга қўйиб, қўлига ранда олди. Лекин рандани ғўла устида юрғазиси биланоқ, яна қулоғига ўша чийилдоқ овоз эшитилди:

— Вуй, тегманг ахир менга! — деди у овоз қиқир-қиқир кулиб. — Ҳамма ёғимни қитиқлаб ташладингиз-ку!

Бу гал энди уста Олча худди яшин ургандек «гўрс» этиб ерга йиқилди. Бир оздан кейин ҳушига келиб, кўзини очса, ҳалиям ерда чўзилиб ётипти.

Афти жин чалгандек қийшайиб кетган, бурнининг тўқ қизил учи энди, қўрққанидан, тўқ зангори рангга кирган эди.

II. Уста олча гўлани дўсти Жеппеттога совға қилади, Жеппетто у гўладан рақс тушишни, қиличбозлик қилишни, шунингдек, ўмбалок ошишни биладиган аломат ёғоч бола ясамоқчи бўлади



Шу маҳал эшик тақиллаб қолди...

— Кираверинг, — деди дурадгор зўрға лекин ўрнидан туришга мажоли етмади.

Устахонага Жеппетто исмли бир одам кирди; у анча кексайиб қолган бўлишига қарамай, ҳали дадил эди. Қўшни болалар бу чолнинг жиғига тегиш учун, унга

«Зоғора нон» деб лақаб қўйишган эди, чунки унинг бошидаги сап-сарик париги зоғора нонга жудаям ўхшаб кетарди.

Жеппетто жудаям жаҳлдор чол эди. Уни Зоғора нон деб айтган одамнинг шўри қурирди! Бундай пайтда шунақанги жиғибийрони чиқиб кетардики, ҳатто кўплашиб ҳам уни жаҳлидан тушириш мушкул эди.

— Салом, уста Антонио, — деди Жеппетто. — Нега ерда ўтирипсиз?

— Чумолиларга тўрт амалдан дарс беряпман.

— Омад тилайман!

— Хуш кўрдик, Жеппетто амаки. Меникига нима иш билан келдингиз?

— Ўзим шундай... Тўғриси айтсам, уста

Антонио, хузурингизга бир илтимос билан келдим.

— Бемалол, сўрайверинг, — деб жавоб қилди дурадгор ўрнидан тураркан.

— Бугун эрталаб миямга бир фикр келиб қолди.

— Қани, эштайлик.

— Биронта ёғоч топиб, ундан аломат ёғоч одам ясасам чакки бўлмасди, деб кўнглимдан ўтказдим. Лекин у ёғоч одам жудаям антиқа хислатга эга бўлиши керак: рақс тушишни, қиличбозлик қилишни, ўмбалоқ ошишни билиши керак. Кейин ўша ёғоч одамни олиб, жаҳонни кезсам, шунда бир бурда нон билан бир стакан винога пул ишлаб топиб, қариган чоғимда бир амаллаб кунимни ўтказармидим. Шунга сиз нима дейсиз?

— Баракалла, Зоғора Нон! — деб чинқирди боядан бери аллақаяқдан эшитилаётган ҳалиги овоз.

Жеппетто амаки ўзини «Зоғора нон» деб аташганини эшитдию ғазабдан аччиқ қалампирдай қизариб кетди, жаҳл билан дурадгорга ўшқирди:

— Мени ҳақорат қилишга қандай журъат этдингиз?

— Ким сизни ҳақорат қилипти?

— Сиз мени «Зоғора нон» деб атадингиз.

— Мен айтганим йўқ у сўзни.

— Бўлмаса ким айтди, ўзим айтибман-да?

Яна қайтараман, у сўзни сиз айтдингиз!

— Йўқ!

— Айтдингиз!

— Йўқ!

— Айтдингиз!

Улар қизишгандан қизишиб, ахири даҳанаки жангдан амалий жангга ўтишди, бир-бирларига

ёпишиб, гоҳ тишлаша, гоҳ тимдалаша бошладди.

Ниҳоят жанг тугаб, улар бир-бирларидан ажралишганида Жеппеттонинг сариқ паригини уста Антонио чангаллаб олган, дурадгорнинг оқ паригини эса, Жеппетто тишлаб турар эди.

— Бер паригимни! — деб бақирди уста Антонио.

— Сенам бер паригимни, кейин ярашамиз.

Чоллар парикларини айирбошлаб олишгач, бир-бирларининг қўлини сиқишиб, умрбод қадрдон дўст бўлиб қолишгасўз беришди.

— Хўш, Жеппетто амаки, — деди дурадгор ярашиб олишганини намойиш қилиш мақсадида, — нима илтимос қилмоқчи эдингиз мендан?

— Сиз менга биронта гўла берсангиз-у, мен ундан ёғоч бола яасам, девдим. Шу фикримга қандай қарайсиз?

Уста Антонио хурсанд бўлиб кетиб, шу заҳоти дастгоҳи томон отилди-ю, у ерда ётган бояги шум гўлани қўлига олиб, уни икки қўллаб дўстига узатди. Бироқ шу пайт гўла бир силкиниб, устанинг қўлидан чиқиб кетиб, тўппатўғри бечора Жеппеттонинг чиллакдек ингичка оёғига бориб тушди.

— Вой! Одамга жуда назокат билан совға қиларкансизми, уста Антонио! Сиз мени бир умрга чўлоқ қилиб қўйдингиз, шекилли.

— Ўлай агар, гўлани тушириб юборган мен эмасман!

— Ундан чиқди, мен эканман-да?

— Ҳамма бало гўлада.

— Буни ўзим ҳам биламам, лекин уни оёғимга сиз тушириб юбордингиз-ку.

— Мен туширмадим!

— Ёлғончи!



— Жеппетто, мени ҳақорат қилманг, бўлма-са сизни Зоғора нон деб атайман!

— Эшшак!

— Зоғора нон!

— Хўкиз!

— Зоғора нон!

— Аҳмоқ маймун!

— Зоғора нон!

Жеппетто «Зоғора нон» сўзини учинчи марта эшитганидан кейин, жаҳли чиқиб, ақлдан озгандек, дурадгорга ташланди, икки чол яна жиққа мушт бўлиб роса олишишди.

Бу олишув натижасида уста Антонионинг бурнидаги тимдаланган тирноқ излари иккитага ортди, дўстининг камзулидаги тугмалар иккитага камайди.

Улар шу зайлда бир-бирларидан ўч олиб, хумордан чиқишгач, икковлари яна қўл сиқишиб, ўла-ўлгунча қадрдон дўст бўлиб қолишга сўз беришди.

Шундан кейин Жеппетто шумтака ғўлани қўлтиғига қистириб, оқсоқланганча уйига жўнади.

III. Жеппетто уйига келган заҳоти гўладан ёғоч бола яшашга киришади ва унга «Пиноккио» деб ном қўяди. Ёғоч боланинг дастлабки қадамлари



Ертўладаги кичкина бир хужра Жеппеттонинг уйи эди: унинг биттаю битта деразаси бўлиб, у ҳам зина тагига очиларди. Уйдаги фақирона жиҳозлар битта лиқилдоқ стул, шалоғи чиққан каравоту бир оёғи калта

эски столдан иборат эди. Девор тагида жажжигина камин бўлиб, унда олов ёниб турарди. Лекин бу олов ҳам, унинг устига осилган декча ҳам — сурат эди: декча биқирлаб қайнаб, ундан паға-паға буғ кўтарилаётгандек эди. Буларнинг ҳаммаси худди ҳақиқийга ўхшарди.

Жеппетто уйига етиб келиши билан дарҳол қўлига асбоб-ускуналарини олдию гўлани йўниб, ёғоч бола яшашга киришди.

«Нима деб ном қўйсам экан унга? — деб ўйланиб қолди Жеппетто. — Пиноккио дея қолай. Бу исм унга бахт келтиради. Бир вақтлар Пиноккилар оиласи бўларди: отасининг оти Пиноккио, ойиси — Пиноккия, болаларининг исми — Пинокки эди, ҳаммалари доим хушчақчақ кун кечирешарди. Ичларида энг бадавлати тиламчилик қилиб кун кўрарди».

Чол бўлғуси ёғоч боласига исм топганидан кейин, ҳафсала билан ишлай бошлади. Энг олдин у ёғоч боланинг сочини, кейин пешонасини ва ниҳоят кўзларини ясади.

Шунда чол бу ёғоч кўзларнинг пирпираб

учаётганини кўрди-ю, ажабланганидан оғзи ланг очилиб қолди. Жеппетто ёғоч қўғирчоқнинг кўзлари ўзига тикилиб турганини кўриб, ўкинч билан:

— О, тентак ёғоч кўзлар, нега менга бунчалик бақрайиб қолдингиз? — деди.

Лекин ҳеч ким унга жавоб қайтармади.

Шундан кейин Жеппетто ёғоч боланинг буринини ясашга киришди. У бурунни эндигина ясаб бўлган ҳам эдики, у ўзидан-ўзи бирдан катталлашиб, ўсаверди, ўсаверди, ҳаш-паш дегунча сал кам бир қулоч бўлиб кетди.

Бечора Жеппетто бурунни қисқартирмоқчи бўлиб, дам кесиб, дам йўниб кўрди, лекин шилқим бурун борган сари баттар катталашаверди.

Шунда чол бурунни ўз ҳолига қўйиб, оғиз ясашга киришди.

Лекин ёғоч оғиз ҳали чала бўлишига қарамай, дам қиқирлаб кулар, дам қийшайиб чолни масхара қиларди.

— Кулавермай, жим тур! — деди Жеппетто аччиғланиб.

Лекин гапи зиғирча ҳам таъсир қилмади.

— Кулгини бас қил, дедим сенга! — деб жаҳл билан бақариб берди Жеппетто.

Ёғоч оғиз шу заҳоти кулишдан тўхтади, лекин бир қарич келадиган тилини чиқариб масхара қилди.

Жеппетто кайфиятини бузмаслик учун, ёғоч боланинг аломат қилиқларига парво қилмай қўйди, у ишни давом эттирди. Қўғирчоқнинг оғзини ясаб бўлгач, унинг энгагини, ундан кейин бўйнини, елкаларини, гавдасини, қўлларини ясади.

Жеппетто ёғоч боланинг қўлларини ясаб бўлганини билади, шу пайт кимдир унинг боши-

дан паригини юлиб олди. У бошини бундоқ кўтариб қараса... нимани кўрди денг? Ёғоч Бола унинг сариқ паригини қўлида ушлаб турар эди.

— Пиноккио! Ҳозироқ паригимни бер, бўлмасам...

Лекин Пиноккио парикни чолга қайтариб бериш ўрнига, ўз бошига кийиб олди, кийдию бир зумда димиқиб, нафаси қайтиб кетди.

Пиноккионинг одобсизлиги, шилқимликлари Жеппеттонинг кўнглини шунақанги қаттиқ ранжитдики, у шунча яшаб, ҳали бунчалик хафа бўлмаган эди.

— Қанақа бетартиб боласан ўзинг? — деди у. — Ҳали тайёр бўлмасингдан ўз отангни беҳурмат қиялпсан, кейин нима бўлади? Яхшимас, болам, яхшимас!

Шундай деб, чол кўз ёшини артди.

Шундан кейин у Пиноккио учун оёқ ясашга киришди. Жеппетто Ёғоч Боланинг оёқларини ясаб бўлиши билан, шу заҳоти бурнига тепки еди.

«Айб ўзимда, — деб кўнглидан ўтказди чол ва хўрсиниб қўйди. — Ҳаммасини олдиндан пухта ўйлаб, кейин ишга киришишим керак эди, энди кеч бўлди».

Кейин у Ёғоч Боланинг қўлтиғидан кўтариб, ерга қўйди. Пиноккиони юришга ўргатмоқчи эди-да.

Лекин Пиноккионинг оёқлари ҳали букилмас, беўхшов эди, шунинг учун, у оёғини зўрға судраб босарди. Шунда Жеппетто боланинг қўлидан етаклаб, унга қандай қадам қўйишни ўргата бошлади.

Бора-бора, ёғоч оёқларнинг чигили ёзилиб, Пиноккио энди анча эркинроқ қадам қўя бошлади. Орадан бир неча минут ўтгач эса, уй

ичида бемалол юра бошлади. Юриб-юриб у бирдан остона хатлаб, кўчанинг қоқ ўртасига чиқиб олди. Чиқдию шаталоқ отганча чопқиллаб кетди.

Шўрлик Жеппетто Пиноккионинг орқасидан қувиб кетди, лекин қанча юурса ҳам, унга сира ета олмади: шумтака Пиноккио ёғоч ётқизилган кўча ўртасидан худди қуёнга ўхшаб дик-дик сакраб бораркан, ёғоч оёқларининг овози, ёғоч кавуш кийган йигирмата дехқоннинг кадам товушидек тарақларди.

Бироқ, кўчадаги ўткинчи одамлар, нақ този итдек гизиллаб бораётган Ёғоч Болани кўриб таққа тўхташар ва унинг орқасидан томоша қилиб, бутун кўчани бошларига кўтариб, хахолаб кулишарди.

Яхшиямки, шу пайт полициячи пайдо бўлди. У аввалига, биронта одамнинг тойчоги қочиб кетипти-да, деб ўйлади. Сўнг бу довюрак, забардаст полициячи бирон фалокат юз беришига йўл қўймаслик учун тойчоқни тутишга аҳд қилиб, кўчанинг ўртасига туриб олди.

Пиноккио полициячи йўлни тўсиб турганини узоқдан кўрди-ю, чап бериб унинг оёғи остидан «лип» этиб ўтиб кетмоқчи бўлди. Лекин омади келмади.

Полициячи чаққонлик қилиб, Пиноккионинг бурнидан шартта ушлаб олди (маълумки, унинг бурни жудаям узун бўлиб, гўё полициячиларнинг қўлига тушиш учун атайлаб шунақа яратилгандек эди). Кейин уни Жеппеттонинг қўлига топширди. Чол шу захоти, шу ернинг ўзида бевош Пиноккионинг қулоғидан чўзиб, уйдан қочгани учун адабини бериб қўймоқчи бўлди. Лекин буни қарангки, у боласининг қулоғини топа олмай ҳанг-манг бўлиб қолди! Биласизларми, нега бунақа бўлди? Чунки, чол ишга

берилиб кетиб, Ёгоч Болага қулоқ ясашни унутиб қўйган эди.

Чатижда у Пиноккионинг ҳиқилдоғидан олиб, шу алфозда уйга қайтариб олиб кетди. Жеппетто уни етаклаб бораркан, бошини чайқаб, болага нўписа қиларди:

— Ҳозир уйга бориб олайлик. Кейин ўша ерда ўзим боплаб додингни бераман, кўнглинг тўқ бўлсин!

Пиноккио бу нўписани эшитдию дарров кўчанинг ўртасига чўзилиб ётиб олди. Уларнинг атрофига томошаталаб бекорчи одамлар йигила бошлади. Зум ўтмай атрофни тумонат одам босди.

Ҳар ким ҳар хил мулоҳаза юритарди:

— Бечора Ёгоч Бола, — деб ачинарди биров. — Уйига бормай, жуда тўғри қияпти. Тошюрак Жеппетто роса таъзирини беради борса.

Бошқа бировлар газабланиб шундай дейишарди:

— Бу Жеппетто бир қараганда бинойидай одамга ўхшайди-ю, лекин аслида ўлгудек қўпол, болаларга раҳм-шафқат қилмайдиган жоҳил одам. Агар биз шўринг қургур Ёгоч Болани унинг қўлига топширадиган бўлсак, уйига борганда бечорани бурда-бурда қилиб ташлайди.

Одамлар шу зайлда бири олиб, бири қўйиб, ҳангомалашиб туришганда, полициячи келиб, уларнинг гапини эшитди-да, Пиноккиони бўшатиб юбориб, унинг ўрнига бечора Жеппеттони маҳкам ушлади. Бу кутилмаган ҳолдан чол ўзини йўқотиб қўйди, бир оғиз ҳам гапира олмай, йиглаб юборди ва қамоқхонага кета туриб, йўл-йўлакай пиқиллаб йиғлаганча ўзига-ўзи бундай деди:

— Яхшилиқни билмаган бола! Мен бўлсам, сени одобли Ёгоч Бола қилиб тарбияламоқчи

эдим-а! Айб ўзимда. Буни олдинроқ ўйлаб кўриш керак эди!

Шундан кейин жуда ғаройиб воқеалар содир бўлдики, улар тўғрисида мен навбатдаги бобларда ҳикоя қилмоқчиман.

**IV. Пиноккио билан гапирувчи қора чигиртка воқеаси. Бу воқеадан, жоҳил болалар ўзидан ақллироқ кимсанинг танбеҳини ёқтирмаслиги маълум бўлади**



Шундай қилиб, болалар, мен сизларга айтсам, Жеppetтони бегуноҳдан-бегуноҳ камоққа олишган пайтда, уятсиз бола Пиноккио полициячининг панжасидан қутилиб чиқдию экинзор далани тикка кесиб ўтиб, уйга югурди. У дўнгликлардан, қалин бута-

лар, сув тўла ариқлардан худди този итлар қувлаган ёввойи така ё қуёндек сакраб-сакраб чопиб борарди. У уйга етиб келиб, қулфланмаган эшикни «тарақ» этиб очиб ичкарига кирди-ю, эшик зулфинини суриб қўйиб, ерга узала тушиб ётиб олди, сўнг худди бошидан тоғ ағдарилгандай чуқур бир тин олди.

Лекин унинг ҳаловати узоққа чўзилмади — бирдан хона ичида бир нима чириллай бошлади:

— Чирр-чирр-чирр...

— Ким мени чақиряпти? — деди қўрқиб кетган Пиноккио.

— Мен!

Пиноккио ўгирилиб, деворда аста-секин ўрмалаётган каттакон қора чигирткани кўрди.

— Ҳой, Қора Чигиртка, кимсан ўзинг?

— Мен гапирувчи Қора Чигирткаман. Бу хонада юз йилдан бери яшайман.



— Энди бу менинг хонам, — деди Ёғоч Бола. — Қани, марҳамат қилиб, бу ердан бир туёғингни шиқиллатиб қол-чи. Иложи борича тезроқ жүна!

— Мен, — деди Қора Чигиртка, — сенга буюк бир ҳақиқатни айтмагунимча бу ердан ҳеч қаёққа кетмайман.

— Бўлмасам, гапир ўша буюк ҳақиқатингни, фақат тезроқ бўл.

— Ота-оналарини менсимай, аҳмоқлик қилиб, ўз туғилиб ўсган уйдан бош олиб чиқиб кетган болаларнинг ҳолига вой! Ундай болаларнинг ҳаёти жуда ёмон бўлади, улар ўзларининг бемулоҳаза қилмишлари учун минг-минг афсус сўдилар.

— Чирилла-я, чирилла, Қора Чигиртка, армонинг қолмасин! Лекин шахсан менга келсак, эртага тонг палласида бу ердан бош олиб чиқиб кетаман. Мен шундай аҳд қилганман. Агар бу ерда қолсам, бошимга бошқа болаларнинг куни тушади: ҳамма болаларга ўхшаб юрагим зиқ бўлиб яшайман, мени мактабга юборишади, хоҳласам-хоҳламасам, ўқиш-ёзишни ўрганишга мажбур қилишади. Лекин сенга очиғини айтсам, мактабда ўқишга сираям хоҳишим йўқ. Қапалакларни қувлаб, дарахтга чиқиб, қушларнинг уясидан полопонларини ўғирлашнинг гашти бошқача бўлади.

— Бечора тентак бола! Наҳотки тушунмасанг, бунақада ғирт эшакнинг ўзига айланиб, бир чақалик ҳам қадринг қолмайди-ку!

Пиноккионинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ўчир овозингни, қари жодугар! — деб бақирди у.

Лекин сабру қаноатли донишманд Қора Чигиртка боладан хафа бўлмади, гапини давом эттирди:

— Агар мактабга боришни ёқтирмасанг, унда нима учун биронта ҳунар ўрганиб, ҳалол меҳнат билан кун кечирishing мумкин эмас?

— Нимагалигини атайми сенга? — деди Пиноккио тобора кўпроқ тоқати тоқ бўлиб. — Нимагаки, дунёдаги ҳамма ҳунарлар ичида менга фақат биттаси ёқади.

— Хўш, у қандай ҳунар экан?

— Ейиш, ичиш, ухлаш, ҳар куни эрталабдан кечгача сандироқлаб юриш.

— Ёдингда бўлсин, — деди Гапирувчи Қора Чигиртка ўз феълига хос хотиржамлик билан, — бу ҳунар билан шуғулланганларнинг бари бир кун эмас бир кун, ё касалхонада, ё қамоқхонада ўлиб кетади.

— Оғзингга қараб гапир, ҳей, қари жодугар... Агар шунақа жаҳлимни чиқараверсанг, додингни бериб қўяман!

— Бечора Пиноккио, мен чинданам аҳволингга ачинаман!

— Нимага энди менга ачинасан?

— Нимагаки, сен Ёғоч Боласан, бунинг устига-устак, калланг ҳам ёғочдан — ақлинг йўқ!

Пиноккио шу охирги сўзни эшитди-ю, газаби қайнаб, сакраб ўрнидан туриб кетди, узун курси устида ётган ёғоч болғани олиб, уни Гапирувчи Қора Чигирткага отди.

Балки у, мўлжалга теккиза олмайман, деб ўйлаган бўлса керак, лекин, бахтга қарши, болга учиб бориб Қора Чигиртканинг нақ бошига тегди, бечора охирги марта «чир-чир-чир» деди-ю, ўлиги деворга ёпишганча қолди.

V. Пиноккионинг қорни очади, у битта тухум топиб, қуймоқ пиширмоқчи бўлади, лекин шу пайт бирдан қуймоқ учиб кетиб, деразага бориб қўнади

Бу орада, кеч кириб, қоронғу тушди. Пиноккио, ҳали шу маҳалгача туз ҳам тотмаганини эслаб, қорнида иштаҳага ўхшаган қандайдир қулдираш бошланганини сизди. Одатда, болаларда иштаҳа жудаям тез ривожланади, ма-



на, орадан бир неча минут ўтар-ўтмас, ўша иштаҳа очликка айланди, очлик эса, ҳаш-паш дегунча, шунақанги зўрайиб кетдики, натижада, боланинг иштаҳаси худди оч бўриникидек карнай бўлиб кетди.

Бояқиш Пиноккио декча қайнаб турган камин томонга отилди, декчада нима пишаётганини кўриш учун унинг тувоғини кўтармоқчи бўлди. Лекин каминнинг ҳам, декчанинг ҳам оддий сурат эканини пайқаган Пиноккионинг шу пайтдаги аҳволини бир тасаввур қилиб кўринг-а! У ҳайрон бўлганидан, шундоқ ҳам жуда узун бурни, йўқ деганда, яна тўрт энлик узайди.

У ҳеч бўлмаса бир бурдагина қоқ нон, ёки ноннинг куюги, ё ит ғажиб ташлаган суяк, бир бурдагина моғор босган зоғора, ё балиқнинг қилтаноғими, олчанинг данагими — қисқаси, оғизга тиқса бўладиган бирон нима қидириб топиш ниятида хонанинг ҳаммаёғини: яшиқлару бурчак-бурчакларни титиб чикди. Лекин ҳеч нима, мутлақо ҳеч нарса топмади.

Очлик бўлса борган сари авжга чиқарди, шунда Пиноккио очлик азобини енгиллатиш учун, эснай бошлади. У шунақанги жон-жаҳди билан эснай бошладики, ҳар эснаганда оғзи қулогигача каппа-каппа очиларди.

Ниҳоят у ҳамма нарсадан умидини узиб, пиқ-пиқ йиғлаганча шундай деди:

— Гапирувчи Қора Чигиртка тўғри айтган экан. Отамни хафа қилиб уйдан қочиб кетганим яхши бўлмапти. Ахир ҳозир отам уйда бўлганида, мен очликдан бунақа ўлар даражада эснаб ўтирмасдим. Вой, бу очлик — жудаям оғир касал бўларкан-у!

Шу пайт у бирдан ахлат уюми орасида товуқ тухумига ўхшаган дум-думалоқ, ошноқ бир нарса ётганини кўриб қолди. Кўз очиб юмгунча вақт ўтмай у ахлат олдида пайдо бўлди ва дарров ўша оқ нарсага чанг солди. У нарса чинданам тухум экан.

Ёғоч Боланинг қанчалик хурсанд бўлганини ёзиш учун қалам ҳам ожизлик қилади. Пиноккио ўз кўзларига ишонмас, бу тухумни у ҳозир тушида кўраётгандай эди. У тухумни қўлида айлантириб, салмоқлаб кўрар, дам силар, дам ўпаркан шундай дерди:

— Сени қандай пиширсам экан? Сени сувда пишираман... Йўқ, яхшиси, илита қоламан... Ундан кўра товада қовурганим яхшимасми? Ё балки сал-пал илитиб, тезроқ ичиб юбора қолсаммикин? Йўқ, сени тарелка ё товага чақаману сйман-қўяман — шуниси энг тез бўлади. Ахир қорним таталаб кетяпти, сени тезроқ емасам ўлиб қоламан!

Мана, у товани лаққа чўг тўла манқал устига қўйди, товага ёғ ўрнига озгина сув қўйди, сувдан буг чиқа бошлагач, тухумни бир уриб чақди-ю, уни това устига ағдарди.

Лекин тухумдан унинг оқи билан сариғи оқиб тушиш ўрнига, тип-тирик, бунинг устига, анча одобликкина бир жўжа чиқди. У назокат билан таъзим қилиб:

— Сизга мингдан-минг раҳмат, синьор Пиноккио! Мени тухум пўчоғини тумшугим билан тешишдан халос қилдингиз. Саломат бўлинг, яхши қолинг! — деди.


Жўжа шу гапдан кейин қанотларини ёйди-да, деразадан ташқарига учиб чиқиб, кўздан ғойиб бўлди.

Шўрлик Ёғоч Бола оғзи ланг очилиб, кўзлари бақрайганча, қўлида тухум пўчоқ билан турган ерида тошдек қотиб қолаверди. Кейин сал ўзига келгач, пиқ-пиқ йиғлаб аламидан ер тепина бошлади.

— Гапирувчи Қора Чигиртка тўғри айтган экан, — деди йиғи аралаш. — Агар уйдан қочиб кетмаганимда, отам ҳозир шу ерда бўлганида, мен очликдан сулайиб ўлар ҳолга тушмаган бўлардим. Оҳ, бу очлик дегани — жудаям ёмон касал бўларкан!

Натижада, қорнининг қулдираши борган сари зўрайиб, бу азобни енгиллатиш йўлини топа олмаган Пиноккио уйдан бош олиб чиқиб кетмоқчи ва шу яқин атрофдаги қишлоққа бориб, тиланчилик қилмоқчи бўлди: «Биронта раҳм-шафқатли одам топилиб, мендан бир бурдагина нонини аямас ахир», — деб ўйлади у.

## VI. Пиноккио оёқларини чўг тўла манқал устига қўйиб ухлаб қолади ва эрталаб уйгонганида оёқсиз қолганини кўради



Ташқарида қаҳратон қиш кечаси. Момақалди роқ ваҳимали гумбурлар, дам-бадам чакмоқ чақар, бутун осмонни гўё ўт олгандек эди. Ниҳоятда шиддатли совуқ шамол

чанг қуюнини осмони фалакка учириб, дала-даштдаги дов-дарахтларни дам аянчли ингратиб, дам йиглатиб, шафқатсиз увицларди.

Пиноккио момақалди роқ ва чакмоқдан жудаям кўрқар, аммо очлик кўрқувдан ҳам кучли роқ эди. У эшикни юзига беркитди-да, кучини йигиб туриб бир югуришда қишлоққа етиб олди, тўғри, энди югуравериб ҳаллослаганидан тили този итникидек осилиб қолган эди.

Қишлоқ қоп-қоронғу, хувиллаб ётарди. Дўконлар ёпиқ, уйларнинг эшик ва деразалари берк эди. Кўчаларда ҳатто саёқ ит ҳам кўринмасди.

Бутун қишлоқда биронта ҳам тирик жон йўқдек туюларди.

Қорни очлигидан руҳи тушиб кетган Пиноккио бир уйнинг олдига яқин бориб: «Зора-мора биронта одам деразадан мўраласа», деган ниҳоятда эшик қўнғирогининг ишидан тортди.

Дарҳақиқат, деразадан бошига тунги қалпоқ кийган бир чол кўришди.

— Шундай бемаҳалда нима керак сизга? — деб сўради у жаҳл билан.

— Илтимос, менга бир бурдагина нон берсангиз.

— Бўпти, мени кутиб тур, ҳозир олиб келаман, — деди чол.

Чол Пиноккиони кечалари эрмакка эшик тақиллатиб, диёнатли одамларнинг уйқусини ҳаром қиладиган бевош саёқлардан биттаси бўлса керак, деб ўйлаган эди.

Ярим минутдан кейин дераза яна очилиб, чолнинг чинқирган овози эшитилди:

— Дераза тагига келиб, қалпоғингни тутиб тур!

Пиноккио шоша-пиша қалпоғини ечди. Шу пайт унинг устидан шаршарадек муздай сув қуйилиб, уни бошдан-оёқ шалаббо қилди.

Ёғоч Бола худди ҳозиргина тарнов ичидан тортиб олинган мушукдек жиққа ҳўл ҳолда силласи қуриб, очликдан ўлар ҳолга келиб уйига қайтди. У курсига ўтириб олиб ҳўл ва лой оёқларини лаққа чўғ тўла манқал устига узатди.

Шу алфозда у ухлаб қолди. Пиноккио ухлаётганида ёғоч оёқлари қуйиб, олдин қора кўмирга, кейин эса кулга айланди.


Пиноккио бўлса, парвои фалак, ҳуррак отиб ухларди. Эрталаб тонг палласида у бирдан чўчиб уйғониб кетди: кимдир эшикни тақиллатарди.

— Ким? — деб сўради Пиноккио эснаб ва кўзларини ишқалаб.

— Менман, — деган овоз эшитилди ташқаридан.

Бу Жеппеттонинг овози эди.

## VII. Жеппетто уйга қайтади. Бечора ота ўзи учун нонуштага топиб келган егуликнинг ҳаммасини Пиноккиога беради



Бахти қора Пиноккио ҳамон уйқусирарди, шунинг учун оёқлари куйиб қолганини пайқамади. У отасининг овозини эшитган заҳоти ўйлаб-нетиб ўтирмай, курсидан сакраб тушди-ю, эшикнинг зулфинини

суриш учун югурди. Лекин зўрга икки-уч қадам қўйиб, ерга юз тубан йиқилди. Бешинчи қаватдан тушиб кетган бир қоп ёғоч қошиқ қандай шарақлаб кетса, Пиноккио йиқилганида ҳам шунақа овоз чиқди.

— Оч эшикни! — деб қичқирди ташқарида турган Жеппетто.

— Дада, очолмайман, — деб йиғлаб юборди Ёғоч Бола ва аламдан ерда уёқдан-буёққа аганай бошлади.

— Нега очолмайсан?

— Нега десангиз, кимдир оёғимни еб қўйипти.

— Ким ейиши мумкин?

— Мушук, — деди Пиноккио.

Чунки Пиноккио бу пайт бир мушук пайраҳани ўйнаётганини кўриб қолган эди.

— Оч деяпман сенга, — деб такрорлади Жеппетто, — бўлмаса, ўзим очиб кириб, мушук қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сенга!

— Гапимга ишонинг, дада, ростданам, оёғимда туролмайман. Вой, шўрим қуриб қолди!



Энди мен ўла-ўлгунимча эмаклаб кун кечи-  
ман!..

Жеппетто бу оҳ-воҳларни Ёғоч Боланинг нав-  
батдаги найранги деб ўйлади ва бунга барҳам  
бериш учун, деворга тирмашиб чиқиб, дераза-  
дан уйга тушди.

У пайсалга солиб ўтирмай, ҳозирнинг ўзида  
одобсиз боланинг адабини бериб қўймоқчи бўл-  
ган эди, аммо Пиноккиосининг ерда ағанаб ётга-  
нини, унинг оёқлари чиндан ҳам куйганини кўр-  
ди-ю, бечорага раҳми келди. У дарҳол Пиноккио-  
ни кўтариб олиб, бағрига босди-да, кетма-кет  
ўпаверди. Жеппеттонинг кўзидан дув-дув ёш  
оқаркан, пиқиллаганча:

— О, болагинам, қандай қилиб оёғингни куй-  
дириб қўйдинг? — деди.

— Ўзимам билмайман, дада. Лекин сизга  
ростини айтсам, бугун кечаси жудаям қўрқинч-  
ли бўлди, бу қўрқинчли тунни ўла-ўлгунимча  
эсимдан чиқармайман. Момақалди роқ гумбур-  
лаб, тинмай чақмоқ чақди, менинг бўлса қорним  
жудаям оч эди. Гапирувчи Қора Чигиртка га-  
шимга тегиб: «Ҳали сен кўп бахтсизликларга  
учрайсан, чунки ёмон боласан — қилмиш-қи-  
дирмиш», деди менга. Шунда мен унга: «Хап  
сеними, шошмай тур, Қора Чигиртка!» — дедим.  
Кейин у менга: «Сен Ёғоч Боласан, калланг ҳам  
ёғочдан», деган эди, ёғоч болғачани отиб, уни  
ўлдирдим. Ахир айб ўзимда-да, нимага десангиз,  
мен уни ўлдирмоқчи эмасдим, кейин мен кич-  
кина товани қўр тўла манқал устига қўйдим,  
лекин жўжа пир этиб учиб чиқиб: «Саломат  
бўлинг... яхши қолинг!» — деб учиб кетди. Қор-  
ним очгандан очаверди, очаверди, шунинг учун  
тунги қалпоқ кийган чол деразадан бошини чи-  
қариб: «Дераза тагига келиб, қалпоғингни тутиб  
тур», деди. Шундан кейин мен бошимга тўкил-

ган бир тогора сувдан шилтаи-шалаббо бўлиб (нима, бир бурда нон сўраш шунақа уятми, а?), дарров уйга қайтдим. Қорним очлигидан ўзимни қўярга жой топа олмай, ҳеч бўлмаса, оёғимни қуритай, деб манқал устига қўйдим. Шу ўтирган-нимча ухлаб қолибман. Сиз келиб эшикни тақиллатганингизда, қарасам, иккала оёғим ёниб кул бўлипти. Мана, оёғимдан ҳам жудо бўлдим, лекин очлик ҳалиям азоб беряпти менга! У-у-у-у!..

Шундан кейин, бечора Пиноккио шунақа ув тортиб йиғлай бошладики, улагани ҳатто беш қақирим нарига ҳам эшитилди.

Ёғоч боланинг тутуруқсиз гапидан Жеппетто фақат бир нарсани, яъни унинг очликдан ўлар ҳолга келганини тушунди, тушунди-ю, дарҳол чўнтагидан учта нок чиқариб, Пиноккиога узатаркан:

— Очиги, бу ноклар менинг нонуштам эди, лекин бажону дил сенга бераман. Ол, ея қол, ош бўлсин, — деди.

— Агар шу нокларни ейишимни хоҳласангиз, илтимос, пўчоғини артиб беринг.

— Артиб берайми? — деди ҳайрон бўлиб қолган Жеппетто. — Сенинг бунчалик инакойим, инжиқ эканлигингни билмаган эканман, ўғлим. Яхши эмас! Бу дунёда киши гўдаклик чоғидан ҳар қандай овқатни ейишга одатланиши керак, чунки одамзоднинг бошига не-не савдолар тушмайди ҳаётда. Киши умрида ҳар қандай қийинчиликларга дуч келиши мумкин!

— Тўғри, гапингизга қўшиламан, — деб отанинг сўзини бўлди Пиноккио, — лекин мен пўчоғи артилмаган мевани емайман. Чунки, пўчоқ деса кўнглим айнайди!

Оқкўнгил Жеппетто ёнидан паккисини чиқа-

риб, сабр-тоқат билан учала нокни артиб, пўчоғини столнинг бир чеккасига қўйди.

Пиноккио ҳаш-паш дегунча биринчи нокни еб бўлиб, уруғи бор жойини отиб юбормоқчи бўлган эди, Жеппетто унинг қўлидан ушлаб қолиб, бундай деди:

— Отма. Бу дунёда ҳамма нарса ҳам асқатиб қолиши мумкин.

— Нима, сиз хали мени шу пўчоқни ейди деб ўйлаяпсизми? — деди истеҳзо билан Ёғоч Бола.

— Ким билсин! Ҳамма нарса бўлиши мумкин, — деб эътироз билдирди Жеппетто бамай-лихотир.

Ҳар қалай, учала нокнинг уруғи бор жойи деразадан кўчага отилмади, балки стол четида ётган пўчоқлар ёнига қўйиб қўйилди.

Пиноккио учта нокни еб бўлди, аниқроғи, ямламай ютиб юборди, кейин ширин бир эснаб, йиғламсираб деди:

— Ҳалиям қорним тўймади!

— Лекин бошқа ҳеч нарсам йўқ, ўғлим.

— Ростданам ҳеч нарса йўқми?

— Ана, нокнинг пўчоғи билан уруғи бор жойи қолган, холос.

— Илож қанча, — деди Пиноккио, — бошқа ҳеч нима бўлмаса, майли, бир бўлак пўчоқ есам ебман.

Шундай деб, у пўчоқ чайнай бошлади. Олдинига у афтини буруштирди, лекин кейин пўчоқнинг ҳаммасини, унинг кетидан нокнинг уруғи бор жойини ҳам бир зумда еб ташлади. Овқатланиб бўлгандан кейин ҳузур қилиб қорнини силаб қўйиб, қувноқ оҳангда:

— Мана энди, ўзимни ростакамига жуда яхши ҳис қила бошладим! — деди.

— Ана, кўрдингми, — деди Жеппетто, — ин-

жиқ бўлиш керакмас, деб сenga тўғри айтган эдим! Азизим, бу дунёда бошимизга не кунлар тушишини ҳеч қачон билиб бўлмайди. Ҳаётда ҳар хил ҳоллар содир бўлиши мумкин...

## VIII. Жеппетто Пиноккио учун бир жуфт янги оёқ ясаиди ва унга алифбе сотиб олиш учун камзулини сотади

Еғоч Бола қорнини тўйдиргач, яна хархаша қилиб йиғлай бошлади: энди у Жеппеттодан янги оёқ ясаб беришни талаб қилди.

Бирок, Жеппетто найранглари учун унинг бир таъзирини бериб қўймоқчи бўлди, шунинг учун то туш пайтигача Пиноккионинг йиғи-сигисига парво қилмай ўтираверди. Ахири бўлмагач, ўғлига:

— Нега энди сенга янги оёқ ясаб беришим керак? Яна уйдан қочиб кетишинг учунми? — деди.

— Сўз бераман сизга, — деди Еғоч Бола пиқиллаб, — энди мен яхши бола бўламан.

— Ҳамма болалар ҳам бирор нарсани сўрамоқчи бўлишса, шунақа сўзамол бўлиб қолишади, — деди Жеппетто.

— Мен мактабга бориб, тиришиб ўқишга сўз бераман.

— Ҳамма болалар ҳам бирор нима сўрайдиган бўлишса, шунақа чўпчак тўқишади.

— Лекин мен ҳамма болалардака бола эмасман! Мен улардан яхшироқман, ундан кейин, мен фақат рост гапираман. Сўз бераман сизга, дада, мен ҳунар ўрганиб, қариган чо-гингизда ёнингизга кириб, сизга юпанчиқ бўламан.

Жеппетто жаҳли чиққандай юзини буриш-



тирди, лекин кўзлари филт-филт ёш, юрак-бағри бечора Пиноккионинг аянчли аҳволидан эзилиб кетган эди. Шунинг учун у бошқа ҳеч нима демай, қўлига дурадгорлик асбоби ва иккита яхши қуритилган ёғочни олиб жон-жаҳди билан ишга киришди.

Салкам бир соат деганда бир жуфт оёқ тайёр бўлди: икковиям бежирим, чайир, қуруқ оёқ эди. Энг моҳир хайкалтарош ҳам бундан яхшироқ ясай олмасди.

Кейин Жеппетто Ёғоч Болага:

— Кўзингни юмиб ухла! — деди.

Пиноккио кўзини юмиб, ўзини ухлаганга солиб ётди. У ухлагандай бўлиб ётган пайтда Жеппетто қиттаккина дурадгорлик елимини тухум пўчоғида қориб, боланинг иккала оёғини ҳеч бир нуқсонсиз, зўр маҳорат билан ёпиштирдик, уларнинг елимланган ерини минг тикилган билан топиб бўлмасди.

Ёғоч Бола оёқлари яна бутун бўлганини сезган захоти, ўзи ётган стол устидан «дик» этиб сакраб тушди-да, суюниб кетганидан, худди ақлдан озгандай, дам ирғишлаб, дам ўмбалок оша бошлади.

— Менга қилган бу яхшилигиз учун, — деди Пиноккио отасига, — ҳозироқ мактабга боришга тайёрман.

— Баракалла, ўғлим!

— Лекин мактабга борадиган бўлсам, мени бир амаллаб кийинтириш керак-ку.

Шунда чўнтагида сариқ чақаси ҳам бўлмаган қашшоқ Жеппетто Пиноккио учун қоғоздан костюм бичди, дарахт пўстлоғидан бир жуфт ботинка тикди ва ноннинг юшоқ еридан қалпоқча ясади.

Пиноккио буларни кийиб олиб, гизиллаганча тоғарачадаги сувнинг тепасига борди-да, худ-

ди ўзини кўзгуга солгандек, сувдаги аксига тикилди. Ташқи қиёфаси ўзига жудаям ёқди, шунда у товусдек кеккайиб:

— Ҳақиқий синьорга ўхшаб кетибман! — деди.

— Гапинг тўғри! — деб жавоб қилди Жеппетто, — лекин эсингда бўлсин: синьорни синьор қиладиган нарса — янги кийим эмас, озода кийим бўлади.

— Шундай бўлгандаям, — деб яна гап бошлади Ёғоч Бола, — мен бари бир мактабга бора олмайман, нимага десангиз, мактабга боришим учун яна битта нарса, битта бўлгандаям асосийси етишмаяпти.

— Нима керак?

— Алифбе китобим йўқ.

— Гапинг тўғри. Лекин қаердан олсак экан у китобни?

— Бунинг йўли жуда осон: дўконга бориб сотиб олиш керак, вассалом.

— Хўш, пул борми?

— Менда йўқ.

— Менда ҳам йўқ, — деди чол қайгули оҳангда.

Ҳатто шу пайтгача енгилтак бола бўлган Пиноккио ҳам хомуш бўлиб қолди, чунки, агар одамнинг бошига тушган ташвиш ҳақиқий ташвиш бўлса, уни ҳамма, ҳатто болалар ҳам тушунади.

— Э, бир уриниб кўрай-чи! — деди бирдан Жеппетто ва ўрнидан дик этиб туриб кетди.

Кейин у қирқ ямоқ бўлиб кетган, эски духоба камзулини кийди-да, уйдан тез чиқиб кетди.

Салдан кейин у кўлида алифбе билан қайтиб келди, лекин энди эғнида бояги камзули йўқ эди.

Шўрлик чол кўйлакчан кириб келди — бу пайтда ташқарида қор ёғаётган эди.

— Камзулингиз қани, дада?

— Сотдим.

— Нега энди сотдингиз?

— Нега десанг, жуда исиб кетдим.

Пиноккио нима гаплигини олдинга тушунмади ва қувончи ичига сиғмаганидан, чолнинг бўйнидан қучоқлаганча, унинг юзи-кўзини чўпиллатиб ўпаверди, ўпаверди.



## IX. Пиноккио қўғирчоқ театрига кириш учун алифбе китобини сотади

Қор тиниши билан Пиноккио алифбени қўлтигига қистириб мактабга йўл олди. Йўлда кетаётганида унинг муштдеккина бошида минг хил фикр, бири-биридан ажойиб минг хил хомхаёл гужгон ўйнади. У ўзича бундай деб борарди:



— Бугун мактабга бориб, ўқишни ўрганиб оламан, эртага — ёзишни, индинга — ҳисоблашни ўрганаман. Кейин, эпчил ҳаракат қилиб, жуда кўп пул ишлаб топаман, ўз ақлим, ўз кучим билан ишлаб топган ана шу пулга, ҳаммадан олдин дадамга мовут камзул олиб бераман. Э, мовут ҳам гапми! Ҳаммаёғи олтину кумушдан тикилган, тугмалари гавҳар тошлардан бўлган камзул олиб беришга ҳам қурбим етади. Меҳрибон дадамга қанча яхшилик қилсам ҳам кам, ҳозир бечора битта кўйлақда дийдираб юрипти, нимага десангиз, китоб қўлтиқлаб мактабга боришим учун у камзулини ҳам аямади... Шундай қаҳратон совуқда-я! Бунақа фидойилик фақат оталарнинг қўлидан келади!

У ўзича шундай таъсирланиб гапириб кетаётганида узоқдан най ва дўмбираларнинг овози эшитила бошлади: «Ту-ту-ту, ту-ту-ту, бўм-бўм-бўм! Бўм!»

У тўхтаб қулоқ солди. Бу овозлар охири кўринмайдиган узундан-узун йўлнинг нариги бошидан эшитилаётган эди: бу йўл денгиз бўйида-

ги кичик бир қишлоққа олиб борар эди.

— Бу қанақа музика бўлди? Эссиз, мактабга боришим керак-да, бўлмаса...

Бир зумда миясидаги бояги ширин хаёллар остин-устун бўлиб кетди. Бир қарорга келиш керак эди: ё мактаб, ё музика.

— Бугун бориб музика эштай, мактабга артага бора қоламан. Мактаб қочиб кетмайди, — деган қарорга келди бизнинг шумтака ва елкасини қисиб қўйди.

Масала ҳал. У ўша ўзини ром қилган узун йўлга бурилди-ю, физиллаганча югуриб кетди. У чопган сари най ва дўмбираларнинг овози аниқроқ эшитила бошлади: «Ту-ту-ту, ту-ту-ту, бўм-бўм-бўм! Бўм!»

Ҳадемай у бир майдонга етиб келди, бу ерда тумонат одам олачипор матодан парда қилиб тўсилган каттакон ёғоч томошахона олдида уймалашарди.

— Бу қанақа томошахона? — деб сўради Пиноккио кичкина бир қишлоқи боладан.

— Афишада ёзилган сўзларни ўқисанг, билиб оласан!

— Жон-жон деб ўқиган бўлардим-а, лекин худди шу бугун ўқий олмайман.

— Қойилман, тўнка! Ундай бўлса, сенга ўқиб бераман. Мана, эшит, афишага қип-қизил ҳарфлар билан: Катта қўғирчоқ театри, деб ёзилган.

— Томошанинг бошланганига анча бўлди-ми?

— Ҳозир бошланади.

— Кириш учун қанча тўлаш керак?

— Тўрт соьдо.

Синчковлиги қўзиганидан ўзини қўярга жой тополмаётган Пиноккио андишани ҳам унутиб

қўйди. У уялмай-нетмай кичкина боладан:

— Менга эртагача тўрт сольдо бериб туролмайсанми? — деб сўради.

— Жон-жон деб берардим-а, — деб истехзо билан жавоб қилди бола, — лекин худди шу бугун беролмайман.

— Хоҳласанг, тўрт сольдопа камзулимни сотаман, — деди Ёгоч Бола.

— Нима қиламан ола-була қоғоздан тикилган камзулчангни? Агар сал ёмғир тегса, ўша захоти ивиб, адоий тамом бўлади.

— Бўлмаса, ботинкамни солиб оларсан?

— Ботинканг жуда ўчоққа тутантирикбоп экан-да.

— Унда, қалпогимга қанча берасан?

— Қалпогингни сотиб олган одам роса барака топаркан! Ноннинг юмшоғидан ясалган! Уни бошимда турганидаёқ сичқонлар еб кетишади!

Нима ҳам қила оларди! Пиноккио тилини тишлаб қолди. У охирги таклифини айтишга огиз жуфтлади-ю, лекин юраги дов бермади. У иккиланиб, ўйланиб қолди, уёқ-буёққа юрди. Ниҳоят, аҳд қилиб:

— Янги алифбе китобимга тўрт сольдо берасанми? — деб сўради.

— Мен боламан, шунинг учун бошқа болалардан ҳеч нима сотиб олмайман, — деб жавоб қилди Пиноккиога нисбатан анчагина ақлли бўлган кичкина ҳамсуҳбати.

— Алифбеингни тўрт сольдога мен оламан! — деб қичқирди суҳбатни бошидан охиригача эшитиб турган эскифуруш.

Шундай қилиб, китоб кўз очиб юмгунча сотилиб кетди.

Эсингизда бўлса, болалар, бу пайт бечора Жеппетто уйда қўйлакчан совуқдан дийдираб ўтирарди, чунки у камзулини алифбега айир-бошлаган эди.

**Х. Қўғирчоқлар ўз укалари — Пиноккиони таниб қолиб, уни зўр тантана билан қарши оладилар, лекин шодлик айна авжига чиққан пайтда театрнинг хўжайини Манжафоко кириб келади-ю, Пиноккио даҳшатли хавфга учрайди**



Пиноккионинг қўғирчоқ театрига келиши сал кам революцияга айланиб кетди.

Парда очилган, томоша бошланган эди.

Сахнада фақат Арлекин билан Пульчинелла бўлиб, улар уришиб, бир-бирларини ҳақоратлашар ва ҳар сафаргидек ҳадемай бир-бирла-

рини бир жуфт шаналоқ ёки бир шода мушт билан «меҳмон» қилишга шайланишарди.

Томошабинлар бу икки қўғирчоқнинг қилиқлари, гапларидан қотиб-қотиб кулишарди: қўғирчоқлар, бири йўгон, бири ингичка овозда ростакамига сўқинишардики, уларни қўғирчоқ эмас, балки ҳақиқий онгли жонзод, яъни бу дунёнинг одамлари деб ўйлаш мумкин эди.

Шу пайт бирдан Арлекин томошани таққа тўхтатиб, қўлларини зал томонга чўзганча, томошабинларга ҳаяжонли овоз билан мурожаат қилди:

— О, самовий қувватлар! Мен уйғоқманми, ё туш кўряманми? Ҳар қалай, ҳув орқа қаторда, менимча, Пиноккио ўтирипти!

— Тўғри, Пиноккио-ку! — деди Пульчинелла.

— Ҳа, ўша! — деди синьора Розаура, парда орқасидан бошини чиқариб.

— Пиноккио! Пиноккио! — деб қичқиришди ҳамма қўғирчоқлар ва дикир-дикир сакрашганча сахнага югуриб чиқишди.

— Пиноккио! Укажонимиз Пиноккио! Яшасин, Пиноккио!

— Пиноккио, қани, сахнага, менинг олдимга чиқ! — деб чинқирди Арлекин. — Қела қол, ўзингни ёғоч акаларинг қучоғига от.

Мана шу самимий таклифдан сўнг Пиноккио бир сакраган эди, залнинг орқа қаторидан сахна олдига келиб тушди. Кейин яна бир сакраб, дирижёрнинг бошига чиқди-да, у ердан сахнага ҳатлаб ўтди.

Пиноккионинг қўғирчоқлар қучоғида неча марта бўлгани, қанчадан-қанча дўстона ниқташларга, эркалаб чертишларга дош берганини ҳатто тасаввур ҳам қилиш қийин: бу хатти-ҳаракатларнинг ҳаммаси ёғоч артист ва актрисалар труппасининг энг самимий ва бузилмас биродарлигидан далолат беради.

Шубҳасиз, бу ниҳоятда ҳаяжонли спектакль эди, лекин залда ўтирган томошабинларнинг тоқатлари тоқ бўла бошлади, чунки улар комедиянинг давомини кўришни исташарди. Шунинг учун:

— Комедияни кўрсатинглар! Комедияни! — деб бақира бошлашди.

Томошабинлар бекорга бақиришарди, чунки қўғирчоқлар томошани давом эттиришни хаёлларига ҳам келтиришмасди, аксинча — яна ҳам қаттиқроқ бақириб-чақиришиб, Пиноккиони елкаларига кўтаришди-да, тантанали вазиятда уни сахна олдига олиб келишди.

Лекин, шу пайт томошахонанинг хўжайини — қўғирчоқбоз келиб қолди; бу жудаям баҳайбат, бадбашара жаноб бўлиб, шу қиёфасининг ўзиёқ одамни даҳшатга соларди. Унинг

пахмайган соқоли худди сиёҳ доғига ўхшаш тимқора ва шунақанги узун эдики, учи ерга тегар, юрганида соқолини тез-тез босиб олар эди. Унинг оғзи худди печканинг оғзидек каттакон эди, кўзлари бўлса, ичида шам ёниб турган бир жуфт қизил фонарни эслатарди. Қўлига тулки думлари ва илонлардан эшилган йўғон қамчи ушлаб олган эди.

Театр хўжайинининг дабдурустдан пайдо бўлганини кўриб, ҳамма гунг бўлиб қолди. Хатто чуқурроқ нафас олишга ҳам ҳеч ким журъат эта олмади. Пашша учса эшитиларди. Бечора кўғирчоқлар худди терак баргидек дир-дир титрай бошлашди.

— Сен нега театримда тартибни бузаясан? — деди кўғирчоқ театрининг хўжайини Пиноккиога ўгирилиб, унинг овози шамоллаб қолган одам-хўрнинг овозига ўхшаб хириллаб чиқди.

— Зоти мунавварлари, ўлай агар, айб менда эмас.

— Ҳа, бўпти. Ҳозирча етар! Бугун кечқурун сен билан ўзим ҳисоблашаман.

Томоша тугагач, хўжайин ошхонага кириб семизгина бир кўзичоқ гўштидан ўзига кечки овқат пишира бошлади. У гўштни бутунича сихга тортиб, ўт устида ҳафсала билан айлантирди. Лекин гўшт яхши қовурилиб, касир-кусир бўлиб пишиши учун ўтин етмай қолди, шунда у Арлекин билан Пульчинеллани чақирди.

— Қани, бориб қозиққа илиб қўйилган Пиноккиони олиб келинглар! — деб буюрди уларга. — Назаримда, бу Ёғоч Бола асл нав, қуруқ ёғочдан йўнилган кўринади, уни ўтга қалаб гўштни пишириб оламан.

Арлекин билан Пульчинелла нима қилишни билмай иккиланиб туриб қолишди, лекин хўжайиннинг ўт чақнаб турган кўзи уларни даҳшатга

солган эди. Шундан сўнг, улар буйруқни бажаргани чиқиб кетиб, бир оз ўтгач ошхонага Пинноккиони етаклаб киришди. У шўрлик худди қумга ташланган балиқдай питирлар, жон-жаҳди билан:

— Дадажон, мени қутқаринг! Мен ўлишни хоҳламайман, хоҳламайман ўлишни! — деб чинқирарди.

**XI. Манжафоко тўхтовсиз аксира бошлайди ва Пиноккиони кечиради. Пиноккио бўлса, шундан кейин дўсти Арлекинни ўлимдан қутқариб қолади**



Қўғирчоқ театрининг хўжайини Манжафоко (унинг исми шунақа эди) жуда қўрқинчли кўринса ҳам (унинг бутун кўкраги ва оёқларини худди қалқондек тўсиб турувчи хурнайган қора соқоли айниқса қўрқинчлироқ

эди), аслида у ёмон одам эмас эди. Унинг олдига, жон ҳолатда питирлаб, нуқул «ўлишни хоҳламайман» деб чинқираётган Пиноккиони судраб келишганида, бирдан бу болага раҳми келди. Манжафоко қалбидаги раҳм-шафқат тўйгусини даф қилишга бир оз вақт уриниб ҳам кўрди-ю, лекин бўлмади — ҳиссиётга таслим бўлиб, баралла акса ура бошлади.

Шу тонгача худди мажнун толдек қаддини эгиб, мутлақо гамга ботиб турган Арлекин акса овозини эшитишни билан суюниб кетди ва энгашиб Пиноккионинг қулогига пичирлади:

— Хушxabар, биродар! Хўжайин аксира бошлади, демак унинг раҳми келипти сенга, энди қутулдинг.

Шуни айтиб қўйиш керакки, бошқа одамлар бирон кишига ачинишганда, йиглаб кўзёшларини артишса, Манжафоко бировга раҳм қилганида доим акса ура бошларди. У ўз меҳрибонлигини шу йўсида намоиш қиларди.

Театр хўжайини тўйгунича акса уриб бўлгач,



Пиноккиога яна аввалгидек дагдаға қила бошлади:

— Гингшима! Гингшишингдан қорним оғрияпти... Шунақа бураб оғрияптики... худди... худди... Апшу! Апшу! — у гапини тугата олмай кетма-кет яна икки марта аксирди.

— Соғ бўлинг, — деди Пиноккио.

— Раҳмат. Ота-онанг борми? — деб сўради Манжафоко.

— Отам бор. Лекин онамни ҳеч қачон кўрмаганман.

— Агар сени ўтга қаласам отанг роса хафа бўларди-да. Бечора чолга раҳмим келяпти!.. Апшу! Апшу! Апшу! — У яна устма-уст уч марта акса урди.

— Соғ бўлинг, — деди Пиноккио.

— Раҳмат. Лекин менга ҳам раҳминг келсинда. Ўзинг кўриб турибсан, қўзи гўштини кабоб қилиш учун ўтин етмай қолди, сен — агар очигини айтсам — жудаям асқотган бўлардинг. Лекин сени аядим. Ҳай, илож қанча! Бас, шундай экан, сенинг ўрнингга труппамдаги кўғирчоқлардан биронтасини ўтга қалайман энди. Ҳой, полициячилар!

Худди қамишдек озгин, бўйи дароз иккита ёғоч полициячи ўз хўжайинларининг буйруғини эшитишган ҳаманоқ қилич яланғочлаб юғуриб келишди.

Шунда театр хўжайини уларга дағал овоз билан буюрди:

— Қани, Арлекинни ушлаб, чандиб боғланглар-да, ўтга ташланглар. Қўзи гўшти яхши қовурилиб, касир-кусур бўлиб пишиши керак.

Бечора Арлекиннинг аҳволини кўз олдингизга келтиринг-а! У қаттиқ кўрқиб кетганидан, тиззалари ўз-ўзидан букилиб, «гурс» этиб ерга йиқилди.

Бу юракни эзадиган аҳволни кўрган Пиноккио кўғирчоқбознинг оёғига йиқилиб, аччиқ-аччиқ фарёд чекди ва кўзёши билан Манжафоконинг узундан-узун соқолини шалаббо қилиб юборди.

— Шафқат қилинг, синьор Манжафоко! — деб ёлборди у.

— Бу ерда ҳеч қанақа синьор-миньор йўқ, — деб ўшқирди кўғирчоқ театрининг хўжайини.

— Раҳм қилинг, синьор кавалер!

— Бу ерда ҳеч қанақа кавалер-мавалер йўқ.

— Шафқат қилинг, синьор командор!

— Бу ерда ҳеч қанақа командор йўқ.

— Раҳм қилинг, жаноби олийлари!

Театр хўжайини «жаноби олийлари» деган мартабани эшитиб, оғзи қулоғига етди, шу заҳотиёқ кўнгли юмшаб, дарҳол гапга кўнадиган бўлиб қолди.

— Хўш, нима истайсан? — деди у юзини Пиноккиога ўгириб.

— Бечора Арлекинга раҳм қилишингизни сўрайман.

— Раҳм-шафқатга ўрин йўқ энди. Сени аядимми, демак ўрнингга уни оловга қалашим шарт, чунки мен кўзи гўштининг яхши пишганини ёқтираман.

— Ундай бўлса, — деди Пиноккио бошини мағрур кўтариб, нондан ясалган қалпоқчасини отиб юбораркан, — ундай бўлса, нима қилиш кераклигини, мана, мен биламан. Қани, олға, синьор полициячилар! Менинг оёқ-қўлимни боғлаб ўтга ташланглар. Чунки менинг ўрнимга жонажон дўстим бечора Арлекиннинг ўтда ёнишини асло истамайман!

Бу баландпарвоз, мардона гаплар шу ерда бўлган кўғирчоқларнинг ҳаммасига қаттиқ таъсир қилди. Ҳатто полициячилар ҳам, ёғочдан

ясалган бўлишларига қарамай, худди энди онадан туғилган иккита қўзичоқдек бўзлаб йиғлаб юбордилар. Манжафоко бир минутча бўш келмай бардош бериб турди-ю, лекин кейин аста-секин унинг ҳам қалби юмшаб, бирдан ақса ура бошлади. У тўрт, ё беш марта ақса ургач, қулочини очиб:

— Сен жуда яхши бола экансан! Қани, кел, мени бир ўпиб қўй, — деди.

Пиноккио ҳам шу заҳоти Манжафоко томонга отилиб, унинг соқолидан худди олмахондек тирмашиб чиқди ва қўғирчоқбознинг бурни учини чин юракдан ўпди.

— Демак, мен озодманми? — деб сўради шўрлик Арлекин эшитилар-эшитилмас овоз билан.

— Сени кечирдим, — деб жавоб қилди Манжафоко. Кейин бир хўрсиниб қўйиб, бошини сарак-сарак қилганча қўшиб қўйди: — Ҳа, майли! Бугунча чала пишган гўшт есам ея қолай. Лекин агар яна шунақа машмаша кўтарадиган бўлсаларинг, ўзларингдан кўрларинг — аяб-нетиб ўтирмайман!

Қўғирчоқлар бу хушxabарни эшитишгач, ҳаммалари саҳнага отилиб чиқишиб, худди байрам томошаси кўрсатишмоқчи бўлгандай, ҳамма чироғу шамларни ёқиб юборишди, дик-дик сакраб рақс туша бошлашди. Улар то эрталаб қуёш чиққунга қадар ўйин-кулги қилдилар.

ХП. Қўғирчоқбоз Манжафоко, даданг  
Жеппеттога олиб бориб бер, деб Пиноккиога  
бешта олтин танга беради, лекин Пиноккио  
тулки билан мушукнинг гапларига лаққа  
ишониб, улар билан жўнаб кетади



Эртаси куни Ман-  
жафоко Пиноккиони  
бир четга чақириб  
олди.

— Отаннинг ис-  
ми нима? — деб сўра-  
ди у.

— Жеппетто.

— Қасби нима?

— Камбағаллик.

— Кўп пул топадими?

— Топганда қандоқ: чўнтагида сариқ чақа  
ҳам бўлмади. Битта мисол айтсам тушуниб  
оласиз: дадам менга алифбе китоби сотиб олиш  
учун кийиб юрган биттаю битта камзулини сот-  
ди. У камзул шўрлик ҳам кийилавериб титилиб  
кетган, қирқ ямоқ камзул эди.

— Шўр пешона экан, унга ачиняпман. Сен  
манави бешта олтинни олгин-да, ҳозироқ отанга  
олиб бориб бер, яна мендан дўстона салом айт  
унга.

Турган гап, Пиноккио қўғирчоқбозга қайта-  
қайта миннатдорчилик изҳор қилди, труппада-  
ги қўғирчоқларнинг ҳаммаси билан, шу жумла-  
дан, полициячилар билан ҳам бирма-бир қучоқ-  
лашиб хайрлашди-да, севинганидан оғзи қуло-  
гига етиб уйига жўнади.

Лекин ҳали бир километр ҳам йўл босмаган  
эди, кўчада бир оёғи чўлоқ тулки билан иккала  
кўзи кўр мушукка рўпара келди. Улар худди

икки қалин ўртоқдек бир-бирларига ёрдамлашиб юриб келишарди. Сўқир мушук чўлоқ тулкини суяб олган, чўлоқ тулки бўлса, сўқир мушукка етакчилик қиларди.

— Яхшимисан, Пиноккио, — деди Тулки ва назокат билан таъзим қилди.

— Менинг исмимни қаёқдан биласан? — деб сўради Пиноккио.

— Дадангни яхши танийман.

— Қаерда кўрдинг дадамни?

— Уни кеча уйи олдида турганини кўрувдим.

— Нима қилаётган эди?

— У совуқда кўйлақчан дийдираб турган эди.

— Бечора дадам! Ҳечқиси йўқ, энди, худога шукур, бундан буёқ сираям совуқдан дийдирамайди.

— Нимага энди?

— Нимага десанг, энди мен мўътабар зотман.

— Сен-а — мўътабар зотмисан? — деди Тулки кесатиб ва баралла ҳиринглаб кулди.

Мушук ҳам мийиғида кулиб қўйди. Лекин кулганини сездирмаслик учун, панжаси билан мўйловини силаб қўйди.

— Бунинг ҳеч куладиган ери йўқ! — деди Пиноккио аччиғланиб. — Икковларинг ҳасаддан ёрилиб ўлмасанглар эди, деб кўрқаман, лекин, майли, мана, кўринглар, бунинг нима эканлигига тушунасизларми-йўқми — билмайман, лекин айта қолай: булар беш дона ажойиб олтин танга бўлади.

У кафтини очиб, кўғирчоқ театрининг хўжайини совға қилган олтин тангаларни кўрсатди.

Олтин тангалар жарангини эшитган заҳоти Тулкининг қийшиқ оёғи ўз-ўзидан тўғриланди, Мушук бўлса, иккала кўзини бақрайтирган эди, худди иккита кўк чироқ чарақлаб кетгандай бўл-

ди. Лекин у кўзларини дарров юмиб олди, шунинг учун Пиноккио ҳеч нимани пайқамеди.

— Хўш, бу тангаларни нима қилмоқчисан? — деб сўради Тулки.

— Биринчи галда, — деб жавоб қилди Ёғоч Бола, — дадамга чиройли камзул олиб бераман, агар иложи бўлса, олтин, кумушдан тикилган, тугмалари чақноқ тошдан бўлган камзул оламан. Ундан кейин алифбе сотиб оламан.

— Алифбе — ўзинггами?

— Ҳа, ўзимга. Гапнинг қисқаси, мен мактабга бориб, кунт билан ўқимоқчиман.

— Мана, мени кўр! — деди Мушук. — Ўша бемаъни ўқиш деб иккала кўзимдан айрилиб ўтирибман.

Бу пайт йўл ёқасидаги дарахт шохига қўниб ўтирган майна ўзининг одатий қўшиғини сайраб бўлиб, бундай деди:

— Пиноккио, кулоқ солма бу ярамас маҳлуқларнинг гапига, бўлмаса, роса таъзирингни ейсан.

Бечора майна! Индамаса-ку бўларди-я! Мушук бир санчишда шўрлик қушга чанг солиб, хаш-паш дегунча уни пати-ю, териси билан ямламай ютиб юборди. Шўрлик «вой» дейишга ҳам улгуролмади.

Мушук майнани еб бўлиб лабини ялади, кейин яна аввалгидек кўр бўлиб олди.

— Бечора қуш! — деди Пиноккио Мушукка. — Нега бундай қилдинг?

— Бу унга яхши сабоқ бўлади. Кейинги сафар бегоналарнинг суҳбатига аралашмайдиган бўлади.

Улар йўлнинг ярмини босиб ўтишган эди, шунда бирдан Тулки тўхтаб, Ёғоч Болага ўғирилди:

— Менга қара, олтининг икки ҳисса кўп бўлишини хоҳлайсанми?

— Нима?

— Уша арзимаган беш тангангни юзта, мингта, икки мингта олтинга айланишини хоҳлайсанми?

— Бўлмасам-чи! Лекин қандай қилиб?

— Бу жуда осон. Уйингга бормай, биз билан юр, вассалом.

— Мени қаёққа олиб борасизлар?

— Галварсистон мамлакатига.

Пиноккио бир минутча ўйланиб қолди, кейин кескин оҳангда:

— Йўқ, бормайман. Уйимга етиб қолдим, яхшиси, уйимга бораман, дадам мени кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтиргандир. Шўрлик қария, кеча уйга бормаганимдан роса хавотир олган бўлса керак. Афсуски, мен шу топгача қулоқсиз бола эдим, ўзи Гапирувчи Қора Чигиртка: «Қулоқсиз болаларнинг бу дунёда аҳволи вой бўлади», деб жуда тўғри айтган экан. Мен буни танамда синаб кўрдим, чунки кўп фалокатларни бошимдан кечирдим. Мана, масалан, кеча кечқурун Манжафокониккида ўлиб кетишимга сал қолди... У-у... Ўйласам, ҳозир ҳам аъзои баданим дағ-дағ титрайди! — деди.

— Демак, — деди Тулки. — чинданам уйингга боришга аҳд қилдингми? Ҳа, майли, боравер, бизга нима, ўзингга қийин қиласан!

— Ўзингга қийин қиласан! — деб такрорлади Мушук ҳам.

— Яхшилаб ўйлаб кўр, Пиноккио, ахир сен бахтингни ўз оёғинг билан топтаяпсан.

— Топтаяпсан! — деб такрорлади Мушук ҳам.

— Уша беш тилланг бугун эмас эртага икки минг тиллага айланиши мумкин эди.

— Икки минг тиллага! — деб такрорлади Мушук.

— Ахир қандай қилиб? — деб сўради Пиноккио ва ҳайрон бўлганидан оғзи ланг очилиб қолди.

— Сенга тушунтириб беришим мумкин, — деб жавоб қилди Тулки. — Хабаринг бўлса керак, албатта, Галварсистон мамлакатада бир дала бор, уни ҳамма ерда «Сеҳрли Дала» деб аташади. Сен ўша далага бориб, кичкина бир чуқур қазийсан-да, унга, мисол учун, битта олтин танга қўясан. Кейин чуқурни тупроқ билан кўмиб, устидан икки челақ қудуқ сувидан қуясан, кейин устидан озгина туз сепасану кечкурун бамайлихотир ўрнингга кириб ётасан. Олтининг кечаси униб чиқиб гуллайди, сен эртаси куни қуёш чиққандан кейин бориб қарасанг, хўш, кўз олдингда нима пайдо бўлади, биласанми? Шохларида барг ўрнида ғуж-ғуж олтин бўлган дарахтни кўрасан. Дарахт худди июль ойида айна донга тўлишган салмоқли бошоққа ўхшаб кетади.

— Демак, — деди Пиноккио борган сари кўпроқ ажабланаркан, — агар ўша далага битта эмас, бешта олтин танга эксам, эртасига эрталаб қанча олтин топаман?

— Бунинг ҳисоби жуда осон, — деб жавоб қилди Тулки, — ўзинг бармоқларингда санаб кўришинг мумкин. Айтайлик, ҳар бир олтин беш юз олтиндан иборат тўпга айланди: демак, беш юзни бешга кўнайтирасан, натижада, эртаси куни эрталаб икки минг беш юзта жарангдор, ярақлаган, яп-янги олтин сенинг чўнтагингда-да.

— Вой, қойил-ку! — деб чинқириб юборди Пиноккио ва суюнганидан бир оёғида чирпирак бўлиб айланди. — Мен шу олтин ҳосилини йиғиб



олганимдан кейин, икки мингини ўзимга олиб қолиб, беш юзини сизларга совға қиламан.

— Бизга совға қиласан! — аччиғланиб деди Тулки ва жуда қаттиқ ранжиб қўшиб қўйди: — Бу ишдан сени худо сақласин.

— ... худо сақласин! — деб такрорлади Мушук.


— Биз, — деб гапини давом эттирди Тулки, — жирканч фойдани кўзлаб ишламаймиз. Биз бошқаларни бойитиш учун савоб иш қиламиз.

— ... савоб иш қиламиз! — деб такрорлади Мушук.

«О, жудаям диёнатли жаноблар экан!» — деб ўйлади Пиноккио. Шу заҳоти у отасини ҳам, янги камзулни ҳам, алифбени ҳам, ўйлаб қўйган ҳамма яхши ниятларини ҳам унутди-ю, Тулки билан Мушукка юзланиб:

— Бўлмаса, тезроқ кетдик! Сизлар билан борганим бўлсин, — деди.

### ХIII. Қизил қисқичбақа меҳмонхонаси



Улар кетаверишди, кетаверишди, ахири қош қорайганда Қизил Қисқичбақа меҳмонхонасига етиб боришди.



— Мана шу ерга бир кириб ўтайлик, — деб таклиф қилди Тулки, — бирон нима тамадди қилиб, бирикки соат дам оламиз. Ярим кечада яна йўлга тушамизда, айни тонг саҳарда Сеҳрли Далага етиб оламиз.

Улар меҳмонхонага кириб, учовлари бир стол атрофига ўтиришди. Лекин биронталарида ҳам иштаҳа йўқ эди.

Қорин оғриғи дардига мубтало бўлган бечора Мушук атиги помидор солиб пиширилган ўттиз бешта балиқ билан пишлоқ аралаштириб пиширилган ичак-чавоқдан тўрт косани еди, холос. Ичак-чавоқ бемазароқ туюлди, шекилли, у яна уч тақсимча сариғ ёғ билан қирғичдан ўтказилган пишлоқ буюрди.

Тулки ҳам бирон нима еб олишга қарши эмас эди. Лекин доктор қаттиқ пархез қилишни буюргани учун, у яхшилаб қовурилган барра қуён гўшти билан чекланишга мажбур бўлди, бу гўштни хушхўр қилувчи зиравор сифатида у — бўрдоқига боқилган бир жуфт товуқ билан бир жуфт жўжахўроз сўради. Тулкининг иштаҳаси йўқ эди, шунга кўра, у иштаҳасини очиш учун яна каклик, макиён карқур, қуён, қурбақа, калтаке-сак ва узумдан тайёрланган қовурдоқ сўради. Шулардан бошқа ҳеч нима егиси келмади бояқшнинг. Овқат шунчалик жонимга теккан-

ки, деди у, кўрсам кўнглим айнийди.

Пиноккио бошқалардан камроқ овқат еди. У ўзига бир палла ёнғоқ билан бир бурда нон буюрди, кейин, шу овқатгаям қўл урмади. Сехрли Дала ҳақидаги ширин хаёлга ғарқ бўлган бечора болани олтин тангалар тўйдириб қўйган эди.

Ҳаммалари овқатланиб бўлишгач, Тулки ошхона хўжайинига:

— Бизга иккита яхши хона беринг — биттаси синьор Пиноккиога, иккинчиси мен билан дўстимга. Сафарни давом эттириш олдидан бир оз мизғиб олмоқчимиз. Лекин ёдингизда бўлсин, роппа-роса ярим тунда бизни уйғотасиз, чунки биз йўлга чиқишимиз зарур, — деди.

— Хизматингизга тайёрман, синьорлар, — деди ошхона хўжайини ва Тулки билан Мушукка муғамбирона кўз қисиб қўйди, бу кўз қисиш: «Хотиржам бўлинг, гапингизга тушундим», деган маънони билдирарди.

Пиноккионинг боши ёстиққа тегар-тегмас донг қотиб ухлаб қолди, у туш кўрди. Тушида ҳамма ёғига дарахт ниҳоллари ўрнатилган бир даланинг қоқ ўртасида турганмиш, ниҳолларнинг шохларида шода-шода олтин тангалар осилганмишу шамол эсганида бу тангалар гўё: «Бизни узиб олинг, узиб олинг!» дегандек «жаранг-журунг, жаранг-журунг, жаранг-журунг» қилармиш. Лекин Пиноккио чиройли, ярақлаган олтин тангалардан бир сиқимини узиб олиш учун энди қўлларини узатган эди, кимдир эшикни уч марта қаттиқ гурсиллатиб уриб, уни уйғотиб юборди.

Бу ошхона хўжайини эди.

— Ярим кеча бўлди, — деди у.

— Ҳамроҳларим отланиб бўлишдими? — деб сўради Ёғоч Бола.

— Отланиш ҳам гапми! Бундан икки соат бурун жўнаб кетишди.

— Бунча шошилишмаса?

— Кутилмаганда, Мушукка: тўнғич ўғли панжаларини совуқ олдириб, ўлим тўшагида ётгани ҳақида хабар келди.

— Кечлик овқат ҳақини тўлаб кетишгандир, бўлмаса?

— Ие, қўйсангиз-чи! Улар жуда одоб-ахлоқли зотлар, сиз жаноби олийларига нисбатан бундай беадаблик қилишни ўзларига эп кўрмайдилар.

— Аттанг! Қайтага, шунақа беадаблик қилишгани яхши эди, мен ҳеч хафа бўлмасдим, — деди Пиноккио ва қулоғининг орқасини қашиб қўйди. — Айтинг-чи, мўътабар дўстларим мени қаерда кутишларини айтиб кетишдимми? — деб сўради у бир оздан кейин.

— Эртага эрталаб қуёш чиқиши олдидан Соҳрли Далада кутишармиш.

Пиноккио ўзи ва ҳамроҳлари еган кечлик овқат учун бир олтин танга тўлаб, меҳмонхонадан чиқиб кетди.

У ҳар қадамини пайпаслаб қўярди, чунки атроф шу қадар зим-зиё қоронги эдики, ҳатто у ўз қўлини ҳам кўрмасди. «Тиқ» этган товуш эшитилмасди. Фақат аллақандай баҳайбат қушлар йўлнинг дам у, дам бу четига патиллаб учиб ўтишаркан, ҳар гал Пиноккионинг бурнига тегиб кетишарди. У чўчиб кетиб, орқага тисариларкан: «Ким у?» деб чинқирарди, атрофдаги тепаликлар эса, унинг саволини такрорлаб аке садо берарди: «Ким у, ким у, ким у...»

Орадан кўп ўтмай у бир тўнка устида хирагина милтиллаб турган бир ҳашаротни кўриб қолди, у тиниқ чинни чироқ ичидаги митти пиликдек ҳазин нур сочар эди.

— Кимсан? — деб сўради ундан Пиноккио.  
— Мен Гапирувчи Қора Чигиртканинг арвоҳиман, — деб жавоб қилди митти жонзод, унинг овози худди нариги дунёдан келаётгандай, жуда заиф эди.

— Мендан нима истайсан? — деб сўради Ёғоч Бола.

— Сенга маслаҳат бермоқчиман. Ҳозироқ орқангга қайтиб, қолган тўрт олтинни шўрпешона отангга олиб бориб бер: у шўрлик сенинг йўқолиб қолганингдан ғамга ботиб, кечаю кундуз тўхтовсиз йиғлаб ўтирипти.

— Эртага отам бадавлат синьорга айланади, нега десанг, мана шу тўрт олтин бирданига икки мингтага кўпаяди.

— Сен сеҳр-жоду билан бойимоқчи бўлганларга асло ишонма, бўтам. Унақалар, одатда, ё телба бўлади, ё фирибгар. Гапимга кириб, дархол уйингга қайт!

— Мен йўлимдан қайтмайман.

— Ахир ҳозир вақт ярим кеча!..

— Боравераман!

— Тун зим-зиё...

— Боравераман!

— Йўл хатарли...

— Бари бир, боравераман!

— Ёдингда бўлсин, доим ўзбошимчалик қилган болалар бир кун эмас, бир кун, қилмишларига пушаймон бўладилар.

— Яна ўша эски наъмами! Хайрли тун, Қора Чигиртка.

— Хайрли тун, Пиноккио. Сени фалокату босқинчилардан самонинг ўзи асрасин!

Гапирувчи Қора Чигиртка гапини тугатгач, худди пуфлаб ўчирилган шамдек, бирдан сўниб кўздан ғойиб бўлди. Энди йўл аввалгидан ҳам бадтар қоронғилашди.

**XIV. Пиноккио босқинчилар қўлига тушиб қолади. Чунки у Гапирувчи Қора Чигиртканинг фойдали маслаҳатига қулоқ солмаган эди**



«Хаёт шунақа экан, — деб йўл-йўлакай ўйлаб борарди Ёғоч Бола, — биз бечора болаларга ҳеч тинчлик йўқ. Ҳамма бизни қойийди, нималардандир огоҳлантиради, бизга

фойдали маслаҳатлар бермоқчи бўлади. Агар қўйиб берсанг, ҳамма, ҳаттоки Гапирувчи Қора Чигиртка ҳам, сен билан дўст тутунишга уринади, сенга мураббийлик қилмоқчи бўлади. Мана, ҳозирги воқеани олайлик: ҳалиги овсар Қора Чигиртканинг гапига кирмаганим учун, мен, эътибор беринг-а, аллақандай бахтсизликларга дуч келармишман. Ҳатто, тавба қилдим, қароқчилар билан ҳам тўқнашармишман! Яхшиямки, қароқчи-мароқчи деган нарсанинг ўзи йўқ, кечаси кўчага чиқаман, деб хархаша қилувчи болаларни қўрқитиш учун оталари тўқиб чиқаришган қароқчи деган сўзни. Боринг, ана, ўша қароқчилар ҳозир рўпарамдан чиқиб қолди ҳам дейлик, нима, улардан қўрқармидим? Зигирча ҳам қўрқмасдим. Мен уларнинг қаршисига туриб олиб: «Синьор қароқчилар, — деб қичқирардим, — мендан нима истайсизлар? Билиб қўйинглар, мен паचाкилашиб ўтирмайман! Шунинг учун, яхшиликча йўлимдан қочинглар», дердим. Бунақа жиддий гапдан кейин, ўйлайманки, шўрлик қароқчилар бу ердан шаталоқ отиб қочиб қолсалар ажаб эмас. Мабода улар, аксига олиб, беадаблик қилишса-ю, яхшиликча йўлимдан қочинмасам,

унда ўзим тирақайлаб қочаман-у, шу билан можарога барҳам бераман-қўяман».

Пиноккио шундай хаёлга берилиб аста кетиб бораркан, бирдан орқа томонда ҳазон шитирлаганини эшитиб қолди.

У орқасига ўгирилиб, зим-зиё қоронғида иккита даҳшатли қиёфани кўрди, у шарпалар устларига кўмир қопини кийиб олиб, худди арвоҳдек оёқ учида товуш чиқармай Пиноккионинг орқасидан изма-из келишарди.

«Қароқчилар!» — деб ўйлади Пиноккио ва олтинларини қаёққа яширишни билмай, оғзини очиб, тили тагига ташлади.

Шундан кейин ура қочмоқчи бўлиб, энди бир қадам қўйган эди ҳамки, ўзининг қўлга тушганини сизди, қулоғига иккита хирқироқ хунук овоз эшитилди:

— Ё ҳамён, ё жон!

Пиноккио ҳеч нима деб жавоб бера олмасди — чунки олтин тангаларни оғзига солиб олган эдида, — шу сабабдан у афтини ҳар қўйга солиб буриштириб, қўллари билан турли ишоралар қила бошлади: бу билан у қоп тешикларидан фақат кўзларигина чакнаб турган икки ниқобланган йўлтўсарга, ўзининг бор-йўғи бир бечора Ёғоч Бола эканини, чўнтакларида ҳатто сариқ чақа ҳам йўқлигини тушунтирмоқчи бўларди.

— Ҳа, бўпти, бўпти! Гапни калта қил! Пулни чиқар! — деб дағ-даға қилди иккала босқинчи бараварига.

Ёғоч Бола бошини сарак-сарак қилди, қўллари билдириши керак эди.

— Ё пулни чўз, ё жонингдан умидингни уз! — деди бўйи баландроқ босқинчи.

— ... умидингни уз! — деб такрорлади иккинчиси.

— Сени ўлдирганимиздан кейин, отангни ҳам гумдон қиламиз!

— ... гумдон қиламиз.

— Йўқ, йўқ, йўқ, бечора дадажонимни ўлдирманглар! — деб жон ҳолатда чинқириб юборди Пиноккио.

Шунда оғзидаги тангалар жаранглаб кетди.

— Вой, ярамас-эй! Ҳали пулни оғзингга яширган экансан-да! Қани, бўл, дарров туфла!

Пиноккио ўжарлик қилиб миқ этмай тураверди.

— Қулоғинг том битганми, нима бало? Шошмай тур, ҳозир пулларни туфлаб ташлашга мажбур қиламиз.

Шу гапдан кейин Пиноккионинг оғзини очиш учун қароқчиларнинг бири унинг бурнидан торта бошлади, иккинчиси — жон-жаҳди билан унинг энгагини пастга боса бошлади. Лекин бутун урунишлари бекор кетди. Ёғоч Боланинг оғзи худди чегалаб қўйилгандек, лаблари тикиб ташлангандек чиппа ёпишиб қолган эди.

Шунда қароқчиларнинг паканаси ёнидан каттакон пичоқ чиқариб, уни исканага ўхшатиб, Пиноккионинг тишлари орасига тикмоқчи бўлди. Лекин Пиноккио чаққонлик қилиб, унинг қўлини ғарчча тишлаб узиб олди-да, туфлаб ташлади. Лекин, ё тавба, туфлаб ташлаган нарчаси қўл эмас, мушукнинг панжаси бўлиб чиқди: бу ҳолни кўрган Пиноккионинг қандай ҳанг-манг бўлиб қолганини ўзингиз бир тасаввур қилинг-а, болалар!

Бу биринчи ғалабадан қанотланган Пиноккио, қароқчиларни тимдалай бошлади, кейин бир силтаниб, уларнинг қўлидан чиқди-ю, панжара девор оша ҳатлаб ўтиб, далани тикка кесиб югуриб кетди. Қароқчилар худди қуён овига чиқ-



қан този итлардек унинг орқасидан қува кетдилар.

Пиноккио шу югуришда ўн беш километрдан ошиқроқ йўл босиб, бутунлай ҳолдан тойди. У жон сақлаб қолишдан умидини узган бир пайтда бирдан улкан бир қарағай дарахтини кўриб қолди-ю, шоша-пиша унинг қир учига тирмашиб чиқиб олди. Йўлтўсар қароқчилар ҳам дарахтга чиқмоқчи бўлишди, лекин унинг ярмигача чиқишганда, қўл-оёқлари қонаб, оғриққа чидай олмай, бирдан ерга гурсиллаб йиқилиб тушишди.

Аммо улар ҳали ҳам ўз ниятларидан қайтмаган эдилар. Бу икки қароқчи дарахт тагига шохшаббаларни тоғ қилиб уйиб, уни ёқиб юборди. Бир зумда қарағайни ўт олди, у худди шамол аланга олдирган машъаладек гуриллаб ёна бошлади. Аланганинг тобора баландлаб келаётганини кўрган Пиноккио тустовуқдек ўтда қовурилиб ўлишни хоҳламади, у дарахтнинг учидан ажойиб бир сакраш қилиб, ерга учиб тушди-ю, экинзор ва токзорлар оралаб шаталоқ отиб югура кетди. Йўлтўсар қароқчилар ҳам унинг орқасидан яна қува бошладилар.

Бу орада тонг ҳам отиб қолди, лекин қароқчилар ҳамон Ёғоч Болани қувиб борардилар. Шу пайт бирдан Пиноккио бўтана ифлос сув тўла кенг ва чуқур бир зовур лабига бориб қолди. Нима қилса экан?

— Бир, икки, уч! — деб чинқирди Пиноккио ва физиллаб югуриб келиб, бир сакрашда зовурнинг нариги бетига ўтиб олди.

Йўлтўсар қароқчилар ҳам югура келиб, унинг орқасидан сакрашди, лекин мўлжални тўғри ололмай, «шалоп» этиб сувга тушиб кетишди.

Пиноккио сувнинг шалолаганини эшитди, лекин чопишдан тўхтамай, шўх оҳангда чинқирди:

— Маза қилиб чўмилаверинг, синьор йўлтўсарлар! Қушдай енгил бўласиз!

Пиноккио уларни сувга чўкиб кетди деб ўйлаган эди, лекин орқасига ўгирилиб қараб, яна ўша бошига қоп кийган йўлтўсар қароқчиларни кўрди. Улар шилтаи-шалаббо бўлиб Пиноккиони қувиб келишарди.

## XV. Йўлтўсар қароқчилар Пиноккиони таъқиб қилиб, ахири тутиб оладилар ва катта эман дарахтининг шохига осиб қўядилар

Ёғоч Боланинг руҳи тушиб кетди. Энди у ўзини ерга отиб, таслим бўлишга ҳам рози эди, аммо шу маҳал унинг кўзига узоқда, қуюқ дарахтлар орасидан қордек оппоқ бир уйча кўринди.

«Агар шу уйгача етиб ололсам, қароқчилардан қутулиб қоламан», деди ўзича Пиноккио.

Шундан кейин, у ўйлаб-нетиб ўтирмай ўрмонни тик кесиб югуриб кетди. Қароқчилар эса, ҳамон унинг орқасидан қувиб келардилар.

Икки соат муттасил жон аччиғида чошиб, ўлар қолга келган Пиноккио ахири уйча олдиға етиб келиб, унинг эшигини тақиллатди.

Лекин ичкаридан «тиқ» этган товуш ҳам эшитилмади.

У эшикни яна қаттиқроқ тақиллата бошлади, чунки бу пайт уни қувиб келаётган қароқчиларнинг ҳансирагани узоқдан эшитила бошлаган эди. Ичкаридан ҳамон ҳеч ким товуш бермасди.

Шунда Пиноккио тақиллатишдан фойда йўқлигини тушуниб, жон аччиғида эшикка калла қўйиб, уни оёғи билан гурсиллатиб тепа бошлады. Шу маҳал деразада зангори сочли чиройли бир қиз кўринди.



— Оҳ, зангори сочли Чиройли қиз, — деб ёлборди Пиноккио, — ўтинаман сендан, эшигингни оч! Мен бечора болага раҳминг келсин, орқамдан йўлтўсар қароқ...

Бироқ болафақирнинг оғзидаги оғзида қолди: бу пайт қароқчилар етиб келиб, унинг томоғидан хиппа бўғиб олган эдилар: уларнинг ваҳимали таниш овозлари Пиноккионинг қулоғи остида дағ-даға билан янгради:

— Энди биздан қочиб қутулиб бўлсан!

Пиноккио деразага мўлтираб қаради, лекин зангори сочли Қиз худди тушга киргандек ғойиб бўлган эди.

Ёғоч Бола ўзининг ажали етганини кўриб, дағ-дағ титрай бошлади-ки, ҳатто ёғоч оёқларининг бўғинлари шақиллаб кетди, тили остига яширган тўрт олтин танга бўлса, баралла жаранглай бошлади.

— Хўш! — деб бақиринди қароқчилар. — Эндиям очмайсанми оғзингни? Аҳ-ҳа, биз билан гаплашгилари келмаяптими!.. Шошмай тур, илгари очолмаган бўлсак ҳам, энди очмай қўймаймиз оғзингни!

Шундай деб улар устарадек ўткир иккита каттакон пичоқни Пиноккионинг биқинига санчдилар.

Лекин Ёғоч Боланинг бахтига, у метиндек қаттиқ, асл нав ёғочдан ясалган эди. Қароқчиларнинг пичоқлари чил-чил синиб, қўлларида фақат пичоқнинг бандларигина қолди, шунда улар ҳанг-манг бўлишиб, бир-бирларига бақрайиб қолишди.

— Менга ҳаммаси равшан, — деди бир қароқчи, — уни осинг керак. Демак, биз уни осамиз!

— Биз уни осамиз! — деб такрорлади иккинчиси.

Шундан кейин улар Ёғоч Болани ўрмонга судраб кетишди, кейин унинг қўлларини орқасига боғлаб, бўйнига сиртмоқ солишди-да, теварак-атрофдаги одамлар «Катта Эман» деб ном қўйган азим туп дарахтнинг шохига арқоннинг иккинчи учини ташлаб тортиб боғлашди.

Кейин улар майса устига ўтириб, Ёғоч Боланинг типирчилашдан тўхтаб, жон беришини кута бошладилар. Лекин орадан уч соат ўтибдиямки Пиноккионинг кўзи очиқ, оғзи юмуқ эди, қайтага энди у аввалгидан ҳам қаттиқроқ питирларди.

Ниҳоят, кутиб ўтиравериш қароқчиларнинг жонига тегди, улар ўринларидан туриб, Пиноккиони мазах қилиб бундай дейишди:

— Хўп, бўлмаса, эртагача хайр! Эртага келганимизда, сен бир яхшилик қилиб, бизни чиройликкина бўлиб кутиб оласан, оғизчанг ҳам ланг очилган бўлади.

Шундай деб улар жўнаб кетишди.

Кўп ўтмай кучли шимол шамоли турди. Шамолнинг шиддатли увиллашидан дорга осилган болафақир худди байрам куни чалинган черков қўнғироғидек тинмай тебранаверди. Бу тебраниш уни қаттиқ азобга солар, сиртмоқ эса, бўйнини тобора қаттиқроқ сиқиб, нафас олишига имкон бермасди.

Унинг кўзлари хиралаша бошлади. Гарчи у ўлими яқин эканлигини сезаётган бўлса ҳам, шояд, дарахт тагидан биронта саховатли зод ўтиб қолса-ю, аҳволимни кўриб, мени сиртмоқдан озод қилса, деб умидвор бўларди. Лекин ҳануз ҳеч ким кўринмаётганидан руҳи тушиб, у отасини ўйлай бошлади.

— Ох, дадажон!.. Қанийди ҳозир ёнимда бўлсангиз... — деди у зўр-базўр, жони узилаётганини сезиб.

Бор-йўқ айтган гапи шу бўлди. У кўзларини юмди, оғзини очди, оёқларини узатиб юбориб қимир этмай осилиб қолди.

## XVI. Зангори сочли чиройли қизча Ёғоч Болани дордан туширишни буюради. Уни тўшакка ётқизиб, тирик ё ўликлигини билиш учун бирваракайига учта врач чақиртиради

Қароқчилар томонидан Катта Эман шохига осилган бечора Пиноқкионинг ўлишига бир баҳя қолганда зангори сочли Чиройли Қизча яна дераза олдида пайдо бўлди. У бояқиш Ёғоч Боланинг шимол шамолнинг шиддатидан худди соат капгиридек тебраниб ётганини кўрган заҳоти, унга раҳми келиб, уч қарра чапак чалди.



Шунда қуш қанотларининг патиллагани эшитилиб, салдан кейин каттакон бир Лочин ўқдай учиб тушиб деразага қўнди.

— Амрингизга мунтазирман, соҳибжамол Пари! — деди Лочин ва эҳтиром билан тумшуғини пастга эгди (кези келганда шуни айтиб қўйиш керакки, зангори сочли бу Қизча саховатли пари бўлиб, ўрмон ёқасидаги бу сайхонликда яшай бошлаганига минг йилдан ошган эди).

— Катта Эман шохига осилган Ёғоч Болани кўряпсанми?

— Кўряпман.

— Яхши. Ҳозир ўша ерга учиб бориб, ўткир тумшуғинг билан уни сиртмоқдан озод қилгинда, Эман тагидаги майса устига авайлаб ётқизиб қўй.

Лочин учиб кетди. Икки минутдан кейин қайтиб келиб бундай деди:

— Ҳамма айтганларингизни қилдим.

— Хўш, сенга у қандай кўринди? Тирикка ўхшадими ё ўликками?

— Кўринишидан ўликка ўхшайди, лекин бутунлай жони чиқиб бўлган деб айтиш ҳам қийин, чунки унинг бўйнидаги сиртмоқни бўшатганимда, у бир инграб қўйди-да, зўрға: «Мана энди, сал энгил тортдим», деди.

Пари икки марта чапак чалган эди, ажойиб бир бароқ ит пайдо бўлди. У худди одамга ўхшаб икки оёқда кириб келди.

Бароқ ит эғнига извош ҳайдовчи кучерларнинг энгларига уқа тутилган байрам камзули, бошига серкокил оқ парик қўндириб, парик устидан зар хошияли уч қиррали жажжигина қалпоқча кийган эди. Паригининг узун кокиллари елкасига тушиб турар эди. Бундан ташқари, у эғнига икки ёнида иккита катта-катта чўнтаги бўлган (овқат вақтида ўз соҳибаси инъом қилган суюкларни у шу чўнтакларига соларди) гавҳар тугмалар қадалган тўқ жигарранг узун камзул, қизил духобадан тикилган калта шим, ипак пайноқ ва юзи очиқ туфли кийган эди, орқасида бўлса, зангори шойидан тикилган чўзинчоқ ғилоф бўлиб, ёғингарчилик пайтида у думини шу ғилоф ичида асрарди.

— Гапимни диққат билан эшит, Медоро, — деди Пари бароқ итга. — Дарҳол менинг энг яхши каретамни қўшдиргин-да, ўрмонга йўл ол. У ерда Катта Эман тагида майса устида ётган чалажон бир бечора Ёғоч Болани кўрасан. Сен уни авайлаб кўтариб, каретадаги ёстиқчалар устига оҳиста ётқизгину тўғри менинг олдимга олиб кел. Гапимга тушундингми?

Бароқ ит «тушундим» демоқчи бўлгандек, зангори шойи ғилофни тўрт мартача ликиллатиб қўйиб, хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди.



Орадан сал вақт ўтар-ўтмас отхонадан жаж-  
жигина чиройли зангори карета чиқди: унинг  
ўриндиғи ва суянчиғига канарейка пати солиб  
қавилган бўлиб, бу ерда қаймоқ, мурабболар со-  
линган банкачалар, нон-трубкачаларга ўралган  
нишолдаю ширин кулчалар териб қўйилган эди.  
Жажжи каретани унга қўшилган юзта оқ сичқон  
тортиб борарди, бароқ ит бўлса, баланд ўриндиқ-  
қа ўтириб олиб, худди ҳақиқий абжир извошчиға  
ўхшаб, қўлидаги узун қамчисини тинмай шарақ-  
латарди.

Орадан чорак соат вақт ўтар-ўтмас карета  
қайтиб келди. Уй остонасида кутиб турган Пари  
бечора Ёғоч Болани каретадан оҳиста кўтариб  
олиб, садаф деворли хонаға олиб кирди ва дарҳол  
донғи кетган энг машҳур врачларни чақириб ке-  
лишни буюрди.

Врачлар ҳам зум ўтмай бирин-кетин етиб ке-  
лишди. Булар: Қарға, Япалоққуш ва Гапирувчи  
Қора Чигиртка эди.

— Сизларнинг фикрингизни билмоқчи эдим,  
синьорлар, — деди Пари Пиноккио ётган тўшак  
атрофида турган учта врачға юзланиб. — Бу  
шўрпешона Ёғоч Бола тирикми ё ўлганми? Шу  
ҳақда сизлар нима дейсизлар?

Парининг саволиға жавоб бериш учун бирин-  
чи бўлиб Қарға олдинга чиқди. У Пиноккионинг  
томирини, бурнини, кейин оёгининг жимжилоғи-  
ни ушлаб кўрди. Бу ишни у ниҳоятда синчковлик  
билан бажаргач, салобат билан:

— Менинг фикримча, Ёғоч Бола ўлган. Би-  
роқ, агар у бахтсиз тасодиф тақозоси билан ҳали  
чалажон бўлса, у ҳолда бу — шубҳасиз унинг  
ҳали тирик эканлигидан далолат беради, — де-  
ди.

— Минг афсуски, — деди Япалоққуш, —  
мен муҳтарам дўстим ва ҳамкасабам Қарғанинг

фикрига кўшила олмайман. Менинг фикримча, Ёғоч Бола ҳали тирик. Бироқ, агар бахтсиз тасодиф тақозоси билан у ҳозир жонсиз бўлса, у ҳолда бу — шубҳасиз, унинг чинданам ўлганидан далолат беради.

— Сиз нега индамаяпсиз? — деб Пари Гапирувчи Қора Чигирткага юзланди.

— Менинг билишимча, бир қарорга келолмаган доно врач, яхшиси, гапирмагани маъқул, шунга қарамай, айтмоқчиманки, бу Ёғоч Бола менга таниш. Мен уни кўпдан биламан.

Шу чоққача қовжираган бир ғўла сингари кимир этмай ётган Пиноккио бирдан дағ-дағ қалтирай бошлади, бунинг натижасида бутун каравот қисирлаб, ҳаракатга келди.

— Бу Ёғоч Бола, — деб гапани давом эттирди Гапирувчи Қора Чигиртка, — учига чиққан безори...

Пиноккио кўзини очди-ю, яна дарров юмиб олди.

— ...муттаҳам, ишёқмас, саёқ...

Пиноккио чойшаб билан бошини буркаб олди.

— ...бу — мутлақо қулоқсиз бола, у бир кун эмас, бир кун бахти қаро шўрлик отасини албатта гўрга тикади!

Шу маҳал аллакимнинг пиқиллаб йиғлагани эшитилди. Бу ерда ҳозир бўлганлар ҳаммаёққа бир-бир кўз югуртириб чиқиб, ахири чойшабни кўтариб қарашди: буни қарангки, пиқиллаб йиғлаётган Пиноккио экан. Бу ҳолдан ҳамма шунақанги қанг-манг бўлиб қолдики, буни сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз!

— Агар ўлик йиғлай бошласа — бу унинг тирилаётганидан далолат беради, — деди Қарға дабдабали оҳангда.

— Минг афсуски, мен муҳтарам дўстим ва ҳамкасамнинг фикрига қўшилолмайман, — деб эътироз билдирди Япалоққуш, — зеро ўлик йиғлай бошлаган экан, демак бу — унинг ўлиш-ни истамаганидан далолатдир.

XVII. Пиноккио қандни жон-жон деб ейди-ю, лекин сурги дори ичишни хоҳламайди. Бироқ, уни олиб кетгани тобут кўтариб келган қуёнларни кўриб, дарров дорини ичиб юборади. У ёлгон гапиради, натижада шу ёлгончилиги жадига бурни узая бошлайди



Врачлар жўнаб кетишгандан кейин, Пари Пиноккионинг тепасига бориб, кафтини унинг пешонасига қўйди, беморнинг иситмаси баланд эди.

Пари бир стакан сувга оқ порошок солиб, уни Ёғоч Болага узатаркан, мулойим овозда:

— Қани, ичақол, ичсанг, бир неча кундан кейин соғайиб кетасан, — деди.

Пиноккио стаканга қараб афтини буриштирди-да, аянчли овоз билан сўради:

— Дорингиз ширинми ё аччиқми?

— Аччиқ, лекин сен учун фойдали.

— Аччиқ бўлса ичмайман.

— Гапимни қайтарма, ичақол дарров.

— Ахир аччиқ нарсани ёмон кўраман!

— Ич! Ичганингдан кейин, сенга бир чақмоқ қанд бераман, оғзинг яна ширин бўлади.

— Қани ўша қандингиз?

— Мана, — деди Пари ва қанддондан бир чақмоқ қанд олиб кўрсатди.

— Олдин менга ўша қандингизни беринг, кейин аччиқ дорингизни ичаман.

— Сўз берасанми?

— Ҳа.

Пари унга қанд узатди. Пиноккио ҳаш-паш дегунча қандни қасир-қусур чайнаб ютиб юборди. Кейин тили билан лабларини ялаб:

— Жудаям зўр экан! Қанийди, дориям қандга ўхшаган ширин бўлса! Ўшанда ҳар куни сурги дорини жон-жон деб ичаверардим! — деди.

— Энди берган ваъдангни бажариб, доридан бир қултумгина ичвор, кейин отдек бўлиб кетсан.

Пиноккио стаканни истар-истамас қўлига олиб, унга бурнининг учини тикиб кўрди, кейин стаканни оғзига яқин олиб келиб, яна унга бурнини тикди-да, ниҳоят:

— Бу дори мен учун аччиқлик қилади. жудаям аччиқ экан. Мен уни ича олмайман, — деди.

— Вой, нега ундай дейсан, ахир ҳали татиб ҳам кўрмадинг-ку?

— Аччиқлигини шундоқ ҳам сезиб турибман. Ҳидлаб кўрдим-ку. Олдин яна бир чақмоқ қанд еб юборсам девдим... кейин дорини ичаверардим.

Пари меҳрибон онага хос сабру бардош билан Ёғоч Боланинг оғзига яна бир чақмоқ қанд тикди. Шундан кейин унга яна стаканни узатди.

— Мен бу дорини ича олмайман, — деди Ёғоч Бола афтини минг кўйга солиб бужмайтираркан.

— Нима учун?

— Нимага десангиз, оёғим остига қўйган ёстигингиз ҳалақит беряпти.

Пари ёстиқни олиб қўйди.

— Бари бир, фойдаси йўқ. Мен ҳалиям ича олмайман.

— Яна нима ҳалақит беряпти ичишингга?

— Эшик, ана, қия очиқ туришти.

Пари бориб эшикни ёпиб келди.

— Йўқ, — деб чинқирди Пиноккио ва хўнграб йиғлаб юборди, — хоҳламайман аччиқ дори ичишни, йўқ, сира, сира ичмайман!

— Кейин пушаймон бўласан, тасаддуқ.

— Менга бари бир!

— Қасалинг жуда оғир ахир.

— Менга бари бир!

— Шу безгак тутишинг бўлса, нари борса, яна икки соат яшайсан!

— Менга бари бир!

— Нима, сен ўлимдан қўрқмайсанми?

— Мен-а? Мен дунёда ҳеч нимадан қўрқмайман!.. Бунақа байталмон дорини ичганимдан ўлганим яхши!

Худди шу пайт эшик ланг очилиб, хонага тўрт нафар қоп-қора қуён кириб келди. Қуёнлар елкаларига кичкинагина тобут кўтариб олган эдилар.

— Мендан нима истайсизлар?! — деб чийиллади Пиноккио ва қўрққанидан дик этиб ўрнидан туриб олди.

— Биз сени олиб кетгани келдик, — деб жавоб қилди қуёнлар ичида энг норғили.

— Мени-я?... Ахир мен сираям ўлган эмасман-ку!

— Ҳозирча ўлмагансан. Лекин яна бир неча минутдан кейин ўласан, чунки сен касалингни тузатувчи дорини ичмаяпсан.

— Ох, Пари, жон Пари! — деб фарёд қилди Ёғоч Бола. — Тезроқ бера қолинг стаканни! Илтимос, тезроқ бўлинг, чунки мен ўлишни хоҳламайман. Йўқ, сираям хоҳламайман ўлишни!

Шундан кейин у стаканни икки қўли билан чангаллаб олиб, бир кўтаришда дорининг бир томчисини ҳам қолдирмай ичиб юборди.

— Ҳай, начора, — дейишди қуёнлар, — бу сафар бекорга овора бўлдик.

Улар кичкина тобутни яна елкаларига кўтариб, жаҳл билан тўнғиллаб-тўнғиллаб хонадан чиқиб кетишди.

Пиноккио бўлса, яна бир неча минутдан кейин сонпа-соғайиб каравотдан дик этиб сакраб тушди. Мен сизларга айтсам, болалар, Ёғоч Одамчаларда ажойиб бир хусусият бор: улар жуда камдан-кам касал бўлишади, касал бўлиб қолишган тақдирда ҳам бир зумда тузалиб кетишади.

Пари Пиноккионинг уй ичида худди тойчоқдек дик-дик сакраб югуриб юрганини кўриб:

— Бундан чиқди, дори фойда қилипти-да, сенга? — деди.

— Фойда қилганда қандоқ! У мени ўлимдан асраб қолди.

— Бўлмаса, нега шунча вақт тихирлик қилиб, мени ялинишга мажбур этдинг?

— Нимага десангиз, биз, болалар, ўзи шунақа инжиқмиз. Касал бўлиб қолишдан ҳам кўра дори ичишдан кўнроқ қўрқамиз.

— Уят! Ўз вақтида ичилган яхши дори энг оғир дарддан, ҳаттоки ўлимдан ҳам асраб қолиши мумкин — буни болалар унутмаслиги керак.

— Тўғри айтасиз! Бундан кейин сираям инжиқлик қилмайман. Энди мен елкаларига тобут кўтарган қора қуёнларни доим ёдимда сақлайман... ана унда, агар касал бўлсам, дарров стаканни оламан-у... ўйлаб ўтирмасдан, «қулт-қулт» қилиб ичиб юбораман.

— Қани, энди ёнимга келиб, қароқчилар қўлига қандай тушиб қолганингни гапириб бер.

— Воқеа бундай бўлган эди: кўғирчоқ театрининг эгаси Манжафоко менга бир нечта ол-

тин танга бериб: «Буларни дадангга олиб бориб бер», — деб айтди. Лекин мен уйга кетаётиб, кўчада иккита мухтарам жанобни: Тулки билан Мушукни учратиб қолдим. Улар менга: «Шу беш олтининг икки мингта олтинга айланиб қолишини хоҳлайсанми? — дейишди. — Агар хоҳласанг, юр биз билан. Сени Сеҳрли Далага бошлаб борамиз», — дейишди. «Бўпти, кетдик», — дедим уларга. Шундан кейин улар: «Ўизил Ўизқичбақа мусофирхонасига кириб дам оламиз, вақт ярим кечадан оғанида яна йўлга тушамиз», — дейишди. Кейин, уйқудан уйғониб қарасам, улар аллақачон жўнаб кетишипти. Кейин бир ўзим йўлга тушдим, кечаси қоп-қоронғи, шунақанги қоронғи эдики, қанақалигини айтолмайман ҳам, шунинг учун бошига кўмир қопи кийиб олган иккита қароқчига бирдан дуч келиб қолдим, улар: «Пулни чўз», дейишди, мен бўлсам: «Менда пул йўқ», дедим, нимага десангиз, қолган тўрт олтин тангани оғзимга солиб олгандим, шундан кейин қароқчиларнинг бири қўлини оғзимга тикишга уриниб кўрди, мен бўлсам унинг қўлини ғарчча тишлаб узиб олдим-да, туфлаб ташладим, лекин туфлаган нарсам қўл эмас, мушукнинг панжаси бўлиб чиқди, кейин қароқчилар орқамдан қува бошлашди, мен ҳам оёғимни қўлимга олиб қоча бошладим. Қочавердим, қочавердим, лекин улар бари бир мени тутиб олишиб, бўйнимга сиртмоқ солишиб, ўрмондаги бир дарахтга осиб қўйишди-да: «Биз эртага қайтиб келамиз, ўшанда сен ўлган бўласан, ўлганингда оғзинг очилиб қолади, шундан кейин биз тилингни тагига беркитган тўрт тангангни оламиз», дейишди.

— Ҳозир қаерда ўша олтин тангаларинг?



— Йўқотиб қўйдим, — деб жавоб қилди Пиноккио.

Лекин у ёлғон гапирган эди, негаки, пуллари унинг чўнтагида эди.

Пиноккио шу ёлғон гапни айтиб улгурмасидан, шундоғам узун бурни, бирдан яна икки энлик узайди..

— Қаерда йўқотиб қўйдинг?

— Ўрмонда шекилли.

Бу иккинчи ёлғондан кейин Пиноккионинг бурни яна озгина узайди.

— Агар пулингни ўрмонда йўқотган бўлсанг, — деди Пари, — биз уни албатта қидириб топамиз, чунки ўрмонда йўқолган нарсаларимизни топмай қўймаймиз.

— Э-э, мана энди эсимга тушди, — деди Ёғоч Бола хижолат бўлиб: — пулимни йўқотганим йўқ, сиз берган дорини ичаётганимда беҳосдан ютиб юбордим.

Бу учинчи ёлғон гапдан кейин Пиноккионинг бурни шунақанги узайиб кетдики, шўрлик энди бошини уёқ-буёққа буролмай ҳам қолди. У бошини ўнг томонга бурса, бурни бориб каравотга ё деразага қадалар, чап томонга бурса, деворга ё эшикка бориб тираларди; бошини юқорига кўтармоқчи бўлган эди, бурни Парининг кўзига кириб кетишига сал қолди.

Пари бўлса, унга қараб қотиб-қотиб куларди.

— Нега куласиз? — деб сўради Ёғоч Бола, у бурнининг ҳаддан ташқари чўзилиб кетганидан қаттиқ ранжиган ва қўрқиб кетган эди.

— Ёлғон гапирганинг учун куляпман.

— Қаёқдан биласиз ёлғон гапирганимни?

— Э-э, эрка болам-е, ёлғон гап дарров билинади-қолади. Сирасини айтсам, ёлғон икки хил бўлади: биринчисининг оёғи калта бўлади. иккинчи хил ёлғоннинг бурни узун бўлади.

Сенинг ёлгон гапинг — узун бурунли ёлгон.

Пиноккио уялганидан ўзини қаёққа қўйишни билмай, уйдан қочиб кетмоқчи бўлди. Лекин бунга эркак бўлмади. Чунки бурун жудаям чўзилиб кетганидан ҳатто эшикка ҳам сиғмай қолган эди.

### XVIII. Пиноккио яна Тулки билан Мушукни учратади ва тўрт олтин тангасини сеҳрли далага экиш учун улар билан жўнаб кетади

Мен сизларга айтсам, болалар, Пари Пиноккионинг оҳ-зори, дод-войига ярим соатча парво қилмай ўтирди. У Ёғоч Боланинг яхшилаб таъзирини бериб қўймоқчи, ёлғон гапириш одатини ташлашга мажбур қилмоқчи бўлган эди. Негаки, ёлғончилик дунёда энг жирканч иллат ҳисобланади-да. Лекин, бари



бир, у Пиноккионинг аламдан ўзини қўярга жой топа олмаётганини, юраги така-пука бўлиб, кўзлари косасидан чиқиб кетгудек чақчайганини кўрди-ю, унга ачинди. Пари бир марта чапак чалган эди, уйга бир гала қуш учиб кирди. Қушларнинг ҳаммаси қизилиштонлар эди. Улар Пиноккионинг бурнига қўниб олиб, зўр ҳафсала билан уни чўқилай бошлашди, натижада орадан бир неча минут ўтар-ўтмас, Ёғоч Боланинг тарновсимон бесўнақай бурни яна аввалги ҳолига келиб қолди.

— Сиз гоят саховатлисиз, о мухтарама Пари, — деди Ёғоч Бола кўз ёшларини артаркан, — мен сизни жонимдан ортиқ яхши кўраман!

— Мен ҳам сени яхши кўраман, — деб жавоб қилди Пари, — агар хоҳласанг, шу ерда, мен билан қол, менга ука бўласан, мен — сенинг меҳрибон опанг бўламан.

— Мен-ку жон-жон деб қолар эдим-а... лекин дадам шўрликнинг ҳоли нима кечади?

— Мен буни аллақачон ўйлаб қўйганман.

Отангга хабар юбордим. Бугун кеч киргунча етиб келади бу ерга.

— Ростданми? — деб чинқириб юборди Пиноккио ва хурсанд бўлганидан ўмбалоқ ошиб сакради. — Бунақа экан, ҳурматли Пари, агар ижозат берсангиз, дадажонимни ўзим кутиб олсам. Мен дадамни жудаям соғиниб кетдим, ўзим уларни тезроқ кўриб, бўйниларида кучоқламоқчиман. Дадам бечорага мен жуда кўп ташвиш орттирдим.

— Майли, бора қол, лекин эҳтиёт бўл, тагин адашиб-нетиб қолма. Сен ўрмон ичидаги сўқмоқдан бор, шунда албатта отанг билан тўқнашасан.

Пиноккио уйдан ўқдай отилиб чиқиб, ғизиллаганча ўрмонга борди ва у ерда худди қўзичоқдек дикир-дикир сакрай бошлади. Лекин у Катта Эман тагига етганида бирдан таққа тўхтаб қолди — чакалакзор ичидан аллакимларнинг ғўнғир-ғўнғир овози эшитилаётгандек туюлди унга. Чиндан ҳам, шу пайт йўл ўртасига... кимлар чиқди, денг? Тулки билан Мушук... Ҳа, ҳа. Пиноккионинг кечаги ҳамроҳлари, Қизил Қисқичбақа меҳмонхонасида у билан бирга овқатланган ўша Тулки билан Мушук Ёғоч Болага рўпара келдилар.

— Ие, ўзимизнинг Пиноккио-ку! — деб чинқириб юборди Тулки Ёғоч Болани бағрига босиб ўпаркан. — Бу ёқларга қандай келиб қолдинг?

— Э, асти сўраманг, — деди Ёғоч Бола. — Пайти келганда, бир бошдан гапириб бераман. Ҳозир, сирасини айтадиган бўлсам, сизлар мени мусофирхонада ёлғиз қолдириб кетган кечаси мен йўлда қароқчиларга дуч келдим.

— Қароқчиларга? Вой, шўрлик бола-е! Хўш, кейин нима бўлди?

— Улар менинг олтин тангаларимни тортиб олмоқчи бўлишди.

— Вой, аблаҳлар-е! — деди Тулки.

— Аблаҳлар-е, — деб такрорлади Мушук.

— Лекин мен қочиб кетдим, — деб ҳикоясини давом эттирди Ёғоч бола, — улар бўлса орқамдан қува бошлашди, кейин, бари бир, тутиб олиб мана шу эман дарахтига осиб қўйишди.

Пиноккио қаршисида қад кўтарган Катта Эман дарахтига ишора қилди.

— Ахир дунёда бундан ҳам ачинарлироқ воқеа бўлиши мумкинми! — деди Тулки. — Қандай даҳшатли замонда яшаймиз ўзи! Биздек диёнатли кимсалар бу бедодликлардан қандай қутилади-ю, қаердан паноҳ топади энди?

Улар шундай гаплашиб туришганда, Пиноккио бирдан Мушукнинг олдинги ўнг оёғига оқсаётганини пайқаб қолди — Мушукнинг бутун панжаси тирноқ-пирноқлари билан бирга йўқ эди.

— Панжангга нима қилди? — деб сўради Пиноккио Мушукдан.

Мушук жавоб қайтармоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин гап тополмай гангиб қолди. Шунда Тулки унинг жонига оро кириб, гапни илиб кетди:

— Дўстим жудаям камсуқум, шунинг учун гапиргани уяляпти. Унинг ўрнига мен жавоб бера қолай. Гап шундаки, бундан бир соатча бурун биз йўлда очликдан силласи қуриб ўлар ҳолга бориб қолган бир қари бўрини учратдик. У биздан садақа сўради. Лекин аксига юриб, унга бергани ҳатто балиқ суяги ҳам йўқ эди ёнимизда. Шунда мана бу меҳридарё, довурак дўстим нима қилди дегин? Ўзининг панжасини гарчча тишлаб узиб, бояқиш бўрининг олдига ташлади, шу билан уни очликдан сирилиб ўлишига йўл қўймади.

Тулки шу гапни айта туриб, кўзёшини артиб қўйди.

Пиноккио ҳам бу гапдан қаттиқ таъсирланиб кетди. У Мушукка яқин бориб, унинг қулоғига:

— Агар ҳамма мушуклар сенга ўхшашгандами, сичқонларга ҳавас қилса бўларди! — деди.

— Хўш, нима қилиб юрибсан бу ёқларда? — деб сўради шунда Тулки Ёғоч Боладан.

— Мен дадамни кутяпман. У ҳадемай бу ерга етиб келиши керак.

— Олтин тангаларингни нима қилдинг?

— Тангалар чўнтагимда, фақат энди битта кам: Қизил Қисқичбақа мусофирхонасида олиб қолишди.

— Эҳ, аттанг, ўша тўрт тилланг эртага минг тиллага, ҳаттоки икки минг тиллага айланиши мумкин эди-я! Нега энди маслаҳатимга кирмаяпсан? Нега тиллаларингни Сеҳрли Далага олиб бориб экишни хоҳламаяпсан?

— Бугун сира иложим йўқ. Уёққа бошқа сафар борарман.

— Бошқа сафар бутунлай кеч бўлади, — деди Тулки.

— Нимага?

— Нимага десанг, бир мансабдор синьор ўша далани сотиб олди, энди эртадан бошлаб ҳеч ким у ерга пул эка олмайди.

— Бу ердан узоқми ўша Сеҳрли Дала?

— Икки километр ҳам келмайди. Хоҳласанг, биз билан юр! Ярим соатда ўша ерда бўласан. Дарров тўрт тангангни экасану бир неча минутдан кейин ҳаш-паш дегунча икки минг тангадан иборат ҳосилни йиғиб, шу бугун кечқуруноқ чўнтақларинг лиқ-лиқ пул билан яна бу ерга қайтиб келасан. Хўш, қалай, кетдикми?

Пиноккио бир оз иккиланиб туриб қолди, чунки у саховатли Парини, кекса Жеппеттони ва Ганирувчи Қора Чигиртканинг танбехларини ўйлар эди. Лекин кейин у бари бир, ҳамма эси йўқ,

тошбағир болалар сингари иш кўрди — бош иргатиб, Тулки билан Мушукка қараб:

— Бўпти! Сизлар билан бораман, — деди.

Шундан кейин учовлон йўлга тушишди. Улар ярим кун йўл юриб, ниҳоят бир шаҳарга кириб бордилар. Шаҳарнинг номи Аҳмоққон эди. Пиноккио бу шаҳарнинг кўчаларида очликдан оғизларини каппа-каппа очиб эснаб ётган, туллаган итларни, совуқдан қалт-қалт титраётган юнги олинган қўйларни; бир сиқим жўхори сўраб тиланчилик қилаётган тожи ва соқоли юлинган хўроз ва товукларни; ранг-баранг қанотларини сотиб юбориб, энди ҳеч уча олмай қолган катта-катта капалакларни; думларидан айрилиб, энди уялганларидан ўзларини қўярга жой топа олмаётган товусларни ва ялтироқ олтин патларини гаровга қўйиб, энди уларни қайтариб ололмастикларига кўзлари етганидан хижолат бўлиб, бошларини қўйи эгганча гоҳ у, гоҳ бу томонга оҳиста юрган ғамгин қирғовулларни кўрди.

Тиланчилик қилаётган бу уятчан фақир жониворлар ёнидан дам-бадам ҳашаматли кареталар ўтиб турарди: бу кареталарда ё тулки, ё ўғри зағизгон, ё бўлмаса яна биронта ваҳший парранда ўтирарди.

— Сехрли Дала қаерда? — деб сўради Пиноккио.

— Бу ердан бир неча қадам нарида.

Улар шаҳар чеккасига чиқишиб, шаҳар девори яқинидаги хувиллаган бўм-бўш бир далада тўхташди.

— Етиб келдик, — деди Тулки. — Энди сен чўккалаб олиб, қўлларинг билан чуқурча кавлагин-да, олтин тангаларингни шу чуқурчага кўм.

Пиноккио Тулкининг айтганларини қилди: чуқурча қазиб, ўзининг тўрт тангасини унга ташлаб, устидан тупроқ тортди.

— Энди, — деб маслаҳатини давом эттирди Тулки, — анави ердаги зовурдан бир челак сув олиб келгин-да, пул эккан ерингга қуй.

Пиноккио зовур бўйига борди, лекин челак йўқлигидан ботинкасини ечиб, шу ботинкасида сув олиб келиб, пул кўмган ерига қуйди.

Кейин у:

— Яна нима қилишим керак? — деб сўради.

— Ҳеч нима, — деб жавоб қилди Тулки, — кетаверишинг мумкин. — Лекин йигирма минутдан кейин бу ерга қайтиб кел. Шунда сен бу ерда шохлари гиж-ғиж тилла танга бўлган дарахтчани кўрасан.

Бечора Ёғоч Бола суюнганидан эси оғиб қолаёзди, у Тулки билан Мушукка қайта-қайта миннатдорчилик билдирди, уларга ажойиб совгалар ваъда қилди.

— Бизга совға керакмас, — деб эътироз билдирди икки муттаҳам. — Сенга меҳнат қилмай бойиш йўлини ўргатиб қўйдик — шунинг ўзи биз учун катта мукофот.

Шундан сўнг улар Пиноккиога мўл ҳосил тилаб, у билан хайрлашдилар-да, ўз йўлларига равона бўлдилар.



# XIX. Пиноккио олтин тангаларидан жудо бўлади, бунинг устига устак, яна тўрт ойга камоққа ташланади

Ёғоч бола шаҳарга қайтиб, сабрсизлик билан минутларни санай бошлади. Ниҳоят, йигирма минут вақт ўтган бўлса керак, деб яна Сеҳрли Далага йўл олди.

У шошиб-пишиб бораркан, юраги нуқул олдин кетиб қоладиган осма соатга ўхшаб, «гуп-гуп», «гуп-гуп» урарди. У йўл-йўлакай шундай хаёл суриб борарди.

«Мабодо, ҳозир бориб ўша дарахт шохларида мингта эмас, икки мингта танга кўрсам-чи? Борди-ю, тангалар икки мингтамас, беш мингта бўлса-я? Лекин дарахт беш минг эмас, ўн минг танга ҳосил берган бўлса-я? Вой, бў-ў! Унда мен мамлакатда энг мўътабар синьор бўламан! Ўзимга ҳашаматли қаср қурдиранман, отхоналаримда минглаб ёғоч отлар гижинглаб туради, ертўлаларимда сариқ, қизил рангли ширин ичимликлар қалашган бўлади, кутубхонамдаги тахта токчаларда нуқул шакарга беланган мевалару тортлар, ширин кулчалару мағизлик пироглар, қаймоққа қорилган вафлилар бўлади».

Пиноккио шундай ширин хаёллар билан йўлни босиб ўтиб, ниҳоят Сеҳрли Далага яқин бориб тўхтади. У шохлари шовул олтин танга бўлган дарахт қанийкин, деб ҳар томонга олазарак бўлиб қарай бошлади: лекин кўзига ҳеч нима кўринмади. У яна юз қадам юриб, далага яқинлашди. Ҳеч нима кўринмади. У даланинг ўзига кириб



бориб, ниҳоят, олтинларини кўмган чуқурча те-  
пасида тўхтади. Ҳеч вақо йўқ эди. Шунда у ки-  
тобларда ёзилган яхши хулқ-атвор қоидаларини  
ҳам унутиб, чўнтагидан қўлини чиқарди-да, эн-  
сасини қиртиллатиб қашиганча ўйланиб қолди.

Шу маҳал унинг қулоғига аллакимнинг хан-  
дон ташлаб кулгани эшитилди, у ўгирилиб сий-  
рак патларини тозалаётган каттакон тўтиқушни  
кўрди.

— Нега куляпсан? — аччиғи чиқиб сўради  
Пиноккио.

— Патларимни тозалаётганимда, тумшуғим  
қўлтиғимга тегиб, қитиғим келиб кетди, шунга  
кулдим.

Ёғоч Бола тўтиқушга бошқа ҳеч нима демай,  
зовур томон кетди, ботинкасида сув олиб келиб,  
уни олтин тангалари кўмилган ерга қуйди.

Шу пайт бу сукутга чўмган далада яна кулги  
эшитилди — буниси энди аввалгисидан ҳам бад-  
тар ғашга тегувчи кулги бўлди.

— Ҳой, Тўти, бундоқ тушунтириб айтсанг-  
чи, — деди Пиноккио хуноб бўлиб, — нима учун  
бунчалик сурбетлик қилиб хандон ташлаб куляп-  
сан?

— Мен қаланғи-қасанғи, муттаҳам-фириб-  
гарларнинг ҳар хил ёлғон-яшиқ гапларига лаққа  
ишонадиган аҳмоқлар устидан куляпман.

— Бу гапинг билан менга шама қияпсан,  
шекилли?

— Ҳа, сенга, о шўрпешона Пиноккио. Сен  
ўта кетган тентаксан, шунинг учун, пулни худди  
ловия ё қовоқ уруғидек экиб, ундан ҳосил олиш  
мумкин деган сафсатага ишондинг. Ўзим ҳам бир  
вақтлар шунга ўхшаш сафсатага ишониб, роса  
панд еган эдим, ҳалигача пушаймонман. Мана  
энди, кечикиб бўлса ҳам тушундим: фақат ўз

кучинг билан, ўз ақлингни ишлатибгина ҳалол пул топиш мумкин экан.

— Гапингга тушунмаяпман, нима деясан ўзинг? — деди Ёғоч Бола.

Шундай дейишга деди-ю, қўрқувдан дағ-дағ қалтирай бошлади.

— Ҳа, яхши, бўлмаса, гапимни тушунтириб бераман, — деб давом этди тўтиқуш. — Сен шаҳарда эканлигингда Тулки билан Мушук бу ерга қайтиб келиб, олтин тангаларингни кавлаб олишди-да, оёқларини қўлларига олганча, шаталок отиб қочиб қолишди. Энди уларни қувиб етолмайсанам, тополмайсанам...

Пиноккио тўтиқушнинг гапларини оғзини очганча тингларкан, унинг айтганларига ҳеч ишонгиси келмай, ҳозиргина сув қуйган ерини шоша-пиша тирноқлари билан тирнаб кавлай бошлади. У кавлайвериб, кавлайвериб, ахири бир ғарам пичан сигадиған чуқур ўра қазиди. Лекин шунда ҳам олтин тангаларини тона олмади.

Кейин у бутун орзу-умидлари пучга чиққанини сезиб, гириллаганча орқасига, шаҳарга югурди, шаҳарга кириб борган заҳоти, олтин тангаларини ўгирлаб кетган икки товламачи ҳақида хабар қилгани суд маҳкамасига чопди.

Бу шаҳарнинг судьяси баҳайбат гавдали. мункиллаб қолган горилла-маймун бўлиб, ўзининг кексалиги, ошноқ соқоли, энг муҳими олтин гардишли кўзойнаги туфайли жуда мўътабар зотга ўхшаб кўринарди. Тўғри, унинг кўзойнаги шишасиз эди, лекин маймун усиз ҳеч иш қила олмасди, чунки қартайиб, кўзлари ожиз бўлиб қолган эди-да.

Пиноккио ҳамма бўлган воқеани: товламачилар уни қандай лақиллатгани борми, уларнинг исмларини лақаблари борми, шунингдек қароқ-

чиларнинг махсус белгилари борми — ҳаммасини бир бошдан бутун тафсилоти билан гапириб бериб, судьядан одил ҳукм чиқаришни илтимос қилди.

Судья унинг гапларини чуқур хайрхоҳлик ва ўта ҳамдардлик билан тингларкан, жуда қаттиқ ҳаяжонлангандек, таъсирланиб кетгандек кўринди, Ёғоч Бола ҳамма гапни айтиб бўлгач эса, судья стол устида турган қўнғироққа қўл чўзиб, уни чалди.

Шу заҳоти маҳкамага полициячи формасини кийган иккита кўпшак югуриб кирди.

Судья бармоғи билан Пиноккиони кўрсатиб, кўпшакларга:

— Манави шўрликнинг тўрт олтин тангасини ўғирлаб кетишибди. Шунга кўра, унинг оёқ-қўлини боғлаб, дарҳол қамоққа ташланглар, — деди.

Ёғоч Бола бу кутилмаган ҳукмни эшитиб, жаҳли чиқиб кетди ва судьянинг устидан шикоят ёзмоқчи бўлди. Лекин полициячилар шу заҳотиёқ бола бечоранинг оғзини очирмай, олиб бориб зиндонга ташлашди.

Пиноккио қамоқда тўрт ой ётди. Бу ерда ўтган ҳар бир кун нақ бир йилдай узун эди. Агар бир кун келиб, бир бахтли воқеа юз бермаганида эди, Пиноккио қамоқда ҳали яна ётаверган бўларди. Яхшиямки, Галварсistonнинг ҳукмдори ёш қирол жангда душманлар устидан зафар қозониб қолди-ю, шу муносабат билан бутун мамлакатда оммавий байрам ўтказишни амр этиб, ҳаммаёққа чироқлар ёқиш, мушакбозлик, от ва велосипед пойгаси уюштириш ҳақида жар солдирди. Булардан ташқари, шу шоду хуррамлик муносабати билан ҳамма қамоқхоналарнинг эшиклари очилиб, барча жинойтчилар озод қилинди.

— Ҳаммани озод қилаётган экансиз, унда мени ҳам қамоқдан чиқариб юборишингиз керак, — деди Пиноккио қамоқхона нозирага.

— Сиз ётаверасиз, — деб жавоб қилди нозир, — чунки бу амнистия фақат жинойтчиларга тааллуқли.

— Мени кечирасиз, — деб эътироз билдирди Пиноккио, — ахир мен ҳам жинойтчиман-ку!

— О, ундай бўлса, сиз минг карра ҳақсиз, — деб узр сўради қамоқхона нозири ва эҳтиром билан бошидан фуражқасини олиб, қамоқхона дарвозасини очди-да, Пиноккиони озодликка чиқариб юборди.

**XX. Қамоқдан озод қилинган Пиноккио Парининг уйига қайтиб бормоқчи бўлади, лекин йўлда жуда даҳшатли илонга дуч келади. Кейин қопқонга тушиб қолади.**



Озодликка чиққан Пиноккионинг қандай хурсанд бўлганини бир тасаввур қилиб кўринг-а, болалар! У вақтни бир зум ҳам пайсалга солмай, шаҳарга орқа ўгирди-ю, тўғри парининг уйчасига олиб борадиган йўлдан жадал юриб кетди.

Шу кунларда ёмғир сурункасига шаррос қуйганидан йўл чилп-чилп лой эди. Ёғоч Боланинг оёқлари тиззасигача лойга ботган бўлса ҳам, у парво қилмай ғизиллаб борарди. Бирдан-бир орзуси отаси билан зангори сочли опасини тезроқ кўриш бўлган Пиноккио худди този итдек сакраб чошиб бораркан, оёғи остидан сачраган лой бошидан ҳам баландга сачрарди. У югуриб бораркан, ўйларди: «Бошимга не-не кўнгилсиз воқеалар тушмади!.. Ўз қилмишимга яраша таъзимимни едим, чунки мен ўлгудек қайсар, жиззаки ёғоч одамман... Мендан минг карра ақллироқ бўлган, мени жон-дилидан яхши кўрганларнинг гапига қулоқ солмай, нуқул ўз билганимдан қолмасликка ҳаракат қилдим. Лекин энди шу дақиқадан бошлаб итоатли, яхши бола бўлишга сўз бераман. Билдим: тарбиясиз болалар доим чув тушишар экан, улар ҳеч қачон бирон ишни қойиллата олмас эканлар. Дадажоним ҳалигача мени кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтирган бўлса-я? Уни Пари-

нинг уйида кўрармикинман? Шўрлик дадам! Уни кўрмаганимгаям минг йил бўлди, ҳозир уни бўйнидан қучоқлаб бирам ўпиб-ўниб олгим кел-яштики... Лекин Пари қилган бебошлиқларим учун мени кечирармикин?.. Ахир у менга қанақа меҳрибонлик, яхшилик қилган эди-я, фақат шу Пари туфайли шу пайтгача ўлмай тирик юрибман! Менга ўхшаган ношукур, бемеҳр бола бутун дунёдаям топилмаса керак!»

Пиноккио шундай хаёлга чўмиб бораркан, бирдан кўрқиб кетиб, таққа тўхтади, тўхтади-ю, шу заҳоти тўрт қадам орқага тисарилди.

У нимадан чўчиб кетди?

Баҳайбат бир илон йўлда кўндаланг чўзилиб ётарди. Илоннинг териси ям-яшил, кўзларидан ўт чақнар, думининг учи эса, худди мўрконга ўхшаб тутаб турарди.

Ёгоч Боланинг ўтакаси ёрилиб, шартта орқасига бурилдию ура қочиб қолди, шу югурганича ярим километр ерга бориб, бир тўн тош устига ўтирди-да, қачон илон йўлни бўшатаркин, деб кута бошлади.

У бир соат кутди, икки соат, уч соат кутди, лекин илон ҳамон жойидан қимирламас, кўзларидан ўт чақнаётгани, думининг учидан тутун бурқсаб чиқаётгани ҳатто шу ердан ҳам яққол кўришиб турарди.

Ниҳоят Пиноккио юрак ютиб илонга яқин борди ва чийилдоқ овози билан хушомад қилиб:

— Мени лутфан авф этгайсиз. Илон хоним, бир ҳиммат кўрсатиб, салгина четга сурила олмайсизми, ўтиб кетардим? — деди.

Лекин Пиноккио худди деворга ганиргандай бўлди: илон қимир этмади.

Шундан кейин Ёгоч Бола яна бояги оҳангда илтимосини такрорлади:

— Иқозатингиз билан, Илон хоним, сизга

шуни баён қилмоқчиманки, кўндан бери отамни кўрмадим, ҳозир у билан дийдор кўрингани уйимга кетялман... Шу муносабат билан ўтиб кетишимга имкон берсангиз.

У илтимосимга жавобан илон бирон ишора қилар, деб кутган эди, аммо илондан ҳеч қандай садо чиқмади. Бу ҳам етмагандек, ҳозиргина худди тирикдек тўлганиб турган илон бирдан тошдек қотиб, «қилт» этмай қолди. Кўзининг нури сўнди, думидан тутун чиқмай қўйди.

«Ўликми дейман?» — деб кўнглидан ўтказди Пиноккио ва кўнгли ёришиб, кафтларини бир-бирига ишқади. Шу заҳоти у илоннинг устидан ҳатлаб ўтмоқчи бўлиб, эндигина оёгини кўтарган эди, илон бирдан жонланиб, худди бўш қўйилган пружинадек қаддини тиклади. Буни кўрган Пиноккио кўрқиб кетиб, қочиб қолди-ю, йўлда лойга тойганиб, «гурс» этиб йиқилди.

Йиқилгандаям жуда беўхшов йиқилди: боши чилп-чилп лойга кириб, оёқлари худди бир жуфт шамдек осмонга тиккайиб қолди.

Ёғоч Боланинг боши билан балчиққа шўнгиб, оёқлари ҳавода худди велосинед ҳайдаётгандек нитирлаётганини кўрган илон шунақа қотиб-қотиб кула бошладики, ахири унинг кўкрагида нозик томири узилиб кетиб, бу гал энди ростакамига ўлиб қолди.

Пиноккио яна гизиллаб югуриб кетди. У Парининг уйчасига қош қораймасдан етиб олмоқчи эди. Лекин йўлда бирдан қорни қаттиқ очиб таталай бошлади. Шунда у бир-икки шингил узум узгани йўл ёқасидаги бир боққа кирди. Эҳ, аттанг, кирмаса яхши бўларди!

«Фалокат оёқ остида», деганларидек, у эндигина бир бош узумга қўл чўзган эди, бирдан «шарқ» этган товуш эшитилди-ю, темир қонқонининг икки ўткир жағи бола шўрликнинг иккала



өёгини шунақа қаттиқ сиқиб қўйдики, огриқдан  
кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

Шўриешона Ёғоч Бола, теварак-атрофдаги  
товуқлар кушандаси бўлган сувсарларга қарши  
деҳқонлар қўйган қонқонга илинган эди.

## XXI. Пиноккиони деҳқон тутиб олади ва уни товуқхонаси олдига ит ўрнига боғлаб қўяди



Турган гапки, оғриққа чидолмаган Пиноккио, овозининг борича чинқириб дод солди. Лекин у минг кўзёш тўксин, минг чинқирсин, бари бир ҳеч қандай фойда бўлмади, чунки бу яқин-атрофда ҳеч ким яшамас, боғ ёқалаб ўтган йўлда ҳам «қилт» этган жонзот кўринмасди. Бу орада кеч кириб, қоронғу тушди.

Лекин шундоқ ҳам Ёғоч Боланинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, чунки ўткир тишлари билан оёғига ботган темир қоққон унга қаттиқ азоб берарди, бунинг устига, у жудаям қўрқиб кетган эди: ахир зим-зиё тунда ёлғиз ўзи бегона ерда ётарди-да. Шу маҳал у бирдан боши узра гирди-капалак бўлаётган бир ялтироқ қуртни кўриб қолиб, унга қичқирди:

— Оҳ, Ялтироқ Қурт! Бир яхшилик қилиб, мени бу азобдан қутқар, дўстим.

— Э, бечора бола, — деди Ялтироқ Қурт унга раҳми келиб. — Қандай қилиб бу темир қоққонга илиниб қолдинг, а?

— Мен бу боққа бир-икки шингил узум узгани кирувдим, бирдан...

— Бу узумлар ўзингникими?

— Йўқ...

— Бўлмаса, ким сенга, бировнинг узумини уз деб айтди?

— Қорним оч эди-да.

— О, азиз дўстим, бировнинг узумига чанг солиш учун очлик асло баҳона бўла олмайди.

— Бу гапинг тўғри, тўғри айтдинг! — деб қўшилишди Пиноккио пиқ-пиқ йиғлар экан. — Энди ҳеч қачон бундай қилмайман.

Шу пайт кимнингдир оёқ товуши эшитилди-ю, ҳамсухбатлар жим бўлиб қолишди. Келаётган шу узумзорнинг эгаси эди: у ўзи қўйган қопқонга товуқ ўғриси — сувсарлардан биронтаси илинмаганмикин, деб оёқ учида аста юриб келарди.

Лекин у яқин келиб, плаши остидан фонус чиқарди-ю, қопқонга илинган сувсар эмас, бир бола эканини кўриб, ханг-манг бўлиб қолди.

— Аҳҳа! Бундан чиқди, ҳар куни кечаси товуқларимни ўғирлаб кетаётган сен экансан-да! — деди деҳқон дарғазаб бўлиб.

— Мен эмас, мен эмас! — деб фарёд қилди Пиноккио. — Мен фақат икки шингилгина узум узгани кирувдим боғингизга!

— Бировнинг узумини ўғирлаган, товуғини ҳам ўғирлашдан қайтмайди. Шошмай тур, сени шунақанги таъзирингни берайки, умрбод эсингдан чиқмайдиган бўлсин!

Шундай деб у қопқонни очди-да, Ёғоч Бола-нинг ҳиқилдоғидан ушлаганча, худди қўзичоқдек уйига кўтариб олиб кетди.

Деҳқон Пиноккиони уйи олдига хирмонга олиб келиб, уни ерга отди ва оёғини унинг бўйнига қўйиб туриб:

— Ҳозир кеч бўлиб қолди. Ухлагани кириб кетяпман. Сен билан эртага гаплашаман. Ҳовлимни қўриқлаб турган итим ўлиб қолди. Шунинг учун, сен унинг ўрнига қўриқчи итим бўлиб хизмат қиласан! — деди.

Богбон шундай деб Пиноккионинг бўйнига гир айланасига мис нистонлар қадалган қайиш кийдириб, уни калласи сигмайдиган қилиб сиқиб қўйди. Бу қайиш узун занжирга боғланган эди.

— Агар кечаси ёмгир ёғиб қолса, — деди боғ-  
бон, — ана, ит уясига кириб ётишинг мумкин —  
у ерга похол тўшалган. Шўрлик итим тўрт йил-  
дан бери шу похол устида ётарди. Мабодо, худо  
кўрсатмасин, ўғри келгудек бўлса, эсингда тут,  
қулогинг доим динг бўлиши ва вовулланинг ке-  
рак.

Боғбон шу йўл-йўриқларни айтгандан кейин  
уйига кириб, эшигини ичидан танбалаб олди,  
бечора Пиноккио бўлса, хирмонда очликдан, со-  
вукдан ва қўрққанидан худди ўликдек чўзилиб  
ётаверди. Вақти-вақти билан у бўйинини қаттиқ  
сиқиб азоб бераётган қайиш остига бармогини  
тиқиб, уни сал бўшатмоқчи бўларди.

— Айб ўзимда! — деб зорланарди у. — Ҳа,  
тўғри, қилмиш-қидирмиш! Мен дангаса, ишёқ-  
мас бўлишни хоҳлаган эдим, ана шунинг учун  
ҳам нуқул бахтсизликка учраганим-учраган.  
Агар бошқа болаларга ўхшаган одобли бўлганим-  
дами, ҳафсала билан ўқиганимда, меҳнат қил-  
ганимдами, уйда, бечора дадамнинг олдида ўтир-  
ганимдами, мана бунақа хилват жойларда, бегона  
бир дехқоннинг ҳовлисида ит ўрнида қўриқчи-  
лик қилмаган бўлардим! Оҳ, қанийди бошқат-  
дан тугилсам!.. Э, кеч бўлди энди: бу ҳақда ўйла-  
гандан фойда йўқ. Чидашим керак, вассалом.

Пиноккио қисқагина, аммо чин дилдан айтган  
мана шу нутқидан кейин, итнинг уясига кириб  
ётди-да, ухлаб қолди.

## XXII. Пиноккио ўғриларни тутишда кўмаклашади ва бу садоқатли хизмати учун озодликка чиқади

Пиноккио икки соатча қотиб ухлади. Вақт ярим кечага борганда, уни хирмондан эшитилаётган аллақандай пичир-пичир, гўнгир-гўнгир овозлар уйғотиб юборди. У ит уясидан бурнининг учини чиқариб



қараган эди, териси тим қора тўртта кичкина-кичкина ҳайвонга кўзи тушди. Ҳайвонлар гуж бўлиб олишиб, алланима тўгрисида маслаҳатлашишарди, кўринишидан улар мушукка ўхшашарди. Лекин аслида улар мушук эмас, сувсарлар эди. Сувсарлар — кичкина ваҳший ҳайвон, улар айниқса тухум билан жўжаларга ўч бўлишади. Мана, сувсарлардан бири тўдадан ажралиб, ит уяси олдига яқин келиб пичирлади:

— Яхшимисан, Меламно!

— Мен Меламно эмасман, — деб жавоб қилди Ёғоч Бола.

— Ие, бўлмаса, кимсан?

— Пиноккиома.

— Бу ерда нима қилиб ётибсан?

— Ит ўрнида ҳовлини қўриқлаянман.

— Меламно қани? Мана шу уяда қоровуллик қиладиган қари кўнпак бор эди, қани у?

— Бугун эрталаб ўлиб қонти.

— Ўлиб қонти? Вой бечора-е! У жудаям кўнгли кенг, сахий кўнпак эди! Сен ҳам қоноғон итга ўхшамайсан.

— Авф этасиз-у, лекин мен ит эмасман.

— Бўлмасам, кимсан?  
— Мен Ёғоч Боламан.  
— Энди ит ўрнига сен қўриқчилик қиляпсанми?

— Афсуски, шундай. Бу — менга берилган жазо.

— Ҳа, майли, ундай бўлса, сенга ҳам Мелампо билан тузган шартимизни таклиф қиламан. Кейин хурсанд бўласан.

— У қанақа шарт экан?

— Биз, бояги-боягидек, ҳафтада икки марта кечаси келиб, товуқхонага кириб, саккизта товуқ олиб чиқамиз. Кейин, уларнинг еттитасини ўзимиз еб, биттасини сенга берамиз, фақат шу шарт биланки, сен вовуллаб деҳқонни уйғотиш ўрнига, ўзингни ухлаганга солиб, жим ётаверсан.

— Мелампо ҳам шунақа қилармиди? — деб сўради Пиноккио.

— Ҳа, худди шунақа қиларди. Биз у билан доим жуда яхши тил топишиб ишлардик. Бўпти бўлмаса, сен бемалол ётиб ухлайвер. Кўнглинг тўқ бўлсин, кетар чоғимизда уянгнинг олдига патлари юлинган битта ширингина товуқни ташлаб кетамиз — нонушта қиласан. Бир-биримизни яхши тушундик деб ўйлайман?

— Ҳаддан ташқари яхши тушундим, — деб жавоб қилди Пиноккио ва: «Кўрамиз ҳали!» — дегандек бошини чайқаб қўйди.

Ҳеч қандай ҳавф йўқлигини сезган тўртта сувсар, ит уяси ёнига жойлашган товуқ катаги олдига югуриб бориб, унинг кичкинагина ёғоч эшикчасини тишлари ва тирноқлари билан очишди-да, бирин-кетин ҳаммалари катак ичига «лип-лип» кириб кетишди. Улар товуқхонага эндигина кириб улгуришган ҳам эдики, орқаларидан эшикча «қарс» этиб ёпилди.

Эшикчани Пиноккио ёпган эди. Бунинг устига, яна эшик орқасига битта ҳарсангтош ҳам тираб қўйди.

Кейин у вовуллай бошлади, вовуллаганда ҳам нақ соқчи итдек:

«Вов-вов, вов-вов!» деб жон-жаҳди билан вовуллади.

Буни эшитган деҳқон «дик» этиб ўрнидан туриб кетди ва қўлига милтигини олиб дераза олдига келди:

— Ҳа, нима бўлди? — деб сўради у.

— Ўғри тушди, — деб жавоб қилди Пиноккио.

— Қани?

— Товуқ катагида.

— Ҳозир тушаман.

Боғбон зум ўтмай ҳовлига тушиб, товуқхона томон отилди, тўрттала сувсарни тутиб, қонга тикди-да, жуда хурсанд бўлиб:

— Ахири қўлимга тушдинглар-а! Бошлаб таъзирларингни берардим-у, лекин мен унақа кекчи одам эмасман-да. Яхшиси, эртага сенларни қўшни қишлоқдаги трактир<sup>1</sup> хўжайинига олиб бориб топшираман, у териларингни шилиб олиб, худди қуённикига ўхшаган мулойим гўштингиздан иштаҳа очадиган қовурма тайёрлайди. Гарчи сизлар бундай иззатга лойиқ бўлмасангиз ҳам, саховатли одамман: бунақа икир-чикирларга эътибор бериб ўтирмайман, — деди.

Шундан кейин у Пиноккионинг тепасига келиб, бир неча марта унинг бошини силади.

— Қандай сезиб қолдинг бу ўғриларни? — деб сўради у. — Итим Мелампо, вафодорим Мелампо бирон марта ҳам сезмаган эди ўғри тушганини!

Бу саволга жавобан Ёғоч Бола ўзи эшит-

<sup>1</sup> Меҳмонхонаси бўлган оддий ресторан.

ган анча-мунча гаплар хақида, яъни ит билан сувсарлар ўртасида тузилган расво шартнома тўғрисида гапириб бериши мумкин эди, албатта. Лекин итнинг ўлиб кетганини эслаб: «Ўликларни ёмонлашдан нима фойда? Ўлган ўлди-кетди, яхшиси, уни тинч қўйиш керак», деган хулосага келди.

— Сувсарлар хирмонга келишганида ухлаб ётувдингми ё уйгоқмидинг? — деб сўради дехқон.

— Ухлаб ётувдим, — деди Пиноккио, — лекин сувсарларнинг пичирлашиб гаплашганидан уйғониб кетдим. Улардан биттаси ҳатто уя олдига келиб: «Агар вовиллаб, хўжайинингни уйғотмасликка сўз берсанг, сенга ҳам понуштага биққидаккина битта товуқнинг патини юлиб совга қиламиз», дейишди. Буни қаранг! Келиб-келиб, уялмай-нетмай менга шундай таклиф қилишди-я! Мен Ёғоч Одам бўлсам ҳам, гарчи камчиликларим жуда кўп бўлса ҳам, ҳали ўғриларга дастёрлик қилиб, пора оладиган даражада насткаш бўлганимча йўқ.

— Сен яхши бола экансан! — деди дехқон ва Пиноккионинг елкасига қоқиб қўйди. — Бундай фикрлашинг билан зўр хурматга лойиқсан. Шунга кўра, мурувват қилиб, ҳозирок уйингга юбораман.

Шундай деб у Пиноккионинг бўйнидан бўйинбоқни счиб олди.



**XXIII. Пиноккио зангори сочли чиройли қизнинг ўлганини билиб, унга аза тутиб йиғлайди. Кейин каптарга миғиб, денгиз бўйига боради ва отаси Жеппеттони қутқариш учун денгизга калла ташлайди**

Пиноккио бўйнидаги машъум ва манфур тасмадан озод бўлган ҳамоноқ, бирон ерда бир зум ҳам тўхтамай, поёни йўқ далалардан ўқдай учиб кетаверди ва ахири Парининг уйига олиб борувчи катта йўлга чиқиб олди.



Бола шу йўл ёқасида тўхтаб, қаршисидаги поёнсиз кенгликка кўз ташлади. У Тулки билан Мушукка тўқнаш келиб, бошига фалокат орттирган ўша ўрмон бу ердан яққол кўзга ташланиб турарди. Пиноккио ўрмондаги ҳамма дарахтлардан баландроқ қад кўтарган Катта Эман дарахтини ҳам таниди: уни ўша дарахтнинг шоҳига осишган эди. Лекин Ёғоч Бола қанча тикилиб қарамасин, зангори сочли Чиройли Қизнинг уйчасини кўрмади.

Оқибат, унинг юраги алланимадан ғаш бўлаверди. Шунда у зинғиллаганча югуриб кетди ва бир неча минутдан кейин, илгари жажжи уйча турган майсазорга етиб олди, афсус, энди уйча йўқ эди бу ерда. Унинг ўрнида унча катта бўлмаган мармар тош турарди. Тошга қуйидаги қайгули сўзлар ўйиб ёзилган эди:

БУ ЕРГА ЗАНГОРИ СОЧЛИ ҚИЗЧА ДАФН  
ЭТИЛГАН. У ПИНОККИО ИСМЛИ УКАСИ  
ҚОЧИБ КЕТГанидан кейин ГАМ ЧЕКА-  
ВЕРИБ ОЛАМДАН КЎЗ ЮМДИ

Пиноккио бу сўзларни зўр-базўр хижжалаб ўқиб чиққанидан кейин ўзини қандай ҳис этганини тасаввур қилаётган бўлсангиз керак, болалар. У ерга мук тушиб, қабр тошини кетма-кет ўнаверди, ўнаверди, кейин шунақаи хўнграб йиглаб юборди-ки, эшитган одамнинг юраги эзилиб кетарди. У кечаси билан тўхтовсиз йиглаб чиқди, тонг отганида ҳам у йигидан тўхтамади, лекин энди унинг кўзларида ёш қолмаган эди. Ёғоч Бола шунақа аччиқ-аччиқ, астойдил фарёд чекиб йиғлардики, фарёди теварак-атрофдаги барча тепаликлардан ақс садо бўлиб эшитиларди. У йиги аралаш шундай дерди:

— О, менинг жажжигина суюкли Парим, нега ахир ўлдинг? Сендек яхши қиз ўлгандан кўра, мен — ёмон бола ўла қолсам бўлмасмиди?.. Дадажоним қаёқда энди? О, менинг азиз Парим, айт, қаердан қидирай дадамни? Энди мен умрбод дадам билан бирга яшайман, ҳеч қачон уни ёлғиз ташлаб кетмайман... О, менинг суюкли кичкина Парим, ўтинаман сендан, ўлган эмасман, деб айт! Агар мени, укангни ҳақиқатданам яхши кўрсанг, тирилиб, ёнимга қайт! Дунёда яккаю ёлғиз қолганимни кўриб, менга раҳминг келмаяптими?.. Мана, қароқчилар келиб, мени яна дарахтга осишади, ана унда бутунлай ўлиб қоламан. Дунёда ёлғиз қолиб, бошимни қаёққа ураман энди? Сендан, дадамдан жудо бўлганимдан кейин ким ҳам менга раҳм қилиб бир бурда нон берарди? Қаердан ўзимга бошпана топаман? Ким менга янги камзул тикиб беради? Оҳ, бу кунимдан ўлганим минг марта яхши эди! Ҳа, ўлганим яхши!.. А-а-а!..

Шундан кейин у оҳ уриб, сочларини юлиш

ниятида, чангаллади, бироқ унинг сочи ҳам ёғочдан бўлгани учун, панжаларини ҳечам сочи орасига тика олмади.

Бу пайт боши устидан каттакон бир Каптар учиб ўтди. У қанотларини ёйганча ҳавода таққа тўхтаб, Пиноккиодан сўради:

— Ҳой, ошна, нима қилисан у ерда?

— Кўрмайсанми? Йиглаб ўтирибман! — деб жавоб қилди Пиноккио бошини кўтариб, камзулининг енги билан кўзёшини артаркан.

— Айт-чи менга, — деб яна савол берди Каптар, — сенинг таниш-билишларинг орасида Пиноккио исмли Ёғоч Бола йўқми?

— Пиноккио?.. Пиноккио дедингми? — деб такрорлади Ёғоч Бола ва «дик» этиб ўрнидан туриб кетди. — Пиноккио — менман!

Каптар бу жавобни эшитиб, дарров учиб тушиб, ерга қўнди. У куркадан ҳам баланд эди.

— Бундан чиқди, сен Жеппеттони танир экансан-да? — деб сўради у Ёғоч Боладан.

— Вой, бўлмасам-чи! Ахир у менинг бечора дадам-ку! Демак, у мен тўғримда гапириб берибди-да, сенга? Мени дадамнинг олдига олиб борасанми? У тирикми ишқилиб? Ўтиниб сўрайман сендан, жавоб бер: дадам тирикми?

— Мен уни охирги марта бундан уч кун бурун денгиз бўйида кўрувдим.

— У ерда нима қилаётувди?

— У океандан сузиб ўтиш учун кичкина бир қайиқ ясаётган эди. Шўрлик даданг, мана, тўрт ойдирки. ҳаммаёқни кезиб, сени қидириб юрипти, лекин бу томонларда сени тона олмагач, энди олис Янги Дунё<sup>1</sup> мамлакатларига бориб қидирмоқчи бўлди.

— Денгиз бу ердан узоқми? — деб сўради қўрқиб кетган Пиноккио.

---

<sup>1</sup>Янги Дунё — Америка қитъаси илгари шундай деб аталарди.

— Минг километрдан кўпроқ келаров.  
— Минг километр? Оҳ, Каптар, қанийди сенинг қанотларинг менда бўлса!

— Хоҳласанг, сени денгиз бўйига элтиб қўяман.

— Қандай қилиб?

— Елкамга миниб оласан. Унчалик оғир эмасмисан?

— Бе, қаёқда? Пардек енгилман.

Пиноккио гапни чўзиб ўтирмасдан Каптарнинг елкасига худди чавандозлардек миниб олди ва шўх оҳангда чинқирди:

— Чў, чў, тулпорим, мен шошяпман!

Каптар ҳавога кўтарилди, орадан бир неча минут ўтар-ўтмас, баланд-баланддаги булутларга етиб олди. Шу чоқ Ёғоч Боланинг синчковлиги тутиб пастга қараган эди, кўрққанидан юраги орқасига тортиб кетди, боши айланиб, қанотли отининг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

Улар кун бўйи дам олмай учишди. Кеч кирганида Каптар:

— Жудаям чанқаб кетдим! — деди.

— Менинг эса, ўлгудек қорним очди, — деди Пиноккио.

— Ҳўв анави каптархонага қўниб бир неча минут дам оламиз-да, кейин яна учамиз: биз то кун чиққунича денгиз бўйига етиб олишимиз керак.

Улар ташландиқ бир каптархонага қўнишди, бу ерда битта тарелкада сув ва бир саватча лиқ-лиқ сўк турган эди.

Ёғоч Бола, умри бино бўлгандан буён сўкни хуш кўрмасди, чунки сўк еса, кўнгли айнир экан. Лекин бугун кечқурун у қорни қапчайгунча роса мириқиб сўк еди. У сўкнинг ҳаммасини еб бўлиб, Каптарга:

— Сўкнинг бунчалик ширин бўлишини ҳечам ўйламаган эдим! — деди.

— Сен бундан шундай хулоса чиқаришинг керак, болам, — деб тушунтира бошлади Қаптар, — қорнинг очган чоғда, ейдиган ҳеч нима топилмаса, сўк ҳам энг шоҳона таомга айланади. Айтмоқчиманки, очлик ҳеч қанақа инжиқлигу тантиқликни ёқтирмайди.

Улар бир оз тамадди қилиб олиб, ҳордиқ чиқаришгач, яна йўлга тушишди. Эртаси куни эрталаб улар денгиз соҳилига етиб боришди.

Қаптар Пиноккиони ерга туширди-ю, унинг ташаккурини ҳам эшитиб ўтирмай, шу заҳоти кўкка парвоз қилиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Соҳилда бир тўда одамлар уймаллашиб туришар, денгиз томонга қараб, бир нималар деб қичқиришар, қўлларини силкитишарди.

— Нима бўляпти бу ерда? — деб сўради Пиноккио бир кампирдан.

— Боласини йўқотиб қўйган бир шўрпешона ота кичкинагина бир қайиқда денгизда сузиб кетди, чунки у ўғлини буёқларда тоша олмагач, денгиз ортидан қидирмоқчи бўлди. Лекин денгиз бугун нотинч — қайиқни ағдариб юбориши мумкин.

— Қани у?

— Ҳўв ана, — деди кампир узоқдан худди ёнғоқ пўчоғидай бўлиб кўринаётган кичкинагина қайиқчани бармоғи билан кўрсатиб.

Қайиқда кичкинагина ёлғиз одам ўтирарди.

Пиноккио ўша қайиқ томонга тикилиб қараб туриб, бирдан овозининг борича чинқириб юборди:

— Вой, у менинг отам-ку!

Бу пайт денгиз тўлқинлари қайиқчани гоҳ у, гоҳ бу томон отар, у дам кўздан йўқолиб, дам яна

пайдо бўларди. Пиноккио бўлса баланд қоя чўққисидан туриб бу ҳолни кузатарди.

Гарчи оралиқ масофа жуда узоқ бўлса ҳам, Жеппетто ўғлини таниди шекилли — у ҳам бошидан қалпоғини олиб, силкита бошлади: бу билан у, жон-жон деб орқамга қайтардим-у, лекин қутирган денгиз қайиқни бошқаришимга, соҳил томон сузишимга имкон бермаяпти, демоқчи бўларди.

Шу пайт бирдан тоғдек баҳайбат тўлқин кўтарилди-ю, қайиқ кўздан ғойиб бўлди. Соҳилдагилар қайиқнинг яна пайдо бўлишини узоқ кутишди, лекин у бошқа кўринмади.

— Вой, бечора! — дейишди қирғоққа тўпланган балиқчилар, кейин гўлдираб дуо ўқишди-да, уй-уйларига тарқай бошлашди.

Лекин шу пайт улар кимнингдир жон ҳолатида чинқирганини эшитиб, орқаларига ўгирилдилар ва қоя чўққисидан ўзини денгизга отган кичкина болани кўрдилар.

— Отамни ўзим қутқараман! — деб чинқирган эди у.

Пиноккио ёғочдан ясалган бўлгани учун чўкмади, худди балиққа ўхшаб сузиб кетаверди. Ана, денгиз тўлқини уни қамраб олди-ю, у кўздан ғойиб бўлди, кейин яна сув бетига қалқиб чиқди. Пиноккио тобора соҳилдан узоқлашаркан, сув бетидан унинг гоҳ қўли, гоҳ оёғи кўриниб қоларди. Ниҳоят, қирғоқда турган одамлар кўзига у бутунлай кўринмай қолди.

— Бечора бола! — дейишди балиқчилар ва гўлдираб дуо ўқишиб, уй-уйларига тарқалишди.

## XXIV. Пиноккио меҳнатсевар асаларилар оролига сузиб чиқади ва у ерда яна Парини топади

Отасини қутқариш ниятида ўзини денгизга отган Пиноккио бутун тун тўхтовсиз сузди. Бу тун жудаям даҳшатли тун бўлди! Ёмғир гўё бутун оламни сувга бостирмоқчи бўлгандай шариллаб қуяр, йирик-йирик дўл ёғар, момақалди роқ даҳшатли гумбирлаб, чақмоқлар кўзни қамаштирар эди!

Ниҳоят, тонг ота бошлаганда Пиноккио ўзидан сал нарироқда чўзинчоқ қуруқликни кўрди. Бу — денгиз ўртасидаги орол эди.

Бола қуруқликка чиқиб олиш учун бор кучини ишлатиб суза бошлади, лекин уринишлари бекор кетди. Чунки кетма-кет ёпирилиб келаётган тўлқинлар уни худди чўпдай, писта пўчоғидай гоҳ у, гоҳ бу томонга улоқтирарди. Пиноккионинг бахтига, шу пайт тоғдек улкан тўлқин бостириб келди-ю, бир ҳамлада уни қирғоққа чиқариб ташлади.

Пиноккио тошлоқ соҳилга шундай қаттиқ урилдики, оёқ-қўли чўрт синиб кетишига сал қолди. Лекин у: «Хайрият, тирик қолдим!» — деб ўзига-ўзи таскин берди.

Бу орада осмон ёришиб, қуёш чарақлаб чиқди, денгиз ҳам тинчиб, сатҳи мойдек сип-силлиқ бўлиб қолди.

Пиноккио шалаббо кийимларини қуритгани



ерга ёйди ва бу бепоён денгиз сатҳида биттагина одами бўлган якка қайиқ кўринмасмикин, деб теварак-атрофни диққат билан кузата бошлади. Лекин қанча тикилиб қарамасин, осмону денгиздан бўлак, яна жуда-жуда олисда нуқтадеккина бўлиб кўринаётган икки-учта елканли кемадан бошқа ҳеч нимани кўрмади.

— Ҳеч бўлмаганда, бу оролнинг номини билсам эди! — деди Пиноккио оҳ уриб. — Бу ернинг одамлари қанақа экан-а? Ишқилиб, яхши одамлармикин, яъни, айтмоқчиманки, бу ерлик одамларда болаларни дарахтга осиш одати йўқмикин? Лекин буни кимдан сўраб биламан? Ундан кейин, бирон бир жонзот бормикин ўзи бу оролда?

Пиноккио бу поёнсиз ва кимсасиз оролда ўзидан бошқа биронта ҳам тирик жон йўқлиги ҳақида ўйладию руҳи тушиб кетиб, ҳўнграб юборишига сал қолди. Шу пайт бирдан у соҳил яқинида сузиб юрган каттакон бир балиқни кўриб қолди.

Ёғоч Бола бу балиқнинг отини билмас эди, шунга қарамай, овозининг борича уни чақирди:

— Ҳой! Синьор балиқ! Ижозатингиз билан сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

— Марҳамат, сўрайверинг, — деди балиқ, чунки бу — дунёда энг илтифотли Дельфин эди.

— Айтолмайсизми: бу оролда қишлоқлар борми, агар бўлса, одамларидан егулик бирон нима сўраб олса бўладими, ишқилиб, егулик бериш ўрнига, ўзимни еб қўйишмайдими?

— Қишлоқлар бор, — деб жавоб қилди Дельфин. — Айтгандай, биттаси жудаям яқин!

— Ўша қишлоққа қандай борсам бўлади?

— Агар чапга кетган торгина сўқмоқдан ўз бурнингга эргашиб кетаверсанг, ҳеч адашмай тўғри кириб борасан ўша қишлоққа.

— Илтимос, яна бир саволимга жавоб берсангиз! Сиз кечаю кундуз денгизда сузиб юрасиз,



мабодо, кичкина бир қайиқни кўрмадингизми? Ичида отам бор эди.

— Отанг ким?

— Отам — дунёда энг яхши ота, мен бўлсам, бунинг аксиман — дунёда энг ёмон боламан.

— Кичкина қайиқ экан, эҳтимол, тунги бўрон пайтида чўкиб кетгандир.

— Отам-чи?

— Уни даҳшатли Акула ютиб юборган бўлса ажаб эмас: у касофат бу ерларда яқиндан бери пайдо бўлиб, ҳамма жонзотларни қийратиб ётипти.

— Ўша Акула деганингиз каттами ўзи? — деб сўради Пиноккио, қўрққанидан дағ-дағ титраб.

— Жудаям баҳайбат, — деб жавоб қилди Дельфин. — Унинг қанчалик катталигини сенга аниқроқ тасвирлаб берадиган бўлсам, у беш қаватли иморатдан ҳам баланд, оғзи шунақанги кенг ва чуқурки, ичига бир эшелон поезд паровози билан бирга бемалол кириб кетади.

— Вой! — деб чинқириб юборди қўрқиб кетган Ёғоч Бола ва апил-тапил кийиниб, яна Дельфинга мурожаат қилди: — Хайр, яхши қолинг, синьор балиқ! Кечиринг, сизни йўлдан қолдирдим, кўрсатган илтифотингиз учун мингдан-минг раҳмат сизга.

Шундан кейин Пиноккио йўлга тушиб, физиллаганча юриб кетди. «Тиқ» этган товуш эшитса, дарров орқасига ўгирилиб қарарди, чунки беш қаватли иморатдай баҳайбат Акула оғзига бир эшелон поездни солиб олиб, орқамдан қувиб келаётган бўлса-я, деб қўрқарди.

Ярим соат деганда у бир қишлоққа кириб борди. Бу «Меҳнатсевар Асаларилар Қишлоғи» деб аталар экан. Унинг кўчаларида одамлар гиж-гиж эди. Ҳамма шошиб-пишиб уёқ-буёққа юрар, ҳам-

ма иш билан банд эди. Бу ерда биронта ишѐқмас ѐ дангасани кундузи чироқ ѐқиб ҳам топиб бўлмас эди.

«Тушунарли, — деди ўзига ўзи танбал Пиноккио, — бу қишлоқ менга тўғри келмайди: бу ерда нон еёлмайман. Чунки мен меҳнат учун туғилмаганман».

Лекин бу пайт очлик унга азоб бера бошлаган эди, негаки, йигирма тўрт соатдан бери ҳеч нима, ҳаттоки сўк бўтқаям емаганди.

Нима қилсин?

Очликка барҳам бериш учун фақат иккита йўл бор эди: ѐ иш қидириши, ѐ бўлмаса, тиланчилик қилиб, оз-моз пул ѐки бир бурда-ярим бурда нон топиши керак.

У гадойлик қилишга уяларди, чунки отаси, фақат қари-қартанглару майиб-мажруҳлар тиланчилик қилиши мумкин, қолган ҳамма одамлар ишлашга мажбур, деб таълим берган эди унга.

Ие, ана, муюлишда кўмир ортилган иккита аравани судраб келаётган бир одам кўринди, у қора терга ботган, ҳансираб нафас олар эди.

«Кўринишидан, яхши одамга ўхшайди», деб ўйлади Пиноккио ва унга яқин бориб, уялганидан ерга қараганча паст овоз билан қимтинибгина:

— Очликдан ўлиб қолмаслигим учун, менга бир танга хайр қила олмайсизми? — деди.

— Бир танга эмас, — деди кўмирчи, — агар менга ёрдамлашиб, шу икки аравани уйимгача олиб боришсанг, тўрт танга бераман сенга.

— Ие, қизиқ экансиз! — деди Ёғоч Бола ранжиб. — Билмасангиз, билиб қўйинг: мен ҳеч қачон юк ташийдиган эшак ҳам бўлмаганман, арава ҳам судрамаганман.

— Ундай бўлса, жудаям яхши-да! Агар қор-

нинг ростданам очган бўлса, болакай, ўз такаб-бурлигининг биққа семиз еридан икки-уч бўлак кесиб еяқол, лекин эҳтиёт бўл, тагин томогинга тиқилиб қолмасин.

Бир неча минутдан кейин кўчада бир уста найдо бўлди, у бир яшик оҳак орқалаб келарди.

— Ҳурматли зот, очликдан оғзи кашпа-кашна очилиб эснаётган мен бечорага бир тангагина хайр қила олмайсизми?

— Майли. Манави оҳакни кўтаришсанг, бир эмас, беш танга оласан.

— Ахир оҳак жуда оғир-ку, — деди Пиноккио, — ўзимни уринтиришни ёмон кўраман.

— Агар ўзингни уринтиришни хоҳламасанг, болам, кўнглингга сиққанча эснайвер, ош бўлсин.

Сал кам ярим соат ичида Пиноккионинг ёнидан яна йигирматача одам ўтди. Ёғоч Бола уларнинг ҳар биридан садақа сўраб кўрди, лекин уларнинг ҳаммаси шундай жавоб қилишди:

— Тиланчилик қилгани уялмайсанми? Сен кўчада бекорга санқиб юрибсан. Яхшиси нонга пул топиш учун ўзингга яраша иш қидир.

Нихоят, кўчада бир саховатли аёл пайдо бўлди, у икки кўза сув кўтариб келарди.

— О, саховатли хоним, кўзангиздаги сувдан бир қултумгина ичсам майлими?

— Ича қол, ўғлим, — деди аёл ва иккала кўзани ерга қўйди.

Пиноккио сувни худди замбуруғдек симириб, оғзини қўли билан артди ва:

— Ташналикдан қутулдим. Энди, шу зайлда қорнимни ҳам тўйдириб олсам зўр бўларди-да, — деди ўзича.

Саховатли аёл бу гапни эшитиб, дарҳол унга жавоб қилди:

— Агар бир кўза сувимни уйимгача кўтари-

шиб олиб бориб берсанг, сенга бир бурда нон берардим.

Пиноккио кўзага тикилиб қараб, на «ҳа» де-ди, на «йўқ».

— Нондан ташқари яна сиркада ўлдирилиб, устидан ёғ қуйилган бир товоқ гулкарам ҳам берардим, — деб гапини давом эттирди саховатли аёл.

Пиноккио яна кўзага тикилиб қаради-ю, лекин «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демади.

— Гулкарамни еб бўлганингдан кейин, ичи ликёрли чиройли конфет ҳам берардим.

Бу таклифдан Пиноккионинг нафси васвасага тушиб, олдинга отилиб чиқиб, чинқириб юборди:

— Бўпти! Кўзангизни уйингизга олиб бориб берганим бўлсин.

Кўза жуда оғир, Ёғоч Боланинг қўллари эса нимжон эди. Шунинг учун у, ноилож, кўзани бошига қўйиб боришга мажбур бўлди.

Саховатли аёл Пиноккиони уйига столга таклиф қилиб, унинг олдига бир бўлак нон, гулкарам ва конфет қўйди.

Пиноккио овқатни емади, балки ямламай ютди. Чунки унинг қорни бир йилдан бери ҳеч ким яшамайдиган хонага ўхшаб бўм-бўш эди.

Ёғоч Боланинг қорни аста-секин тўйиб, кўнгли бир оз таскин топгач, меҳрибон аёлга миннатдорлик билдириш учун бошини кўтарди. У аёлнинг юзига қаради-ю, бирдан чўзиб: «Во-о-о-ой», деб юборди ва гулкарам билан нон тўла оғзини ланг очганча, кўзларини бақрайтириб, ҳайратдан ўтирган жойида тошдек қотиб қолди.

— Нега бунча ҳайрон бўлиб қолдинг? — деб сўради саховатли аёл ва қулиб юборди.

— Сиз... — деб ғўлдирай бошлади Пиноккио, — сиз... сиз... сиз жудаям... сиз менга бир қизни эслатяпсиз... ҳа, ҳа, ҳа, овозингиз ҳам...

сочларингиз ҳам... жуда ўхшайди... ҳа, ҳа, ҳа...  
сочингиз... ўша қизниқига ўхшаган... зангори...  
Оҳ, азизим жажжи Пари, о, менинг кичкина  
суюкли Парим!.. Тезроқ айта қолинг, бу ростда-  
нам сизсиз-а? Ҳа, сизсиз! О, қандай йиғлаганла-  
римни, қандай қайғурганларимни билсангиз  
эди!..

Шу сўзлардан кейин, у кўзларидан дув-дув  
ёш тўкиб, ерга «гурс» йиқилди-ю, бу сирли аёл-  
нинг тиззаларидан маҳкам қучиб олди.

XXV. Пиноккио, энди яхши бола бўламан,  
ўқийман, деб Парига сўз беради, чунки Ёғоч одам  
бўлиб яшаш унинг жонига теккан ва у  
ҳақиқий бола бўлишни истайди



Саховатли аёл аввалига ўзининг зангори сочли кичкина Пари эканлигини бўйнига олмади. Лекин сирингизни сез-гач, болани ортиқ қийна-май, ўша Пари эканлигига иқроқор бўлди.

— Хўш, шумтақа Ёғоч Бола, мени қандай қилиб таний қолдинг? — деб сў-ради у Пиноккиодан.

— Буни сизга бўлган зўр меҳру муҳаббатим ошкор қилди менга.

— Эсингдами? Мени ташлаб кетганигда — кичкина қиз бола эдим, энди кўриб турибсанки, мен аёлман, демак сенинг онанг бўлишим ҳам мумкин.

— Вой, жудаям яхши бўларди-да, унда мен сизни онажон дебмас, ойижон деб чақирган бў-лардим. Ҳамма болалар сингари менинг ҳам ойим бўлишини кўндан бери орзу қиламан. Лекин, ай-тинг-чи, қандай қилиб бунчалик тез катта бўлиб қолдингиз?

— Бу сир.

— Сирингизни айтинг, менинг ҳам сал-пал бўйим чўзилса девдим. Нима, пайқамадингизми? Бўйим ҳали ҳам ўша-ўша бир калла қанд билан тенг.

— Сен ўса олмайсан, — деб тушунтирди Па-ри.

— Нима учун?

— Чунки ёғоч одамлар ўсишмайди. Улар ёғоч одам бўлиб дунёга келишади, ёғоч одам бўлиб яшашади, шу ёғоч одамлигича дунёдан кўз юмишади.

— Ох, Ёғоч Бола бўлиш жонимга тегиб кетди! — деди Пиноккио ва бошига бир мушт туширди. — Мен ҳам энди одам бўлишим керак.

— Агар шунга лойиқ бўлсанг одам бўласан.

— Ростданми? Нима қилсам, одам бўлишга лойиқ бўламан?

— Бу жудаям осон. Сен ҳамиша яхши бола бўлишга одатланишинг керак.

— Нима, мен яхши бола эмасманми?

— Афсуски, йўқ. Яхши болалар гапга қулоқ солишади, сен бўлсанг...

— Мен қулоқсизман.

— Яхши болалар тиришқоқлик билан ўқишади, ишдан бўйин товлашмайди, сен бўлсанг...

— Мен ишёқмас, саёқ боламан.

— Яхши болалар доим рост гапиришади...

— Мен доим ёлғон гапираман.

— Яхши болалар мактабга жон-жон деб боришади...

— Мен бўлсам, «мактаб» сўзини эшитсам, кўнглим айний бошлайди. Лекин бугундан бошлаб мен янгича ҳаёт бошлайман.

— Сўз берасанми?

— Сўз бераман. Яхши бола бўламан, отамнинг юпанчиғи бўламан. Айтгандай, ҳозир бечора дадам қаяқдайкин-а?

— Буни билмайман.

— Бир кун эмас, бир кун яна дадажонимни кўриб, бўйинларидан қучоқлаш насиб қилармикин менга?

— Шундай бўлса керак. Мен бунга қатъий ишонаман.

Бу жавобни эшитиб, Пиноккионинг кўнгли

тоғдек кўтарилди, у Парининг қўлини ўпа бошлади. Кейин бошини кўтариб, унга қаради-да, меҳри тўлиб сўради:

— Бундан чиқди, азиз ойижон, сиз чинданам ўлмаган экансиз-да?

— Шунақага ўхшайди, — деб жавоб қилди Пари табассум билан.

— Ўша: «Бу ерда... дафн қилинган», деган сўзларни ўқиганимда қандай азобга тушганимни, юрагим қандай эзилиб кетганини билсангиз эди...

— Биладан. Билганим учун ҳам сени кечирдим-да. Сенинг астойдил қайгурганингни кўриб, қалбингнинг поклигига ишондим. Қалби пок болалар, гарчи улар бир оз қўпол, тарбиясиз бўлишса ҳам бора-бора тўғри йўл топиб, яхши одам бўлишларига ишониш мумкин. Шунинг учун ҳам, орқангдан изма-из бу ёққа келдим. Энди сенга ойи бўладан...

— Вой, қойилмақом-ку! — деб чинқириб юборди Пиноккио ва хурсанд бўлганидан ўмба-лоқ ошиб сакради.

— Энди доим айтганларимга қулоқ солиб, нима иш буюрсам, ҳаммасини сўзсиз бажаргин.

— Жон-жон деб бажараман, жон-жон деб!

— Эртадан бошлаб, — деб гапида давом этди Пари, — мактабга қатнай бошлайсан.

Пиноккионинг бояги қувончи анча-мунча пасайди.

— Сен ўз хоҳишинг билан бирон хунар ёки касбни танлашинг мумкин.

Пиноккионинг чеҳраси жиддийлашди.

— Нима деб мингирлаяпсан? — деб сўради Пари.

— Мен, — деди мужмалланиб Ёғоч Бола, — мактабга боришга кечикдим деб ўйловдим...



— Йўқ, тасаддуқ. Шуни яхши билиб қўйки, илм олиш ҳеч қачон кеч бўлмайди!

— Ахир мен ҳеч қанақа касб ҳам, ҳеч қанақа хунар ҳам ўрганишни хоҳламайман-ку!

— Нега?

— Негаки, иш одамни жудаям чарчатади, деб ўйлайман.

— Ўғлим, — деди шунда Пари, — бунақа фикр юритганларнинг умри албатта ё қамоқхонада, ё касалхонада чирийди. Сен шу нарсани қулогингга қуйиб олгинки, ҳар бир одам биронта фойдали иш қилиши керак, бирон нарса билан машгул бўлиши, ишлаши керак. Ишёқмас бўлиб ўсган одамнинг ҳолига вой! Ишёқмаслик — жудаям ёмон дард, бу дардга чалинган одамни болалик чоғида даволамаса, катта бўлганида ундан асло қутулиб бўлмайди!

Парининг бу сўзларидан Пиноккио қаттиқ таъсирланиб кетди. У кўзларини Парига тикканча, чин юракдан гапира бошлади:

— Мен ўқиб илм оламан, ишлайман, сиз, нимани буюрсангиз, ҳаммасини бажараман, чунки очигини айтсам, ёғоч одам бўлиб яшаш ўлгудек жонимга тегди, энди ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, ҳақиқий бола бўлишни истайман. Ахир сиз ваъда берувдингиз-ку, тўғрими?

— Ҳа, ваъда берганман. Энди буёғи сенга боғлиқ.

## XXVI. Пиноккио даҳшатли акулани кўриш учун ўртоқлари билан денгиз бўйига боради.



Эртаси куни Пиноккио оддий халқ болалари ўқийдиган мактабга йўл олди. О, Ёғоч Боланинг мактабга келганини кўрган зумраша болаларнинг хайрон бўлганини кўрсангиз! Улар роса қотиб-қотиб

кулишди. Ҳар бир бола Пиноккионинг жигига тегиш ниятида бирон шумлик қилмоқчи бўларди: ана, биттаси унинг қўлидан қалпоғини тортиб олди, иккинчиси Ёғоч Боланинг орқасидан келиб, камзулининг этагидан тортди, учинчиси унинг бурни остига сиёҳ билан мўйлов чизмоқчи бўлди, яна биттаси ҳатто Пиноккиони кўғирчоққа ўхшатиб ўйнатиш учун унинг оёқ-қўлларига ип боғлашга ҳам ҳаракат қилиб кўрди.

Аввалига Пиноккио бу шўхликларга парво қилмай, жимгина ўқиш билан шуғулланаверди. Лекин бора-бора тоқати тоқ бўлиб, уни кўпроқ калака қилмоқчи бўлган қитмир болаларга совуққина қилиб:

— Сал эви билан да, болалар! Сизларга масхара бўлгани келган эмасман бу ерга. Ҳаммаларингни ҳурмат қиламан, шунинг учун мени ҳам ҳурмат қилишларингни талаб этман, — деди.

— Яшавор, галварс! Гапниям дўндирад экансан! — деб чуғиллашди зумраша болалар ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулишиб.

Битта учига чиққан безори бола ҳатто Ёғоч Боланинг бурнини чимчиламоқчи бўлиб қўл чўзди.

Лекин бу нияти нучга чиқди, чунки Ёғоч Бола шу заҳоти парта остидан унинг тиззасига боплаб тепди.

— Вой, оёғи тошдай қаттиқ экан! — деб чинқириб юборди шумтака бола ва Ёғоч бола тепиб мўматалоқ қилган тиззасини силай бошлади.

— Вой, тирсағи... тирсағини айтмайсанми, оёғидан ҳам бадтар қаттиқ экан! — деб ингради бошқа бола: у Пиноккиони масхара қилгани учун қорнидан зарба еган эди.

Қисқаси, Пиноккио бир болани тепиб, яна бир болани тирсағи билан ниқтаганидан кейин зум ўтмай, мактабдаги ҳамма болаларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Ҳамма унга ён босиб, у билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди.

Ўқитувчи ҳам Ёғоч Болани мақтарди, чунки унинг зийрак, тиришқоқ ва фаросатли ўқувчи эканини, ҳаммаша мактабга ҳаммадан эрта келиб, танаффусга кўнгироқ чалинганида ҳаммадан кейин ўрнидан туришини кузатиб келатган эди.

Пиноккионинг биттаю битта камчилиги бор эди: у мактабдаги ўқишни ҳам, бошқа бирон иш қилишни ҳам хоҳламайдиган учига чиққан такасалтанг болалар билан оғиз-бурун ўнишгудек иноқлашиб олган эди.

Ўқитувчиси уни ҳар кун оғоҳлантирар, саховатли Пари ҳам бир эмас, бир неча марта унга танбех берган эди:

— Кўзингни оч, Пиноккио! Мактабда ёмон болалар билан ўртоқ бўлгансан, аммо бир кун эмас, бир кун улар сени шундай йўлга бошлашадик, оқибат илм олишдан ҳафсаланг пир

бўлади. Ҳаттоки, улар сени бирон машъум фалокатга дучор қилишлари ҳам мумкин.

— Ҳайронман, нимадан хавотир оласиз? — деди Ёғоч Бола елкаларини учуриб, сўнг кўрсатгич бармоғи билан ўз пешонасига дўқиллатиб уриб қўйди, бу билан у: «Қалламда, худога шукр, миям лиқ-лиқ!» — демоқчи бўлса керак.

Мана, ниҳоят, кунларнинг бирида у мактабга кета туриб бир гала ўртоқларига рўпара келди.

— Янгиликни эшитгандирсан? — деб сўрашди болалар.

— Йўқ.

— Соҳил яқинида, денгизда худди тоғдек келадиган баҳайбат бир акула пайдо бўлганмиш.

— Ростданми?.. Бечора отам сувга чўккан пайтда шу атрофда бир акула сузиб юрган экан. Бу — ўша акула бўлса-я?

— Бўлса бордир. Биз акулани томоша қилгани кетяпмиз. Сен ҳам борасанми?

— Йўқ, мактабга боришим керак.

— Э, қўйсанг-чи, ўша мактабингни! Эртага борсак ҳам бўлаверади. Бир кун кўп ўқидик нима-ю, кам ўқидик нима... бари бир, ҳозир қандай тўнка бўлсак, кейин ҳам шу тўнкалигимизча қолаверамиз!

— Ўқитувчимиз нима деркин?

— Ўқитувчи нима деса деяверсин. У ҳар куни бизни қойигани учун маош олади.

— Ойим билсалар-чи?

— Ойинг ҳеч нимани билмайди, — дейишди Пиноккионинг ёмон ўртоқлари.

— Бўлмаса, мен бундай қиламан: Акулани мен, баъзи сабабларга кўра, албатта кўришим керак... лекин дарсдан кейин.

— Вой, манови галварсни қаранглар! — деб шанғиллашди зумраша болалар. — Нима, шундоқ каттакон балиқ, қачон Ёғоч Бола келаркин, деб кутиб ўтирармиди сени? Бир ерда туриш жонига теккан заҳоти уйига сузиб кетади-ю, кейин уни тушингда ҳам кўра олмайсан!

— Денгиз узоқми бу ердан?

— Бир соатда бориб келса бўлади.

— Бўлмасам, диққат, болалар! Қани, олға! Қим ўзарга чопдик! — деб чинқирди Пиноккио.

Шу команда бўйича ҳамма зумрашалар китоб, дафтарларини қўлтиқлашганча кенг дала ни тикка кесиб, ғизиллаб югуриб кетишди, Пиноккио бўлса, ҳаммадан олдинда худди қанот боғлагандек учиб борарди.

У аҳён-аҳён орқасига ўгирилиб, анча кейинда қолиб кетган ўртоқларини мазах қилиб куларди. Уларнинг бошдан-оёқ чангга ботиб, тилларини осилтириб, ҳаллослаганча қора терга ботиб келаётганини кўриб ҳузур қилиб куларди. Лекин бу шўрпешона бола қандай мудҳиш ва кўнгилсиз воқеалар сари елиб бо- раётганини ҳали ўзи ҳам билмас эди.

## XXVII. Пиноккио ўртоқлари билан муштлашади, бунинг натижасида болалардан бири яраланади. Полиция Пиноккиони қўлга олади



Пиноккио соҳилга етиб борган заҳоти, денгизга кўз югуртирди. Лекин денгизда ҳеч қандай аюла кўринмас эди. Унинг сатҳи осойишта—улкан биллур кўзгудек сип-силлик эди.

— Қани айтган аюланглар? — деб сўради Пиноккио ўртоқларидан.

— Нонуншта қилаётган бўлса керак, — деди болалардан бири мийигида кулиб.

— Ё бўлмаса, бир оз мизгиб, дам олаётгандир, — деб ҳиринглади иккинчи бола.

Пиноккио бу тутуруқсиз жавоб ва бемаъни ҳиринглашлардан, ўртоқларим кўпол ҳазил қилиб, мени лақиллатишини-да, деган хулосага борди. Аччиғи чиқиб, уларга ўдагайлай кетди:

— Хўш? Йўқ аюла ҳақида бемаъни чўпчак тўқишнинг нима кераги бор эди?

— Бунинг сабаби бор, — деб жавоб қилишди болалар бир оғиздан.

— Қанақа сабаб?

— Мана, сен дарсни қолдириб, биз билан буёққа келдинг. Нима, бир кунни ҳам қанда қилмай, нуқул мактабга қатнагани уялмайсанми? Дарсларни ҳадеб тиришқоқлик билан ўқийвергани уялмайсанми?

— Менинг қандай ўқишим билан нима ишларинг бор?

— Нега ишимиз бўлмас экан? Сен туфайли ўқитувчимиз бизни ёмон кўриб қолди.

— Нима учун?

— Чунки тиришқоқ ўқувчилар бизга ўхшаган ўқишни ёмон кўрадиган болаларни ҳамиша ёмон аҳволга солиб қўяди. Биз бўлсак, ёмон аҳволга тушишни истамаймиз: бизнинг ҳам ўзимизга яраша ғуруримиз бор!

— Бўлмасам, мен нима қилишим керак?

— Сен ҳам ўқувчиларнинг учта энг ашаддий душманидан, яъни мактабу дарсу ўқитувчидан нафратланишинг керак.

— Борди-ю, мен бундан кейин ҳам тиришқоқлик билан ўқийверсам-чи?

— Унда сендан нўм чиқамиз, кейин, пайти келганда бошлаб қасдимизни оламиз.

— Бўлмаган гап, — деди Ёғоч Бола ва бошини чайқаб қўйди.

— Эҳтиёт бўл, Пиноккио, — деб чинқирди зумрашалар орасида энг бўйдори, — кеккайишингга ҳам, чақимчи бўлишингга ҳам йўл қўймаймиз! Биздан кўрқмасанг, биз ҳам сендан сира кўрқмаймиз. Билиб қўй: сен бир ўзингсан, биз еттитамиз.

— Етти қароқчи, — деди Пиноккио ва хохлаб кулди.

— Эшитдингларми, болалар? У бизларни ҳақорат қилди? Ҳаммамизни қароқчи деб мазах қилди.

— Пиноккио, сўзингни қайтиб ол, бўлмаса, ҳолингга маймунлар йиғлайди!

— Ҳе-хе! — деди Ёғоч Бола ва ўртоқларини масхара қилиб бармоғини бурнининг учига қўйди.

— Пиноккио, ўзингга ёмон бўлади!

- Ҳи-ҳи!
- Ҳозир пўстағингни қоқамиз!
- Ҳи-ҳи!
- Бурнингни пачақлаб ташлаймиз!
- Ҳи-ҳи!

— Мана сенга ҳи-ҳи! — деб бақирди танбал болалар ичида энг довюраги. — Қулоғиннинг тагида бир шавла қайнатайки, эртага ноушта қилишингга ҳам етсин. — Шундай деб у Пиноккионинг бошига мушт туширди.

Лекин бу зарбага Ёғоч Бола шу заҳотиёқ муштларини ишлатиб жавоб қайтарди: аёвсиз жанг бошланди.

Пиноккио ёлғиз бўлса ҳам, ўзини худди шердек ҳимоя қиларди. У асл нав ёғочдан ишланган метиндек қаттиқ оёқларини шунақа эпчиллик билан ишга солар эдики, душманлари ўзларини ундан анча нарироққа олиб қочишга мажбур бўлардилар. Чунки Пиноккионинг оёғи теккан ер кўкариб, мўматалоқ бўларди.

Ёғоч Болага яқин келолмаганлари болаларга алам қилиб, энди улар олисдан «снаряд» отишга ўтдилар: улар ўзларининг алифбе, грамматика, арифметика дарсликлари борми, «Жаннеттини», «Минуцоли» деган китоблари борми, Туарнинг ҳикоялари-ю, Бачинининг «Пульчино»си борми — хуллас ҳамма дарслик китобларни Ёғоч Бола устига ёғдира бошладилар. Лекин эпчил ва абжир Пиноккио учиб келаётган китобга ҳар сафар чап бериб қолар, натижада, ҳамма китоблар унинг тепасидан учиб ўтиб, тўппа-тўғри денгизга бориб тушарди.

Буни кўриб, денгиздаги балиқлар нима қилди денг! Улар китобларни мазали овқат деб ўйлашиб, гала-гала бўлишиб, сув бетига сузиб чиқа бошлашди. Лекин китобнинг бирон варагини ё муқовасини татиб кўришлари билан



дарров туфлаб ташлаб: «Биз бунақа бемаза зиёфатга ўрганмаганмиз!» — демоқчи бўлишгандай оғизларини қийшайтиришди.

Жанг эса, тобора авжга чиқаверди. Бу пайт сувдан каттакон қисқичбақа ўрмалаб чиқди: у соҳил тсмон аста тисарилиб келаркан, худди тумов бўлгандек дўриллади:

— Ҳей, эси паст танбаллар, қани, дарҳол бас қилинлар олишувни! Болаларнинг бунақа олишуви, одатда, яхшилиқ билан тугамайди. Бирон фалокатни бошлаб ўтирманглар, тагин!

Шўрлик қисқичбақа! Унинг бу танбехлари худди шамол ё тўлқинларга айтилгандай, болаларга зиғирча ҳам таъсир қилмади. Беҳаё Пиноккио унга ўқрайиб қараб ўдағайлаб берди:

— Ўчир овозингни, мижғов қисқичбақа! Яхшиси, бир жуфт конфет еб ол — йўталингга дори бўлади, зора-мора шу билан хирқирок овозинг сал очилса. Ё бўлмаса, каравотга ётиб. яхшилаб терла!

Шу пайт отишга бошқа китоблари қолмаган болалар Ёғоч Боланинг сал нарироқда ётган папкасини кўриб қолишди ва хаш-паш дегунча уни қўлга киритишди.

Пиноккионинг китоблари орасида қирралари ва шерозасига чарм қопланган қалин картон муқовали китоб бор эди. Бу арифметика дарслиги эди. Бу китобнинг қандай оғирлигини сезаётган бўлсангиз керак, болалар!

Такасалтанг болалардан бири шу зилдай оғир китобни кўтарди-да, Пиноккионинг калласини мўлжалга олиб, кучининг борича қулочкашлаб туриб отди. Лекин китоб Ёғоч Болага эмас, шерикларидан бирининг бошига бориб тегди. Зарба еган бола доқадай оқариб кетиб:

— Ойижон... ойи... ёрдам беринг, ўляпман! — дея олди, холос.

Шундан кейин «гурс» этиб қумга йиқилди.

Чўзилиб ётган ўликни кўрган болалар қўриқиб кетишиб, ҳар томонга тирақайлаб қочишди, бир неча минут ичида ҳаммаларининг қораси ўчди-қолди.

Бироқ Пиноккио кетмади. Гарчи кўрқув ва даҳшатдан жони чиқаёзган бўлишига қарамай, дастрүмолини денгиз сувига ҳўллаб, шўрлик синфдошининг пешонасига қўйди. Кейин унинг номини айтиб юм-юм йиғлай бошлади:

— Эженио, о бечора дўстим Эженио!.. Кўзингни оча қол, ўртоқжон, менга бир қара!.. Нега гапларимга жавоб бермаяпсан? Ахир сени мен урганам йўқ-ку! Ганимга ишон, мен эмас сени урган!.. Кўзингни оч, Эженио! Агар кўзингни очмасанг, мен ҳам ўламан... Э, тангрим! Энди уйимга қандай қайтиб бораман? Мехрибон ойижонимнинг кўзига қандай кўринаман?.. Энди ҳолим нима кечади? Қаёққа бош олиб кетай? Қаерга яшириниб жон сақлайман?.. О, бу ёққа келгандан кўра мактабга борсам яхши бўлмасмиди... Минг марта яхши бўларди! Нега энди мен, келиб-келиб, бошимга бало бўлган шу ўртоқларимнинг гашига кирдим! Ўқитувчим ахир бу ҳақда огоҳлантирган эди-ку, мени! Ойим ҳам ҳамиша: «Ёмон ўртоқларингдан ўзингни четга олиб юр!» -- деб танбех берар эдилар. Лекин мен гирт аҳмоқнинг ўзгинасиман. Бошқалар айтган гапга қулоқ соламан-у, лекин ўз билганимча иш тутаман. Кейин, шу ўзбошимчалигим учун таъзимимни ейман... Бутун ҳаётим давомида ақалли ўн беш минутгина ҳам тинч-хотиржам яшамабман-а. Э худо, энди ҳолим нима кечади? Энди нима

деган одам бўлдим, нима деган одам бўлдим энди?

Шундан кейин Пиноккио яна ув тортиб, дод солиб йиғлай бошлади, муштлари билан бошига «гурс-гурс» ураркан, нуқул шўрлик Эженионинг отини атаб саннарди. Бирдан унинг қулоғига яқинлашиб келаётган оёқ товуши эшитилди.

У орқасига ўгирилиб, бу томонга келаётган икки полициячини кўрди.

— Нима учун ерда чўзилиб ётибсан? — деб сўрашди улар Пиноккиодан.

— Мактабдош ўртоғимга ёрдам қиляпман.

— Нима, мазаси йўқми?

— Шунақага ўхшайди.

— Ие, «мазаси йўқ» ҳам гапми! — деб полициячилардан бири Эженионинг тепасига келиб энгашди ва уни диққат билан кўздан кечирди. — Бу боланинг чаккаси жароҳатланибди-ку. Қим қилди буни?

— Мен эмас! — деб чийиллади Ёғоч Бола: кўрққанидан унинг юраги орқасига тортиб кетган эди.

— Хўш, сен бўлмасанг, унда ким?

— Мен эмас, — деб такрорлади Пиноккио.

— Ўзи нимадан яраланди у?

— Манави китоб тегиб кетди. — Ёғоч Бола қирраларига чарм қопланган картон муқовали арифметика китобини ердан олиб полициячига кўрсатди.

— Хўш, кимнинг китоби бу?

— Меники.

— Шунинг ўзи кифоя. Бошқа ҳеч қандай далилнинг ҳожати йўқ. Қани, ўрнингдан тур дарров, биз билан кетасан!

— Ахир мен...

— Кетдик!

— Лекин менда айб йўқ...

— Юр, деяпман!

Полициячилар соҳил ёқалаб қайиқда сузиб ўтаётган балиқчиларни чақириб, уларга бундай дейишди:

— Манави болани сизларнинг ихтиёрингизга қолдирамиз. У бошидан яраланган. Уни уйингизга олиб бориб, парвариш қилиб турунг. Биз эртага қайтиб келиб у билан шуғулланамиз.

Кейин улар яна Пиноккиога яқин бориб, унинг икки қўлидан ушлашди-да, ҳарбийчасига команда беришди:

— Олға! Шаҳдам-шаҳдам! Бўлмаса, таъзингни ейсан!

Ёғоч Бола ҳам команданинг такрорланишини кутиб ўтирмай, қишлоққа олиб борувчи торгина йўлдан пилдираб юриб кетди. Бечора боланинг аҳволи ниҳоятда танг эди. Унинг ҳаёти худди тушга, туш бўлгандаям, ёмон тушга ўхшаб кўринарди! У бутунлай эсанкираб қолди. Унинг кўз олди хиралашган, оёқлари қалтирар, тили танглайига ёпишиб қолиб, бирон сўз айтишга ҳам мажоли қолмаган эди. Лекин шундай аҳволда ҳам ўзининг саховатли Пари турган уй олдидан икки полициячи кузатувида ўтишини ўйлаб, виждон азобидан қаттиқ қийналарди. «Бу кунимдан ўлганим минг марта яхши эди», деб ўйларди у.

Мана улар қишлоқ чеккасига етиб келишди, шу маҳал бирдан «ғув» этиб эсиб келган шамол Пиноккионинг бошидан қалпоғини учириб, ўн кадамча нарига олиб бориб ташлади.

— Рухсат этинг, — деб мурожаат этди Ёғоч Бола полициячиларга, — қалпоғимни олай.

— Майли, бора қол, фақат тезроқ.

Ёғоч Бола чопиб бориб қалпоғини ердан олди. Лекин уни бошига кийиш ўрнига, тишлаб олди-

да, орқасига, денгиз томонга худди милтиқдан отилган ўқдай учиб кетди.

Полициячилар бу болага қувиб етиш осон бўлмаслигини тушунишиб, унинг орқасидан хирсдай келадиган бир изқувар кўппакни қўйиб юбордилар. Бу кўппак итлар учун уюштирилган ҳамма мусобақаларда югуриш бўйича доим биринчи совринга сазовор бўларди. Пиноккио тез чопиб борарди, лекин кўппак ундан ҳам тезроқ югурарди. Бу ваҳшиёна пойганинг нима билан тугагини кўриш учун қишлоқ аҳли деразалар олдига тўпланган, баъзилар ҳатто кўчага отилиб чиқишган эди. Лекин томошани кузатиб бўлмади, чунки Пиноккио билан кўппак йўлни шунақанги чангитиб юборишгандики, бир неча минутдан кейин йўлда ҳеч нима кўринмай қолди.

## XXVIII. Пиноккиони балиқ деб ўйлаб, товада қовурмоқчи бўладилар



Мана шу даҳшатли пойга пайтида Пиноккио бир секунд, атиги бир зумгина жонидан умидини узди, чунки бу пайт Алидоро (изқувар кўппакнинг оти шунақа эди) унга етай-етай деб қолган эди.

Ёғоч Бола орқасида даҳшатли ҳайвоннинг

ҳарсиллашини эшитди, ҳатто унинг иссиқ нафасини ҳам ҳис қила бошлади.

Яхшиямки, у соҳилга етиб қолган эди, бир неча қадам нарида денгиз мавжланиб ётарди.

Ёғоч Бола қирғоққа етиб борган заҳоти, худди чўртан балиққа ўхшаб, жуда аломат бир сакраш қилди ва қирғоқдан анча нарига шалоплаб тушди. А идоронинг-ку, сира ҳам сувга тушгиси йўқ эди лекин тез югуриб келаётганидан ўзини тўхтата олмай, у ҳам «шалоп» этиб сувга тушиб кетди. Қаранг-ки, шўрлик сузишни билмас экан. У чўкмаслик учун жон ҳолатда оёқларини питирлата бошлади, лекин у сувни қанча шалоплатган сари, шунча тезроқ чўка бошлади.

Мана, у бошини бир сувдан чиқарганида, кўзлари ола-кула бўлиб акиллади:

— Чўкянман, чўкянман!

— Чўксанг, садқаи сар! — деди унга анча нарида сузиб юрган Пиноккио, энди у фалокатдан қутилган эди.

— Жон Пиноккио, менга ёрдам бер!.. Қутқар мени ўлимдан!..

Пиноккио, аслида раҳмдил бола эмасми, кўп-пакнинг аянчли илтижосини эшитиб унга:

— Агар қутқарсам, орқамдан қувмасликка, мени тинч қўйишга сўз берасанми? — деб қичқирди.

— Сўз бераман! Сўз бераман! Фақат, тезроқ кел, илтимос! Яна ярим минутга кечиксанг адоий тамом бўламан!

Пиноккио бир зум ўйланиб қолди. Сўнг отасининг: «Бировга яхшилик қилсанг, ҳеч кам бўлмайсан», деганини эслаб, Алидоро томон сузиб кетди ва унинг думидан ушлаб олиб, эсон-омон қирғоққа тортиб чиқарди.

Бояқиш ит оёғида тура олмас эди. Ичига бир олам шўр сув кирганидан, худди пуфакдек шишиб кетган эди. Пиноккио бўлса, бари бир бу итга унчалик ишонмаганидан, вақт борида, яна денгизга сакрашни афзал кўрди. У қирғоқдан анча нарига сузиб боргандан кейин, хозиргина ўзи сувдан олиб чиққан кўшпакка:

— Хайр, Алидоро! Оқ йўл тилайман сенга, саломат бўл! — деб қичқирди.

— Хайр, Пиноккио! — деб жавоб қилди кўшпак ҳам. — Мени ўлимдан қутқариб қолганинг учун минг раҳмат сенга! Сен менга жуда зўр яхшилик қилдинг, яхшилик ҳаминша тақдирланади. Қим билсин, балки ҳали яна учрашиб қолармиз.

Пиноккио соҳил ёқалаб сузиб кетди. Ниҳоят, у бежавотир ерга келдим деб ўйлаб, атрофига кўз югуртираркан, бир қоя остидаги ёрға кўзи тушди: ёрдан буруқсаб тутун чиқаётган эди.

«Бу ёрға, — деб ўйлади у, — гулхан ёнаётганга ўхшайди. Жудаям яхши-да! Исиниб, кийим-бошимни қуритиб оламан, кейин... бўлганича бўлар».

Шундай қарорга келиб, қоя томон сузиб

кетди. У эндигина ўша қояга тармашиб чиқмоқчи бўлганида, бирдан сув остидан бир нима кўтарилди-ю, уни ҳам судраб кетди. У қочишга уриниб кўрди, аммо кеч бўлган эди, чунки у жон ҳолатда питирлаб, думлари билан сувни тинмай шапиллатаётган бир дунё ҳар хил тоифадаги катта-кичик балиқлар билан бирга каттакон тўрға тушиб қолган эди. Бу ҳол уни қаттиқ ҳайратга солди, албатта.

Шу пайт у бояги ғордан чиқиб келаётган балиқчини кўрди, балиқчи шунақанги бадбашара... шунақанги хунук, бедаво эдики, худди денгиз алвастисига ўхшарди. Бошидан соч ўрнига бир тутам ям-яшил ўт ўсиб чиққан, умуман, бошидан оёғигача ҳаммаёғи ям-яшил эди, кўзлари ҳам, узундан-узун соқоли ҳам яшил рангда эди. Гўё икки оёғида тик турган баҳайбат калтакесакка ўхшарди.

Балиқчи тўрни сувдан тортиб олиб, жудаям хурсанд бўлиб:

— Бахтим бор экан! Бугун балиққа роса тўядиган бўлдим! — деди.

«Яхшиям, балиқ эмасман», — деб ўйлади Пинноккио ва бир оз кўнгли жойига тушди.

Балиқчи балиқ тўла тўрни орқалаб, ис босган, қоп-қоронғу ғорға олиб кирди. Ғор ўртасида товада денгиз ҳайвонларининг бадбўй ёғи доғ бўлиб вижирларди.

— Қани, энди кўрайлик-чи, тўримизга қанақа балиқлар илинган экан, — деди Яшил Балиқчи. У куракдек келадиган каттакон қўлини тикиб, тўрдан бир нечта қизилсоқол балиқни олди. — О, ғоят ажойиб қизилсоқоллар! — деб у балиқларни ҳузур билан ҳидлади.

Ҳидлаб бўлиб, уларни ёнида турган бўш хумчага ташлади.

Балиқчи бу ҳаракатини бир неча марта так-



рорлади. Ҳар сафар у тўрдан балиқ оларкан, ўзини ўзи ҳали қандай зиёфат қилишини кўз олдига келтириб, оғзи қулоғида дерди:

- Қандай ажойиб треска балиғи!
- Қандай латофатли кефаль балиғи!
- Қандай гўзал қалқонбалиқ!
- Қандай ноёб денгиз олабугаси!
- Қандай бежирим сардинкалар!

Лекин мен сизларга айтсам, болалар, треска ҳам, кефаль ҳам, қалқонбалиқ ҳам, олабугаю сардинкалар ҳам — ҳаммаси боя қизилсоқол балиқлар солинган хумчага ташланаверди.

Тўрдан энг охирида олингани — Пиноккио бўлди.

Балиқчи уни кўрди-ю, йирик-йирик яшил кўзларини бақрайтирганча ҳанг-манг бўлиб қолди. Сўнг қўрқа-писа:

— Во ажаб, бу қанақа балиқ бўлди? Илгари бунақа балиқни еганманми-йўқми, ҳеч эслол-маяпман! — деди.

Шундай деб у Пиноккиони диққат билан кўздан кечира бошлади.

Ниҳоят уни бошдан-оёқ кузатиб бўлгач:

— Бўлди, тушундим. Бу, назаримда, денгиз қисқичбақаси бўлса керак, — деди.

Пиноккио, ўзини қисқичбақага ўхшатганларидан хафа бўлиб, жаҳл билан:

— Ие, қисқичбақа деганингиз нимаси? Нега менга бундай муомала қиляпсиз? Билмасангиз, билиб қўйинг: мен Ёғоч Бола бўламан, — деди.

— Ёғоч Бола? — деб такрорлади балиқчи. — Очиғини айтсам, ҳали шу пайтгача бунақа балиқни кўрмаган эдим. Қайтага, яхши бўлди — сени янгилик сифатида, зўр иштаҳа билан ейман.

— Мени ейсизми?. Мен ҳеч қанақа балиқ эмасман ахир, наҳотки тушунмаётган бўлсангиз?

Нима, кўрмаяпсизми, ахир мен ҳам худди сизга ўхшаб гапиряпман-ку?

— Жуда тўғри гапирдинг, — деб тасдиқлади балиқчи. — Майли, сен ҳам менга ўхшаб гапирадиган, фикр юритадиган балиқ экансан, ўз мартабангга яраша эъзозлайман.

— Қандай эъзозлайсиз?

— Сенга бўлган дўстона ҳурматим ҳаққи, қай усулда пиширилишингни майли, ўзинг танлай қол. Хўш, айт-чи, товада қовурайми ёки мўндида пишириб, устингдан помидор қовуриб қуяйми?

— Агар виждонан, «ўғил бола» гап қиладиган бўлсак, — деб жавоб берди Пиноккио, — танлаш ҳуқуқи менга берилдими, демак, яхшиси, мени қўйиб юборинг, уйимга кетай.

— Ҳазиллашяпсан шекилли? Шундай камёб балиқ қўлимга тушади-ю, уни татиб кўриш имкониятидан маҳрум бўлайми? Ёғоч Одам турига мансуб бўлган балиқлар бизнинг сувимизда ҳар куни учрайвермайди. Хўп десанг, сени ҳамма балиқларга қўшиб товада қовура қолай — кейин хурсанд бўласан. Кўплашиб қовурилиш кўнгиллироқ бўлади ҳамиша.

Бечора Пиноккио қовурилиш дарагини эшитиб, юм-юм йиғлаб, нола чека бошлади. Дув-дув кўз ёши тўкиб бундай деди:

— Мактабга борсам бўлмасмиди... Мен аҳмоқ ўртоқларимнинг гапига кириб, мана, оқибат, адабимни еяпман. У-у-у, у-у-у!..

У Яшил Балиқчининг панжасидан қутулиш учун илондек тўлғаниб, питирлайвергач, балиқчи бир тутам чайир қамиш олиб, Пиноккионинг оёқ-қўлини чандиб боғлади-да, хумчадаги балиқлар устига ташлади.

Кейин ун солинган қаттакон ёғоч лаганни рўпарасига қўйиб, хумчадаги балиқларнинг ҳам-

масини шу лаганга ағдарди. Энди ҳар бир балиқ унга беланиб, кетма-кет товага туша бошлади.

Вижирлаб қайнаб турган ёғда энг аввал шўрлик қизилсоқол балиқлар қовурилди, улардан кейин жажжи олабугалар, улардан сўнг, бирма-бир треска, кефаль, сардинка балиқлари ёққа тушди. Ниҳоят, навбат Пиноккиога келди. Ўзининг ажал ёқасида (ажал бўлгандаям, энг даҳшатли ажал ёқасида) турганини кўриб, даҳшатга тушган бола бечора бир оғиз ҳам гапиролмади...

Фақат кўзлари шафқат сўраётгандай мўлтирарди. Лекин Яшил Балиқчи бунга парво ҳам қилмади. У Пиноккиони беш-олти марта унга булғаб олди, шунда Ёғоч Бола худди гипсдан ясалган кўғирчоқдек бошдан-оёқ оппоқ бўлди-қолди.

Кейин Яшил Балиқчи унинг бошидан ушлаб, энди товага...

**XXIX. Пиноккио Парининг уйига қайтади. Паринга, эртадан бошлаб Ёгоч Бола эмас, ҳақиқий ўгил бола бўласан, деб сўз беради. Бу муҳим воқеа шарафига уюштирилган катта зиёфат**



Балиқчи Пиноккиони эндигина товага ташламоқчи бўлиб турганида, бирдан ғорга каттакон кўппак кириб келди: уни қовурилаётган балиқ ҳиди бошлаб келган эди бу ерга.

— Тур, кет! — деб ўдағайлади унга ҳали ҳам Пиноккиони кўлида ушлаб турган балиқчи.

Лекин қорни ўлгудек оч ит худди: «Озгина қовурилган балиғингдан берсанг, сени тинч қўяман», демоқчи бўлгандай ириллар ва ҳадеб думини ликиллатар эди.

— Тур, кет! — деб такрорлади балиқчи ва уни тешиб ҳайдамоқчи бўлди.

Лекин ит бундай қўпол муомалага одатланмаган эди. У қаттиқроқ ириллаб, балиқчига даҳшатли тишларини кўрсатди.

Шу пайт ғорда кимнингдир ингичка заиф овози зўрға эшитилди:

— Алидоро, мени қутқар! Агар қутқарманг, ўламан!

Кўппак Пиноккионинг овозини дарров таниди, лекин бу овоз балиқчининг муштидаги бир зувала хамирдан чиқаётганини кўриб, ҳайрон бўлганидан оғзи очилиб қолди.

Хўш, кўппак нима қилди денг? У бир сакраб ўша зувалани оҳиста тишлаб олди ва ғордан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

Балиқчи, ўзи ейишга шайланган балиқни олиб қочиб кетишганидан фигони чиқиб, кўшпак орқасидан қува кетди. Лекин бир неча қадам югургач, йўтали тутиб қолди-ю, орқасига қайтишга мажбур бўлди.

Алидоро бўлса, бу пайт қишлоққа бориладиган йўлдан зингиллаб борарди. Мана, у йўл ёқасида тўхтаб, Пиноккиони оҳиста ерга қўйди.

— Сенга қандай миннатдорчилик билдирсам экан! — деди Пиноккио.

— Миннатдорчиликнинг ҳеч кераги йўқ, — деб жавоб қилди ит. — Сен мени бир марта ўлимдан қутқариб қолдинг. Шуни билки, яхшилик ҳеч қачон унутилмайди. Дунёдаги жамики жонзотлар бир-бирларига ёрдам қилишлари керак.

— Горга қандай бориб қолдинг ўзи?

— Мен шу чоққача қирғоқда ер парчин бўлиб, сулайиб ётган эдим, бирдан шамол эсиб, димоғимга қовурилаётган балиқнинг хушбўй исини олиб келди. Шу исдан иштахам карнай бўлиб, горга бориб қолибман. Агар бир минут кечикканимда борми...

— Э, асти гапирма! — деб чинқирди Пиноккио, даҳшатдан қора терга ботиб, — сира-сиратилингга олма! Агар бир минут кечикиб борганингдами, мен аллақачон ёгда қовурилиб, шу пайтгача балиқчининг қорнида ҳазм бўлиб кетган бўлардим. У-у-у!.. Бу ҳақда ўйласам аъзойи баданим даг-даг титрайди!

Алидоро жилмайиб, Ёғоч Болага олдинги ўнг панжасини узатди. Пиноккио унинг панжасини дўстона сиқди.

Шундан сўнг улар хайрландилар.

Ит уйига жўнаб кетди, яна бир ўзи шўншайиб қолган Пиноккио узоқда кўриниб турган кулба томон йўл олди. Кулба остонасида бир қария ўзини офтобга солиб ўтирарди.

— Муҳтарам зот, — деб мурожаат қилди унга Пиноккио, — бошидан яраланган Эженио исмли бир бечора бола ҳақида ҳеч нима эшитмадингизми?

— У болани балиқчилар кулбаларига олиб кетишган эди, энди у...

— Ҳлдимми?.. — деб аянчли овоз билан чолнинг сўзини бўлди Пиноккио.

— Йўқ. Энди у соппа-соғ, ҳозир уйда.

— Ростданми? Шу гапингиз ростми? — деб чинқирди Ёғоч Бола ва севиниб кетганидан ўмбалоқ ошиб сакради. — Бундан чиқди, яраси хавфли эмас экан-да?

— Яраси жудаям хавфли эди, ҳатто ўлиб қолишиям мумкин эди, — деб жавоб қилди чол, — нега десанг, муқоваси қалин картондан ясалган аттакон китоб билан уришган экан унинг бошига.

— Ким урипти ўша китоб билан?

— Мактабдош ўртоқларидан Пиноккио деган бир бола.

— Ким экан ўзи ўша Пиноккио? — деб сўради Ёғоч Бола ўзини гўлликка солиб.

— Ўлгудай бемаза, ялқов, учига чиққан безори бир нусха дейишади.

— Бўлмаган гап, қин-қизил тухмат бу!

— Нима, ўша Пиноккиони танийсанми?

— Бир марта кўрган эдим, — деб жавоб қилди Ёғоч Бола.

— Хўш, сен қандай фикрдасан ўша Пиноккио тўғрисида? — деб сўради чол.

— Менимча, у яхши бола, тиришқоқ, мўминқобил, ундан кейин, у отасини, яна бутун оила аъзоларини жуда ҳурмат қилади...

Ёғоч Бола уялмай-нетмай, шунча ёлғонни қаторлаштириб ташлади-ю, бирдан эсига тушиб,

бурнини ушлади — бурни бир энлик узайган эди. Шунда у қўрқиб кетиб, чинқира бошлади:

— Пиноккио ҳақида айтган яхши гапларимнинг биронтасига ҳам ишонманг, о муҳтарам зот! Мен ўша Пиноккиони жуда яхши биламан, сизни ишонтириб айтаманки, у чиндан ҳам бемаза бола, бунинг устига, тарбиясиз, ишёқмас ҳам. У мактабга бориб илм олиш ўрнига, тўполон қилиб, муштлашгани денгиз бўйига борган эди.

Пиноккио шу гапларни айтиб бўлиши билан, бурни яна аввалги ҳолига тушди.

— Сен нега бунақа оппоқсан? — деб дабдурустдан сўради чол.

— Биласизми... сизга очиғини айтсам, мен билмасдан янги оқланган деворга суюнган эканман, — деб жавоб қилди Ёғоч Бола.

Чунки у, мени балиққа ўхшатиб товада қовуриш учун унга булғашди, деб айтишга истиҳола қилган эди.

— Хўш, унда кийим-бошинг: камзулинг, иштонинг, қалпоғинг қани?

— Йўлда ўғриларга дуч келиб қолдим, ўшалар мени тўнашди... О, марҳаматли бобо, уйимга етиб олиш учун сизда мабодо биронта эски-туски кийим топилмайдими?

— Бўтам, менда кийим-кечак йўқ, лекин битта ловия халтам бор. Хоҳласанг, олишинг мумкин. Ҳов ана.

Пиноккио бу жавобни эшитган ҳаманоқ, гизиллаб бориб, халтани қўлига олди-да, уни қайчи билан қийиб, туби ҳамда икки ёнидан тешик очди ва кўйлак ўрнига кийиб олди. Сўнг мана шу ғарибона либосда қишлоқ томон йўл олди.

Лекин кета туриб, йўлда у виждон азобидан қийнала бошлади. У олдинга бир қадам қўйса, ўзича мулоҳазага бориб, яна орқасига тисариларди.

— Қай бетим билан саховатли Парининг кўзига кўринаман? — дерди у ўзига ўзи. — Мени шу аҳволда кўрса нима деркин?.. Иккинчи марта гуноҳимни кечирармикин?.. Йўқ, турган гап, кечирмайди, йўқ, сира кечирмайди! Тўғри қилади, негаки, мен ярамас боламан. Нуқул сўз бераман-у, ҳеч сўзимнинг устидан чиқмайман!

У қишлоққа етиб борганида зим-зиё тун эди. Ҳаво айниб жала қуя бошлади, лекин Пиноккио Парининг эшигини тақиллатишга қарор қилиб шаҳдам-шаҳдам кетиб борарди.

Бироқ эшик олдига етиб борганида, бирдан бояги довюраклиги гойиб бўлди, натижада у эшикни тақиллатиш ўрнига, яна йигирма қадамча орқага тисарилди. Кейин яна эшик тагига келди, лекин уни тақиллатишга юраги дов бермади. Учинчи марта ҳам шундай бўлди. Ниҳоят, у тўртинчи марта юрак ютиб, қалтироқ кўли билан эшик халқасидан ушлаб бир марта оҳистагина тақиллатди.

Шундан сўнг, у кутаверди, кутаверди, ниҳоят, орадан ярим соатча вақт ўтганида юқори қаватдаги (уй тўрт қаватли эди) деразалардан бирида чироқ ёниб, каттакон бир Шиллиқ Қурт бошини ташқарига чиқарди. Унинг бошига ёниб турган шам ўрнатилган эди.

— Бемаҳалда эшик қоқаётган ким? — деб сўради Шиллиқ Қурт.

— Пари уйдами? — деб сўради Ёғоч Бола.

— Пари ухлапти, тунда безовта қилманглар, деб айтган. Ўзинг кимсан?

— Менман.

— Мен деганинг ким?

— Пиноккио.

— Пиноккио деганинг ким?

— Ёғоч Боламан. Парининг уйда яшайман.



— Ҳа-а, энди танидим, — деди Шиллик Қурт. — Ҳозир тушиб, эшикни очаман.

— Илтимос, тезроқ бўлинг, бўлмасам, совуқдан ўлиб қоламан!

— Бўтам, мен Шиллик Қуртман, шиллик қуртлар ҳеч қачон шошмайдилар.

Орадан бир соат, кейин икки соат ўтди, аммо эшик ҳамон очилмади. Ҳам совуқдан, ҳам кўрқувдан дағ-дағ титраб турган Пиноккио энди сал дадиллашиб, эшикни қаттиқроқ тақиллата бошлади. У икки марта тақиллатгандан кейин учинчи қаватдаги дераза очилиб, яна ўша Шиллик Қурт кўринди.

— Жон Шиллик Қурт, — деб чинқирди Пиноккио кўчадан туриб, — эшик очишингизни икки соатдан буён кутяпман! Ўзингиз биласиз, бунақа об-ҳавода икки соат худди икки йилдек туюлади. Илтимос, тезроқ бўла қолинг!

— Ўғлим, — деб жавоб қилди Шиллик Қурт ниҳоятда хотиржамлик ва совуққонлик билан, — ўғлим, мен Шиллик Қуртман, шиллик қуртлар ҳеч қачон шошилмайдилар.

Шундан кейин дераза яна ёпилди.

Шу пайт ярим кечага жом чалинди, ундан кейин, соат бирга, сўнг соат иккига ҳам жом чалинди-ю, аммо ёпиқ эшик ҳануз ёпиқлигича тураверди.

Пиноккионинг тоқати тоқ бўлди. У жаҳл устида эшик халқасини ушлаб, бутун уйни ларзага келтиргудек қаттиқ тақиллатмоқчи бўлди. Аммо темир халқа бирдан тирик илонбалиққа айланди-ю, «шилт» этиб унинг қўлидан сирғалиб чиқди-да, шу ердан ўтган ариққа тушиб, кўздан ғойиб бўлди.

— Аҳҳа! — деб чийиллади хуноби чиққан Пиноккио. — Эшик халқаси йўқолдими, унда энди оёғим билан тепиб тақиллатаман!

Шундан кейин у бир оз орқасига тисарилдида, югуриб келиб кучининг борича эшикни тепди. Зарбнинг зўрлигидан, оёғи ярмигача тахта эшикни тешиб кириб қисилиб қолди. Ёғоч Бола оёғини тортиб олишга шунча уринса ҳам, ҳеч уддалай олмади. Оёғи худди қоқилган михдай қимир этмасди.

Бояқиш Пиноккионинг аҳволини тасаввур қилаётган бўлсангиз керак! У кечаси билан бир оёғи ерда, бир оёғи эшикка тиқилган ҳолда «қилт» этмай туришга мажбур бўлди.

Ниҳоят, тонг отиб, кун ёйилиб кетганида эшик очилди. Саховатли Шиллиқ Қуртнинг тўртинчи қаватдан кўча эшиккача тушиб келиши учун бор-йўғи тўққиз соат вақт кетган эди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу вазифани бажариш учун у жонини жабборга бериб ҳаракат қилган эди!

— Нега энди оёғингни эшикка тираб турибсан? — деб сўради у Ёғоч Боладан ва кулиб юборди.

— Фалокат юз берди. Илтимос, муҳтарам Шиллиқ Қурт, бир уриниб кўринг, зора мени бу азобдан қутқара олсангиз...

— Чироғим, бу иш фақат дурадгорнинг қўлидан келади, лекин мен ҳали шу пайтгача дурадгорлик билан сира-сира шуғулланмаганман.

— Бўлмаса, менинг номимдан Паридан илтимос қилинг...

— Пари ухляпти, безовта қилманглар, деб айтган.

— Унда нима қилай? Наҳотки, кун бўйи оёғим эшикка қисилганча тураверсам?

— Бирон иш билан шуғуллан. Масалан, кўчада ўрмалаб юрган чумолиларни сана.

— Ҳеч бўлмаса, менга егулик бирон нима олиб келинг, очликдан силлам қуриб кетди-ку.

— Мана, ҳозир-да! — деб ваъда қилди Шиллик Қурт.

Дарҳақиқат, орадан роса уч ярим соат ўтганида, у бошида кумуш патнис билан Пиноккио олдида пайдо бўлди. Патнисда бир буханка нон, бутун товуқ ва тўрт дона ҳил-ҳил пишган ўрик бор эди.

— Бу нонуштани Пари сизга юборди, — деди Шиллик Қурт.

Бу ноз-неъматларни кўрган ҳамоноқ, Пиноккионинг дили ёришиб кетди. Лекин уларни емоқчи бўлганида, бирдан ноннинг — гипсдан, товуқнинг — картондан, ўрикларнинг — ганчдан ясалганини кўрди-ю, таъби тирриқ бўлди. Ҳолбуки, уларнинг ҳаммаси кўринишдан худди ҳақиқийга ўхшарди!

У алам қилганидан сал бўлмаса йиғлаб юборай деди ва патнисдаги овқатни улоқтириб юбормоқчи бўлди. Лекин бу ишни эплай олмади. Чунки ё қаттиқ изтироб чекканиданми, ё бўлмаса қорнида ҳеч вақо бўлмаганиданми — ҳар қалай, ҳушидан кетиб йиқилди.

У ҳушига келиб, ўзини диванда кўрди. Парининг тепасида турарди.

— Бу сафар ҳам сени кечираман, — деди Пари, — лекин яна бир марта шунақа бемаънилик қиладиган бўлсанг, шўринг қуриydi.

Пиноккио, энди ҳамиша яхши ўқийман, одобли бола бўламан, деб сўз берди, онт ичди. Ҳақиқатан ҳам, йилнинг охиригача онтини бузмади, сўзининг устидан чиқди. Қаникул олдидан ўтказилган имтиҳонларда эса, у ҳатто мактабнинг энг яхши ўқувчиси сифатида мақталди. Унинг хулқи ҳам, умуман, зўр мақтовга сазовор бўлди. натижада хурсанд бўлган Пари унга:

— Мана, ниҳоят, эртага сенинг истагингни бажараман, — деди.

— Қанақа истагимни?

— Эртага сен энди Ёғоч Бола эмас, балки ҳақиқий бола бўласан.


Бу хушxabарни эшитган Пиноккионинг қандай хурсанд бўлганини тасвирлашга тил лол. Унинг ҳамма дўстлари, ўртоқлари шу яқин кунларда Парининг уйида уюштириладиган тантанали маросимга таклиф қилиндилар. Пари меҳмонлар учун икки юз чашка сутли қаҳва қайнатмоқчи, тўрт юзта кулча нон ёшиб, устига ва орасига сарёғ сурмоқчи бўлди. Бу кун ниҳоятда ажойиб ва шодиёна кун бўлиши керак эди, лекин...

Афсуски, ёғоч одамлар ҳаётида доим ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборадиган биронта «лекин» чиқиб туради.

**XXX. Пиноккио ҳақиқий бола бўлиш ўрнига дўсти Пилик билан Тараллабедод Мамлакатига жўнайди.**

Шундан кейин, турган гапки, Пиноккио ҳамма ўртоқларини зиёфатга таклиф қилгани шаҳарга бориш учун Паридан рухсат сўради. Пари ҳам бунга рози бўлиб, тайинлади:

— Майли, бориб ўртоқларингни эртанги кунга таклиф қилиб кел, лекин эсингда бўлсин. уйга қош қораймасдан бурун қайтиб келишинг керак. Гапимга тушундингми?



— Ваъдам қатъий: бир соатда қайтиб келаман, — деб жавоб қилди Ёғоч Бола.

— Эҳтиёт бўл, Пиноккио! Болаларнинг ваъда қилиши осон, лекин кўпинча ваъдаларининг устидан чиқишмайди.

— Лекин мен бошқа болаларга ўхшайман. Ваъда қилдимми, ўлсам ҳам уни бажармай қўймайман.

— Кўрамиз. Агар қулоқсизлик қилсанг, ўзингга ёмон бўлади.

— Нимага?

— Нимагаки, ўзидан ақллироқ одамларнинг гапига кирмаган болалар доим бирон фалокатга йўлиқадилар.

— Буни мен кўп марта ўз бошимдан кечирдим, — деди Пиноккио. — Энди сираям фалокатга учрамайман.

— Кўрамиз. Ишқилиб, гапинг рост бўлсин-да.

Пиноккио бошқа гап сотиб ўтирмай, она ўрнига оналик қилаётган саховатли пари билан хайрлашди-да, хуштак чалиб, дик-дик сакраганча уйдан чиқиб кетди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас, у ҳамма ўртоқларини зиёфатга таклиф қилиб бўлди. Баъзи болалар таклифни жон-жон деб қабул қилишди; бошқа бир хиллари сал-пал таранг қилган бўлишди, лекин сутли қаҳвага ботириб ейиш учун махсус ёпилган кулчаларнинг орасига ҳам, устига ҳам сарёғ сурилиши дарагини эшитишгач, улар ҳам дарров:

— Албатта, сени хурсанд қилиш учун борамиз, — деб рози бўла қолишди.

Пиноккио ҳамма мактабдош ўртоқлари орасида Ромео деган бир бола билан жудаям қалин дўст эди. Ромеонинг лақаби «Пилик» эди. Бу чўпдай озғин, рангпар, рамақижон бола бўлиб, мум шамнинг янги пилигига ўхшаб кетарди.

Пилик бутун мактабда энг ялқов, энг сурбет бола бўлишига қарамай, Пиноккио уни жонидан ортиқ яхши кўрар эди. Мана, у шу Пиликни ҳам зиёфатга таклиф қилгани уйига борди, лекин у уйда йўқ эди. Пиноккио иккинчи, учинчи марта унинг уйига сўраб борди, лекин уни учратмади.

Қаердан қидирса экан? Пиноккио Пиликни қидириб, ҳамма тешикка, ҳамма пасқам жойларга кириб чиқди, ниҳоят уни бир деҳқоннинг бостирмасидан топди.

— Бу ерда нима қиляпсан? — деб сўради Пиноккио.

— Ярим кеча бўлишини кутяпман. Шунда саёҳатга жўнайман.

— Қаёққа?

- Бу ердан жуда-жуда узоқ томонга.
- Мен бўлсам, сени қидириб уйингга уч марга бориб келдим!..
- Нимага қидирдинг?
- Ие, зўр хушxabарни эшитмадингми ҳали? Эртага мени катта бахт кутяпти-ку, беxabарми-сан?
- Қандай бахт экан?
- Эртадан бошлаб, мен энди Ёғоч Бола эмас, сенга, бошқа болаларга ўхшаган ҳақиқий бола бўламан.
- Ҳа, яхши, табриклайман.
- Хуллас: сени эртага бўладиган зиёфатга таклиф қиламан.
- Айтдим-ку сенга, бугун кечаси жўнаб кет япман, деб.
- Соат нечада?
- Яқинда.
- Қаёққа?
- Мен шундай ажойиб мамлакатга кетяпманки... дунёда бошқа бунақа қулинг ўргилсин мамлакат йўқ + ҳақиқий хузур-ҳаловат, бекорчилик мамлакати!
- Оти нима экан ўша мамлакатнинг?
- Уни «Тараллабедод мамлакати» дейишадди. Кетмайсанми мен билан?
- Йўқ, боролмайман.
- Чакки қиласан, Пиноккио! Кейин, аттанг, деб юрма тагин. Биз, болалар учун жудаям мос-да у мамлакат. У ерда мактаблар ҳам, ўқитувчилар ҳам, китоблар ҳам йўқ. У мамлакатда ҳеч ким ўқимайди. Пайшанба — дам олиш куни. Ҳафтада олтита пайшанбаю битта якшанба бор. Бир тасаввур қилгин-а, у ерда кузги каникул биринчи январдан бошланиб, ўттиз биринчи декабрда тугайди. Роса менбоп мамлакат-да ўзиям.

Барча тараққий этган мамлакатлар шунақа бўлиши керак!

— Ҳар ҳолда, ўша Тараллабедод Мамлакагининг аҳолиси бирон нима билан шуғулланар?

— Эрталабдан кечгача ўйин-кулги билан шуғулланишади. Кечқурун ётиб ухлашади, эртаси куни эрталабдан яна ўйин-кулги. Хўш, сен нима дейсан бунга?

— Ҳм!.. — деб бош иргатиб қўйди Пиноккио. бу ишораси «Бунақа ҳаёт бўлса, мен ҳам йўқ демас эдим!» — деган маънони билдирарди.

— Шундай қилиб, борасанми мен билан? Ё «ҳа» де, ё «йўқ»! Гапир!

— Йўқ, йўқ, йўқ! Мен саховатли Парига, яхши бола бўламан, деб сўз берганман, шу сўзимнинг устидан чиқмай қўймайман. Ана, кун ҳам ботай деб қолди. Мен уйга қайтишим керак. Хўп, бўлмаса, омон бўл, оқ йўл сенга!

— Қаёққа шошяпсан?

— Уйимга. Саховатли Пари—ойим, қош қораймасдан уйга қайтиб кел, деб тайинлаган эди.

— Яна бир-икки минут тургин.

— Кеч қоламан.

— Фақат икки минутгина.

— Ахир Пари уришиб беради-да, мени!

— Уришса уришаверсин. Уришиб-уришиб, ахири жағи тинади, — деди ярамас Пилик.

— Сен саёҳатга қаердан жўнайсан? Бир ўзингми, ё битта-яримта ҳамроҳинг борми?

— «Бир ўзингми» миш! Бизлар юзтадан ҳам кўпроқмиз.

— Пиёда жўнайсизларми?

— Ҳозир бу ердан соябон арава ўтади, ажойиб мамлакатга ўша арава олиб кетади.

— Ўша соябон арава ҳозир кела қолсайди!

— Нима қилардинг?



— Қандай жўнаб кетишларингни кўрмоқчи эдим.

— Бўлмаса бирпас кутиб тур — кўрасан.

— Йўқ, йўқ. Мен уйга боришим керак.

— Атиги икки минут!

— Ҳалиям анча ушланиб қолдим бу ерда. Пари хавотир олади.

— Шўри қурсин Парининг! Балки сен кўршапалакларга ем бўлишдан қўрқаётгандирсан?

— Ўзинг астойдил ишонасанми, — деб суриштира бошлади Пиноккио, — ўша мамлакатда ҳеч қанақа мактаб йўқлигига?

— Мактаб у ёқда турсин, отиям йўқ!

— Ўқитувчилар-чи?

— Қундуз куни чироқ ёқиб ҳам тополмайсан?

— Ўша мамлакатда ҳечам ўқиш шарт эмас, дегин?

— Сира-сира!

— Қойилмақом мамлакат экан! — деди Пиноккио, ҳатто оғзидан сўлаги ҳам оқиб кетди. — Қандай ажойиб мамлакат-а! Мен у мамлакатга ҳеч бормаган бўлсам ҳам, уни жуда яхши тасаввур қилипман.

— Сен ҳам биз билан кетавергин-да, бўлмасам!

— Гапингга унатаман деб овора бўлмай қўя қол! Энди мен саховатли Парига, яхши бола бўламан, деб сўз берганман, ўзинг биласан, берган сўзимдан ҳеч қайтмайман.

— Майли, ўзинг биласан, хайр бўлмаса! Агар йўлингда мактаблар, гимназиялар, билим юртлари учраса, уларга мендан кўпдан-кўп салом айтиб қўй!

— Хайр, Пилик! Оқ йўл, сенга, маза қилиб айшингни сур, ўртоқ, лекин баъзи-баъзида ёр-дўстларингни ҳам эслаб тур!

Шу гапдан кейин Ёғоч Бола уйига йўл олди.

Бироқ, икки қадам қўйиши билан яна тўхтади-да, орқасига ўгирилиб дўстидан сўради:

— Лекин сен, ўша мамлакатда ҳар бир ҳафта олти пайшанбаю бир якшанбадан иборат эканига қатъий ишонасанми?

— Мутлақо ишонаман.

— Ундан кейин, кузги каникул биринчи январдан бошланиб, ўттиз биринчи декабрда тугашига ҳам қатъий ишонасанми?

— Ишончим комил!

— Жудаям ажойиб мамлакат экан! — деди яна Пиноккио ва ҳузур қилиб, чиртиллатиб туфлади. Кейин у қатъий бир қарорга келиб, шошқалоқлик билан: — Хўп, яхши бор, бўлмаса! Сафаринг беҳатар бўлсин! — деди.

— Яхши қол!

— Қачон жўнайсизлар?

— Ҳозирнинг ўзида.

— Эсиз! Агар яна бир соатдан кейин жўнайдиган бўлганларингда, кетгунингларча кутиб туришга рози эдим.

— Пари нима бўлади?

— Энди, бари бир, кечикдим... Уйга бир соат олдин қайтдим нима-ю, бир соат кейин қайтдим — нима, фарқи йўқ энди!

— Бечора Пиноккио! Пари сени уришса-чи?

— Уришса уришаверсин. Бари бир, жонига текканидан кейин, тинчиб қолади.

Бу орада кеч кириб, зим-зиё тун бошланди. Шу пайт икки ўртоқнинг кўзига узоқда «лип-лип» қилаётган чироқ кўриниб, қулоқларига қўнғироқчаларнинг жаранги-ю, мис карнайнинг майин садоси эшитилди.

— Бу ўша! — дея чинқирди Пилик ва дик этиб ўрнидан турди.

— Қим? — деб пичирлади Пиноккио.

— Мен жўнайдиган соябон арава. Хўш, кетасанми мен билан, ё йўқми?

— Уша мамлакатда ҳеч ким ўқимаслиги ҳақитан тўғрими? — деб сўради Ёғоч Бола.

— Тўғри, тўғри, тўғри.

— Жудаям ажойиб мамлакат экан, жудаям қойилмақом мамлакат экан.

XXXI. Пиноккио беш ой муттасил бегамлик билан бахтиёр яшаганидан кейин бундоқ ўйлаб қараса...



Ниҳоят, соябон арава яқинлашди, яқинлашгандаям, мутлақо товушсиз яқинлашди, чунки унинг гилдиракларига латта-путталар ўралган эди.

Аравага бир хил катталиқдаги, аммо ҳар хил тусдаги ўн икки жуфт жажжи-жажжи хўтиқлар қўшилган эди.

Баъзи хўтиқлар бўзранг, иккинчилари —

оқ, учинчиларининг терисида худди муруч ва туз сепилгандек, майда-майда холлар бор эди, тўртинчиларининг терилари худди зебраникига ўхшаш йўл-йўл эди.

Лекин энг ажабланадиган томони шунда эдики, йигирма тўртта хўтиқнинг ҳамма оёқларига, одатда юк ташувчи ҳайвонларда бўлганидек, тақа қоқилмаган, балки улар худди одамларга ўхшаб, чармдан тикилган оқ этикчалар кийган эдилар.

Хўш, аравакаш ким эди?

Юзи қизил олмани эслатувчи, лаби муттасил жилмайиб турувчи, овози худди бекасидан бирон мазали овқат сўраётган мушукникига ўхшаган чийилдоқ, хўппа семиз, худди кувда пишилган сарёғдек думалоққина, юшоққина хўжайинчани кўз олдингизга келтиринг — аравакаш шундай одам эди.

Ҳамма болалар уни кўришган заҳоти маҳлиё бўлиб қолишар ва тезроқ соябон аравага чиқиб олиш учун «ким ўзди» га югуришарди, чунки география харитасида «Тараллабедод мамлакати» деган жозибали ном билан қайд этилган чинакам саодатли мамлакатга фақат шу аравада бориш мумкин эди.

Чиндан ҳам, соябон арава саккиз ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болаларга лиқ тўлган эди. Улар анжирдай эзилиб, нафаслари қайтиб, димиқиб ўтиришган бўлса ҳам, биронтаси зорланмас. «вой-вой» ламасди. Яна бир неча соатдан кейин китоблари ҳам, мактаблари ҳам, ўқитувчилари ҳам бўлмаган ажойиб мамлакатда бўламиз, деган ширин умид бу болаларни шу қадар хушбахт, хушнуд қилган эдики, энди улар учун ҳар қандай қийинчилик, ҳар қандай машаққат ҳам ҳеч гап эмас эди, улар ҳатто овқат ейишни ҳам, ухлашни ҳам хоҳламас эдилар.

Соябон арава келиб тўхташи билан Хўжайинча тинмай қийшанглаб, нозланиб жилмайганча Пиликка мурожаат қилди:

— Хўш, тасаддуқ, сен ҳам биз билан кетмоқчимисан саодатли мамлакатга?

— Бўлмасам-чи.

— Лекин шуни айтишим керакки, тасаддуқ, соябон аравада жой қолмади. Кўриб турибсан, арава лиқ-лиқ тўлган.

— Аҳамияти йўқ, — деб эътироз билдирди Пилик, — аравада жой йўқ бўлса, якка шотига миниб ҳам кетавераман.

— Хўш, сен-чи, қоқиндик, — деди Хўжайинча ялтоқлик билан Пиноккиога. — Сен нима истайсан? Биз билан кетасанми, ё шу ерда қоласанми?

— Қоламан, — деб жавоб қилди Пиноккио. — Мен уйимга боришим керак. Ҳамма одоб-

ли болалардек, мактабга қатнаб, яхши ўқишни хоҳлайман.

— Омадингни берсин!

— Пиноккио, — деб гапга аралашди Пилик, — хўп де, биз билан кетавер, маза қилиб яшаймиз.

— Йўқ, йўқ, йўқ!

— Юрсанг-чи биз билан, айшимизни суриб яшаймиз! — деб қичқаришди соябон аравадаги болалардан тўрттаси бараварига.

— Юр биз билан, айшимизни суриб яшаймиз! — деб жўр бўлди уларга юзта боланинг ҳаммаси.

— Агар сизлар билан кетсам, саховатли Паринима дейди? — деб сўради иккилана бошлаган Ёғоч Бола.

— Э, нима қиласан уни ўйлаб! Сен эртаю кеч шаталоқ отиб маза қилиб ўйнайдиган мамлакатга кетяпсан — яхшиси, шу тўғрида ўйласанг-чи.

Пиноккио бу гапга жавоб қилмай, хўрсиниб қўйди. Кейин у яна бир марта, ундан кейин яна бир марта хўрсинди. У уч марта хўрсинганидан кейин ниҳоят:

— Бўпти, сал сурилишлар. Мен ҳам бораман, — деди.

— Ҳамма жойлар банд, — деди унга Хўжайинча, — лекин, биз билан жўнашингдан хурсанд бўлганимизни исботлаш учун, ўз ўрнимни сенга бўшатиб беришим мумкин.

— Ўзингиз-чи?

— Мен араванинг ёнида пиёда кетавераман.

— Йўқ, бунга рози бўла олмайман, яхшиси, манави хўтиклардан бирига миниб ола қоламан, — деди Пиноккио.

Шу гапдан кейин у аравага қўшилган олдиндаги бир жуфт хўтикнинг олдида бориб, ўнг томонда турганига сакраб минмоқчи бўлган эди,

лекин хўтик Пиноккио томонга ўгирилиб, унинг қорнига зарб билан калла қўйди. Натижада, Ёғоч Бола оёғи осмондан келиб, ерга гурсиллаб йиқилди.

Бу манзарани кўрган болалар қотиб-қотиб кулишди.

Лекин Хўжайинча кулмади. У қайсар хўтиkning олдига келиб, уни ўпмоқчи бўлгандай энгашиди-да, ўнг қулоғини ғарчча тишлаб, ярмини узиб олди.

Бу орада, жаҳли чиқиб кетган Пиноккио «дик» этиб ўрнидан турди-да, чаққонлик билан сакраб, шўрлик жониворнинг устига миниб олди. У шундай аниқ ва чиройли сакрадики, буни кўрган болалар кулишдан тўхтаб: «Яшасин, Пиноккио!» — деб қичқиришди ва жон-жаҳдлари билан қарсак чала бошлашди.

Лекин, хўтик орқа оёқларини кўтариб ирғишлайвериб, охири Ёғоч Болани устидан улоқтириб ташлади. Пиноккио учиб бориб йўл ёқасига тўкилган бир уюм шағал устига тушди.

Бу пайт яна қаттиқ кулги кўтарилди. Лекин Хўжайинча кулмади, балки ҳурконғич хўтикка нисбатан чунонам меҳри товланиб кетди-ки, уни ўпиб туриб, чап қулоғининг ярмини тишлаб узиб олди. Кейин у Ёғоч Болага:

— Миниб ол, ҳеч кўрқма. Бу хўтик ўзи шунақа тантиқроқ. Лекин унинг қулоғига бир гапни пичирлаб айтиб қўйдим, энди у мулойим, ювош бўлади, — деди.

Пиноккио хўтикка минди, соябон арава йўлга тушди. Лекин хўтиklar жон-жаҳдлари билан чопиб, арава тош йўлда тарақлаб бораётганида, Ёғоч Боланинг қулоғига аллакимнинг зўр-базўр айтган заиф овози эшитилди:

— Эҳ, шўрпешона тентак бола, ўзбошимча-

лик қилдинг, ҳали бу қилмишингга минг-минг пушаймон бўласан!

Пиноккио чўчиб кетди ва ким гапирганини билолмай, атрофига олазarak бўлиб қаради. Лекин кўзига ҳеч ким кўринмади: хўтиклар елдек учишар, соябон арава физиллаб борар, аравадаги болалар ухлаб қолишган, Пилик бўлса, донг қотиб хуррак отар, Хўжайинча ўтирган ерида кўшиқ хиргойи қиларди:

Кечаси ухлайди ҳамма донг қотиб.  
Фақат мен, фақат мен уйғоқман...

Улар яна ярим километрча йўл босиб ўтишгач, Пиноккио яна бояги заиф овозни эшитди:

— Единида бўлсин, хомкалла! Фақат ўйинқароқлик, кўнгилхушлик билан вақт ўтказиш ниятида, илм олишдан бош тоблаган, китоблару мактабу ўқитувчиларидан юз ўгирган болалар, охир-оқибат шарманда бўладилар... Буни мен ўз бошимдан кечирганман... шунинг учун сенга гапиряпман. Бир кун эмас, бир кун сен ҳам худди менга ўхшаб кўзёши тўкасан... лекин ўшанда кеч бўлади.

Одам нутқидан кўра, кўпроқ япроқларнинг шитирлашига ўхшаб кетувчи бу сўзларни эшитган Ёғоч Бола қаттиқ кўрқиб кетди, ерга сакраб тушиб, хўтикнинг тумшугидан ушлади.

Шунда у хўтикнинг йиғлаётганини... худди гўдак боладек дув-дув кўзёш тўкиб йиғлаётганини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Ҳой, синьор Хўжайинча! — деб чақирди Пиноккио соябон арава эгасини. — Янгиликдан хабарингиз борми? Манави хўтик йиғлаяпти-ку!

— Йиғлайверсин. Ҳали, вақти келганида, хўнграйди ҳам.

— Наҳотки, сиз уни гапиришга ўргатган бўлсангиз?



— Йўқ. Унинг ўзи бир нечта сўзни ўрганиб олган, чунки у уч йил мобайнида ўргатилган итлар билан бирга яшаган эди.

— Вой, жонивор-е!

— Қани, бўл тез, — деб шоширди уни Хўжайинча, — биз эшакнинг кўзёшини томоша қиламиз деб вақтни бекор ўтказа олмаймиз. Хўтикка мин, жўнаймиз! Тун салқин, йўл олис.

Пиноккио буйруққа сўзсиз итоат этди. Соябон арава яна йўлга тушди ва улар тонг чоғида эсонмон Тараллабедод Мамлакатига етиб олдилар.

Бу мамлакат дунёдаги ҳеч бир мамлакатга ўхшамас эди. Унинг аҳолиси фақат болалардан иборат эди. Уларнинг энг каттаси ўн тўрт ёшда, энг кичиги саккиз ёшда эди. Кўча-кўйда бўлаётган ўйин-кулги, шовқин-сурондан жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмасди. Ҳаммаёқда ишёқмас, такасалтанг болалар гала-гала бўлиб юришарди. Улар: ёнғоқ ўйнашар, тош отишар, тўп тепишар, велосипедда югуришар, ёғочот миниб чопишарди, бекинмачоқ, қувлашмачоқ ўйнашар, масхарабозлардек кийиниб зир югуришар, оғизларига олов тиқишар, шеър декломация қилишар, қўшиқ айтишар, ўмбалоқ ошишар, камондан ўқ отишар, қўлларида юришар, филдирак думалатишар, қоғоздан дубулға кийиб, картондан шамшир тақиб, худди генераллардек сайр қилишар, қотиб-қотиб кулишар, бақириб-чақирришар, чапаквозлик қилишар, хуштак чалишар, товуқ бўлиб қақағлашарди. Қисқаси, бу мамлакатда шунақанги даҳшатли сурон кўтарилган эдики, кар бўлиб қолмаслик учун, албатта қулоққа пахта тиқиб олиш керак бўларди.

Бу ердаги ҳар бир майдонда унча катта бўлмаган томошахоналар қурилган, улар эрталабдан кечгача болалар билан гавжум эди. Ҳамма уйларнинг деворларига кўмир билан жуда аломат гап-

лар, масалан: «Яшасен қўғирчола!» («Яшасин қўғирчоқлар» дейишмоқчи), «Биза махтапга боришни холаммиз!» («Бизлар мактабга боришни хохламаймиз!» дейишмоқчи), «Юқолсин арифметика!» («Йўқолсин арифметика!» дейишмоқчи), деган шиорлар ёзилган эди.

Пиноккио ҳам, Пилик ҳам, Хўжайинча билан келган қолган ҳамма болалар ҳам, шаҳарга қадам қўйган заҳоти, бу ернинг аҳолиси билан апоқчапоқ дўст бўлиб кетишдики, бунинг ўзинингиз ҳам, жажжи китобхонлар, кўз олдинингизга келтираётган бўлсангиз керак.

Дунёда бу болалардан бахтлироқ, хушчақчақроқ яна ким бор?

Мана шундай турли-туман ўйин-кулги, вақтичоғликлар билан кунлар, ҳафталар кўз очиб юмгунча «ғув» этиб ўтиб кетаверди.

— Ох, қандай қойилмақом бу турмуш! — дерди Пиноккио ҳар гал Пилик билан тасодифан учрашиб қолган пайтларида.

— Ана, кўрдинг, мен ҳақ бўлиб чиқдим! — дерди Пилик. — Сен бўлсанг, келишни хохламаган эдинг! Шундай қулинг ўргилсин мамлакатга келиш ўрнига ўша Парининг олдига бориб, умринингизни хазон қилиб илм олмоқчи бўлувдинг!.. Бугунги кунда сен бефаҳм китоблардан, бефаросат мактабдан қутулган экансан, бунинг учун мендан миннатдор бўлишинг, берган маслаҳатларим, қилган ҳаракатларим учун раҳмат дейишинг керак! Тушуняпсанми? Фақат энг қадрдон дўстнингиз қўлидан келади бундай яхшилиқ!

— Бу гапинг тўғри, Пилик. Мен бугун бахтиёр яшаётган эканман, фақат сен туфайли шундай бўлди. Биласанми, ўқитувчимиз сен ҳақингда нима деган эди? У нуқул менга: «Анави дайди Пилик билан ўртоқ бўлма! У ёмон бола, бу яхшиликка олиб бормади», — дер эди.

— Вой, шўрлик-е! — деб бошини сарак-сарак қилди Пилик. — Ўзим ҳам жуда яхши биламан: у мени ўлгудек ёмон кўрар, мен тўғримда ҳар хил бўлмагур гапларни айтиб юрарди. Лекин, кек сақлайдиган одам эмасман, кечириб юборганман уни.

— Сен олижаноб одамсан! — деди Пиноккио ва дўстини самимий меҳр билан қучоқлаб, пешонасидан ўнди.

Мана шундай ўйин-кулги, сафсата сотиш билан, биронта ҳам китобнинг бетига қарамай, мактаб деган сўзни мутлақо унутиб юборган болалар такасалтанглик қилиб, роса беш ой вақтни ўтказишгач, бир кун эрталаб Пиноккио уйқудан кўзини очиб, кутилмаган кўнгилсиз бир воқеанинг шоҳиди бўлдики, бу воқеа унинг кайфиятини мутлақо бузиб юборди.

## XXXII. Пиноккионинг бошидан бир жуфт эшак кулоқ ўсиб чиқади, кейин у ҳақиқий эшакка айланиб ҳанграй бошлайди



Қандай кўнгилсиз воқеа эди у?

Ҳозир сизларга ҳаммасини гапириб берман, менинг азиз жажжи китобхонларим. Бир кун эрталаб Пиноккио уйқудан уйғонганида, тўсатдан боши қичиша бошлади. Шунда у бошига қўлини олиб борди-ю, бирдан қўли бир нарсага...

Сизлар нима деб ўйлайсизлар, болалар, Пиноккионинг қўли нимага теккан эди?

У ўз кулоқларининг тўрт энлик чўзилганини сизди, сизди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди.

Ўзингиз биласиз, болалар, Ёғоч Боланинг қулоғи туғилгандан буён кичкинагина эди — кўз-ойнак тақиб тикилиб қаралмаса, кўринмасди ҳам. Мана энди, бир кечанинг ўзида ўша кулоқлари худди иккита супургидек тиккайиб қолса-я... Буни пайқаган шўрлик Пиноккио қандай аҳволга тушганини бир кўз олдингизга келтириб кўринг, болалар.

Пиноккио нима бўлганини ўз кўзи билан кўриш учун, дарров кўзгу қидира бошлади. Лекин кўзгу тополмай, товоққа сув қуйди-да, энгашиб ўз аксига қаради... Қаради-ю, сувда шундай бир қиёфани кўрдик, бундай мусибат ҳеч кимнинг бошига тушмасин! У сувда ўз аксини кўрди: бошидан бир жуфт ажойиб эшак кулоқ туртиб чиқиб турарди.

Шундан кейин бечора Пиноккионинг қанчалик ташвишга, умидсизликка тушганини, уятдан ерга кириб кетгудек бўлганини ўзингиз ҳам тасаввур қилаётгандирсиз, болалар.

У йиғлар, дағ-дағ қалтираб, бошини деворга урар эди. Лекин унинг руҳи тушган сари, қулоқлари яна ҳам узаяверди, сал вақт ўтмай қулоқларининг учи ҳатто туклар билан қопланди.

Унинг айюҳаннос солиб чинқирганини эшитиб, юқори қаватда яшайдиган ёқимтойгина жажжи Суғур кирди. У Ёғоч Боланинг олдига югуриб келиб, аҳволини кўрди-да, меҳрибонлик билан:

— Сенга нима бўлди ўзи, қўшнижон? — деб сўради.

— Мен касалман, азизим Суғуржон, дардим жуда оғир... Шунчалик оғирки, ўйласам ваҳмим келади. Сен томир уришига қараб касални аниқлай оласанми?

— Оз-моз.

— Бўлмасам, илтимос, томиримни ушлаб кўр, безгак бўлмадиммикин.

Суғур олдинги ўнг панжаси билан Пиноккионинг томирини ушлаб кўрди-да, чуқур хўрсиниб қўйиб:

— Қадрдон дўстим, минг афсуски, сенга кўнгилсиз гап айтишга мажбурман, — деди.

— Яъни?

— Сен энг оғир дардга чалинибсан.

— Қанақа дард экан?

— Дардинг — эшак безгаги дейилади.

— Тушунмадим, — деди Пиноккио, лекин аслида, жуда яхши тушуниб турган эди.

— Ундай бўлса, яхшилаб тушунтираман сенга, — деб давом этди Суғур. — Шуни билиб қўйгинки, сен яна икки ё уч соатдан кейин Ёғоч Бо-

ла қиёфангни йўқотасану лекин ҳақиқий ўғил бола ҳам бўлмайсан...

— Бўлмаса ким бўламан?

— Икки ё уч соатдан кейин сен ҳақиқий эшакка, аравага қўшиладиган, устига карам, сабзи, пиёз ортиб бозорга борадиган эшакка айланасан.

— Вой, бунча шўрпешона бўлмасам! Бунча бахти қаро бўлмасам! — деди Пиноккио умидсизликка тушиб, кейин икки қўли билан иккала кулоғини чангаллаб, уларни ҳеч аямай жон-жаҳди билан тортқилай бошлади.

— Садағанг кетай, — деб таскин бермоқчи бўлди унга Суғур, — на чора! Бу тақдир тақозоси. Зеро ҳикматли китобларда ёзилишича, китоблардан, муаллимларидан юз ўгириб, эртаю кеч вақтларини фақат ўйинқароқлик, бекорчилик билан ўтказувчи ҳамма ялқов болалар бир кун эмас, бир кун албатта эшакка айланишаркан.

— Ростдан ҳам шунақа бўларканми? — деб хўнграб юборди Ёғоч Бола.

— Афсуски, рост. Оҳ-воҳ қилганингдан энди фойда йўқ. Бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди.

— Лекин айб менда эмас! Гапимга ишон. Суғуржон, ҳаммасига Пилик сабабчи.

— Пилик деганинг ким?

— Мактабдош ўртоғим. Мен уйимга бормоқчи, одобли бола бўлиб ўқишни давом эттирмоқчи, «аъло» баҳолар олмоқчи эдим... лекин Пилик галамислик қилиб: «Илм билан бошингни қотириб нима қиласан? Мактабни бошингга урасанми? Яхшиси, юр, мен билан Тараллабебод Мамлакатига! У ерда биз сира ўқимаймиз, эрталабдан кечгача маза қилиб дам оламиз, ўйнаб-куламиз!» — деб йўлдан оздирди.

— Нега энди сен ўша бевафо, ёмон ўртоғининг гапига кирдинг?

— Нега дейсанми?.. Негаки, мен, Суғуржон, ақл-фаросати... қалби ҳам йўқ Ёғоч Одамман. Оҳ, агар зиғирдаккина қалбим бўлганидами, мени ўз туққан онамдек ардоқлаган, менга жуда кўп яхшилик қилган саховатли Парини асло ташлаб кетмаган бўлардим!.. Унда мен ҳозир Ёғоч Бола эмас, ҳамма қатори, ҳақиқий ўғил болага айланган бўлардим. Энди қўлимга тушсин ўша Пилик, кунини кўрсатиб қўяман! Боплаб пўстагини қоқмасам юрган эканман!

Шундай деб у эшик томон отилди. Лекин остонага етганида эшак қулоқлари эсига тушиб қолиб, кўчада бундай қиёфада кўринишга уялди. Хўш, кейин нима қилди, денг? У каттакон бомазий қалпоқни бошига бостириб кийиб олди.

Кейин у Пиликни қидириб кетди. Кўчаларни кезиб, майдонларга бориб, кичик-кичик томошахоналарга кириб қидирди, хуллас, ҳамма ерда бўлди, лекин уни ҳеч ердан топмади. Ўтган-кетганлардан сўраб-суриштирди, аммо ҳеч ким бугун Пиликни кўрмаган эди.

Шунда Пиноккио тўғри унинг уйига бориб, эшигини тақиллатди.

— Ким у? — деб сўради Пилик эшик орқасида туриб.

— Менман, — деб жавоб қилди Ёғоч Бола.

— Бир минут кутиб тур, ҳозир очаман.

Ярим соатдан кейин эшик очилди. Пиноккио қай кўзи билан кўрсинки, Пилик ҳам каттакон бомазий қалпоқни бурнининг устигача бостириб кийиб олган экан!

Пиноккионинг кўзи унинг қалпоғига тушдию кўнгли бир оз енгил тортгандай бўлди. Шу заҳоти кўнглига: «Дўстимнинг касали ҳам менинг касалимдан эмасмикин? У ҳам менга ўхшаб, эшак безгак дардига мубтало бўлган бўлса-я!» — деган фикр келди.

Лекин у ҳеч нимани сезмагандек жилмайиб сўради:

— Ишларинг қалай, қадрдон дўстим Пилик?

— Зўр. Ўзимни худди сувдаги балиқдек ҳис қиляпман.

— Шу гапинг жиддийми?

— Ёлғон гапириб нима қиламан?

— Кечирасан, оғайни, нега бошингга қалпоқ кийиб, қулоқларинггача беркитиб олдинг?

— Врач буюрди, нимага десанг, тиззамни қаттиқ уриб олган эдим. Ўзингчи, қадрдоним Ёғоч Бола, ўзинг нега қалпоқни бурнинггача бостириб кийиб олдинг?

— Менгаям врач буюрувди, чунки мен то-вонимни тошга уриб олган эдим.

— Бечора Пиноккио!

— Бечора Пилик!

Шу гапдан кейин, икки ўртоқ узоқ вақт сукут сақлаб, бир-бирларини истехзо билан кузата бошладилар.

Ниҳоят Пиноккио тилёғламалик билан:

— Айт-чи, менга, дўстим Пиликжон, қулоқ касалига ҳеч чалинганмисан? — деди.

— Менми? Йўқ!.. Сен-чи?

— Ҳеч қачон! Лекин бугун эрталаб битта қулоғим сал безовта қила бошлади.

— Менда ҳам шундай бўлди.

— Сенда ҳамми? Қайси қулоғинг оғрияпти?

— Иккалови. Сенда-чи?

— Иккалови. Бундан чиқди, икковимизнинг дардимиз бир экан-да?

— Шунақага ўхшайди.

— Менга бир яхшилик қилсанг, ошнам Пиликжон...

— Жоним билан. Нима истайсан?

— Менга қулоқларингни кўрсата олмайсанми?



— Нимага кўрсатмас эканман? Лекин олдин сенинг қулоқларингни кўрсам девдим. қадрдоним Пиноккиожон.

— Йўқ, олдин сен кўрсат.

— Йўқ, тасаддук! Олдин сен кўрсат, ундан кейин мен кўрсатаман.

— Ҳа, яхши, — деди Ёғоч Бола, — бўлмасам, дўстона битим тузамиз.

— Эштайлик-чи, ўша битимни.

— Икковимиз қалпоғимизни баравар ечамиз. Розимисан?

— Розиман.

— Қани, диққат! — деди Пиноккио ва баланд овозда қичқирди: — Бир! Икки! Уч!

У «уч» дейиши билан иккала бола бошидан қалпоғини юлиб олиб, шипга отди.

Шунда бирданига ақл бовар қилмайдиган бир ҳол юз берди. Яъни: Пиноккио билан Пилик касаллари бир хил эканини билишгач, хафа бўлиш, бир-бирларидан уялиш ўрнига, аксинча, бир-бирларига кўз қиса бошлашди. Бир неча бор сакрашди, сўнг, бир оз вақт афтларини буриштириб туришгач, бирданига қаҳ-қаҳ уриб юборишди.

Улар ичаклари узилгудек хахолаб кулишди. Кейин бирдан Пилик жимиб, гандираклай бошлади, ранги қув ўчганча дўстига қичқирди:

— Пиноккио, ёрдам қил, ёрдам!

— Нима бўлди?

— Вой, оёғимда тик туролмаяпман!

— Мен ҳам туролмаяпман! — деди Пиноккио ва гандираклаб кетиб, йиғлай бошлади.

Шу гапдан кейин икковлари тўрт оёқлаб уй ичида уёқдан-буёққа шаталоқ отиб югура бошлашди. Худди шу пайт уларнинг қўллари оёққа, юзлари чўзилиб, эшакнинг тумшуғига

айланди, баданлари эса, ҳар ер-ҳар ерида қора довлари бўлган оч-бўз ранг терига айланди.

Лекин бу икки бахти қора учун энг мудҳиш воқеа нима бўлганини биласизларми, болалар? Бу — орқаларидан дум ўсиб чиққан пайт бўлди. Улар қайғу ва уятдан ўзларини қўярга жой тополмай, шўр пешоналикларидан зорланиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлай бошладилар.

Лекин, жим ўтирсалар яхши бўларди! Чунки улар йиғлаш ва зорланиш учун оғиз очганларида, кутилмаганда эшакка ўхшаб ҳанграй бошладилар. Хуллас, икковлари бир-бирларига жўр бўлишиб:

— И-а, и-а, и-а! — деб ҳанграшди.

Шу пайт эшик тақиллаб, ташқаридан:

— Очинглар! Мен соябон аравада сизларни бу мамлакатга олиб келган Хўжайинча бўламан. Ҳозироқ очинглар, бўлмаса таъзирингларни бериб қўяман, — деган овоз эшитилди.

**XXXIII. Пиноккио ҳақиқий эшакка айланиб қолганидан сўнг, уни сотгани бозорга олиб борадилар. Эшакни сотиб олган цирк директори уни рақе тушишга, гардишдан сакраб ўтишга ўргатади. Лекин, бир кун кечқурун томоша пайтида Пиноккионинг оёғи лат еб оқсоқланиб қолади. Уни бошқа бир харидорга сотиб юборадилар. Лекин бу харидор Пиноккионинг терисидан барабан ясамоқчи бўлади**

Ҳа деганда жавоб бўлавермагач, Хўжайинча уни оёғи билан тепиб очди. У хонага кирди ва ҳар галги одати бўйича мийиғида кулиб, Пиноккио билан Пиликка:

— Баракалла, болалар! Ҳанграшларинг чакки эмас, овозларингни эшитган захоти танидим. Шунинг учун, ғириллаб етиб келдим, — деди.

Иккала хўтик Хўжайинчани кўришди-ю, дарров ювош тортиб, жим бўлиб қолишди. Энди улар думларини қисиб, бошларини эгиб, қулоқларини осилтириб туришарди.

Хўжайинча биринчи навбатда уларни силаб, сийпалай бошлади. Кейин қашлағични олиб, хўтикларни ҳафсала билан тозалашга киришди.

Ниҳоят, иккала хўтикнинг териси худди иккита ойнадек ярақлаб кетди, шунда Хўжайинча уларни нўхталаб, дурустроқ пуллаш учун бозорга етаклаб кетди.

Дарров харидорлар ҳам топила қолди.



Пиликни, бир кун олдин эшаги ўлиб қолган бир дехқон сотиб олди, Пиноккио бўлса, масхарабозлар ва дорвозлар труппасининг директорига пулланди. Директор уни қўл остидаги бошқа ҳайвонлар билан бирга рақс тушишга, гардишдан сакрашга ўргатмоқчи эди.

Хўжайинчанинг касби-корини энди тушунгандирсизлар, қимматли жажжи китобхонларим? Юзи-кўзи ёқимтойгина бўлиб кўринган бу ярамас пакана одам, ўзининг соябон аравасида вақти-вақти билан дунё кезар ва йўл-йўлакай, мактабу китоблар жонига теккан ялқов болаларга хушомад қилиб, қуруқ ваъдалар билан уларнинг қўйинини пуч ёнгоққа тўлдириб, алдаб-сулдаб, соябон аравасига ортарди-да, Тараллабедод Мамлакатига олиб келарди. Бу мамлакатга келган болалар бутун вақтларини ўйинқароқлик, шўхлик, бекорчилик билан ўтказишарди. Кейин эса, Хўжайинчанинг гапларига лаққа ишонган бола фақирлар эртаю ке ўйин-кулги, бекорчилик билан машғул бўлиб, бора-бора эшак қиёфасига кириб қолишарди. Оқибат, пакана аравакаш хурсанд бўлганидан оғзи қулогига етиб, шўрликларни ҳар хил ярмарка ва мол бозорларига етаклаб бориб сотарди. Шу зайлда у бир неча йил ичида жуда кўп пул жамғариб, миллионер бўлиб олган эди.

Пиликнинг шундан кейинги ҳоли нима кечганини сизларга айтолмайман. Лекин Пиноккионинг аҳволидан хабарим бор: у циркка келган дастлабки кунлариданоқ жуда оғир, машаққатли ҳаёт кечира бошлади.

Янги хўжайин уни отхонага етаклаб кириб, охурига бир қучоқ похол солди. Лекин Пиноккио похолни кавшаб кўриб, шу заҳоти туфлаб ташлади.

Шунда хўжайини бир нималарни тўнғиллаб,

охурга пичан солди, лекин эндигина эшак қиёфасига кирган Пиноккиога пичан ҳам ёқмади.

— Ие, ҳали сенга пичан ҳам ёқмайдими? — деди хўжайин аччигланиб. — Хотиринг жам бўлсин, хўтикжон, ҳали бир эсингни киритиб қўяйки!

Сўнг хўтикнинг эсини киритиб қўйиш учун унинг оёқларига қамчи билан урди.

Пиноккио оғриқ алаmidан йиғлаб юборди, сўнг ҳанграй бошлади:

— И-о, и-о, мен похолни ҳазм қила олмайман.

— Бўлмаса, пичан кавша! — деди хўжайини, чунки у эшаклар тилига яхши тушунар эди.

— И-о, и-о, пичан есам қорним оғрийдими?

— Ие, балки сени товук жигарию хўроз гўшти билан боқишимни кутаётгандирсан? — деди баттар фиғони чиққан хўжайин ва яна хўтикни қамчилай бошлади.

Шўрлик хўтик икки марта қамчи еганидан кейин, индамасликни афзал кўриб, шундан кейин «чурқ» этмай тураверди.

Хўжайин оғилхонани беркитиб чиқиб кетди, Пиноккио ёлғиз қолди. У кўпдан бери туз ҳам тотмаган эди, шунинг учун у, очликка чидай олмай, оғзини катта очиб, ҳанграй бошлади.

Шундан сўнг, у охурида ҳеч қандай егулик топмагач, хўжайини ташлаб кетган пичанни ҳафсала билан чайнай бошлади? Обдан чайнаб тобиға етказгач, кўзини чирт юмиб ютиб юборди.

«Пичан ҳам чакки эмас экан, — деди у шунда ўзига ўзи, — лекин агар ўқишни давом эттирсам бундан яхшироқ бўларди, ҳатто жудаям яхши бўларди!.. Ана унда, ҳозир пичан ўрнига, янги ёпилган нонни мазали колбаса билан ҳузур қилиб еган бўлардим! Оҳ, оҳ, оҳ!..»

У эртаси куни эрталаб уйғониб, охуридан пи-

чан ахтара бошлади, лекин бир тутам ҳам пичан қолмагани, чунки у кечаси бор пичаннинг ҳаммасини еб бўлган эди. Шунда у жодида қирқилган похолга оғзини тўлдириб чайнай бошлади. У кавшанаркан, бу похол дегани Миланнинг гуруч қуртига ҳам, Неаполнинг макаронига ҳам сира-сира ўхшамас экан, деган қатъий қарорга келди.

— Сабр қилиш керак! — деди у похол кавшашда давом этиб. — Қошқийди бошимга тушган бу бахтсизликлар, ҳеч бўлмаса, қулоқсиз, ялқов болалар учун ибрат бўла олса! Сабр қилиш керак!.. Сабр-қаноат!..

— Сабр-қаноат! Ол-а! — деб дағдаға қилди худди шу пайт оғилхонага кириб келган хўжайин. — Сени, хўтикжоним, фақат едириб-ичириш учун сотиб олган эмасман — буни хаёлингга ҳам келтирма асло! Йўқ, мен сени роса ишла-тиб, жарақ-жарақ пул топгани сотиб олганман. Қани, мен билан циркка юр-чи. Сенга гардиш ичидан сакраб ўтишни, кейин қоғоз бочкаларни тешишни, орқа оёқларингда туриб вальсга, полькага рақс тушишни ўргатаман.

Бечора Пиноккио хоҳласа-хоҳламаса шу мураккаб нарсаларнинг ҳаммасини ўрганишга мажбур эди. Шу тариқа у уч ой мобайнида беҳисоб қамчи еб, сабоқ олди.

Ниҳоят, бир кун келиб, хўжайин ниҳоятда ажойиб томоша кўрсатиши ҳақида элга овоза қилди. Шаҳарнинг ҳамма гавжум ерларига рангбаранг афишалар ёпиштирилди. Афишаларга бундай сўзлар ёзилган эди:

## ТАНТАНАВОР КАТТА ТОМОШАЛАР

Бугун кечқурун сиз ажойиб ва гаройиб сакрашларни, шунингдек, барча артистлар ҳамда труппамиз отлари томонидан ижро этиладиган ҳар турли антиқа номерларни томоша қиласизлар.

Булардан ташқари муҳтарам жамоа эътиборига «Рақс юлдузи» деб ном қозонган машҳур ХЎТИК ПИНОККИО тавсия этилади.

## ТЕАТРИМИЗ ЧАРОҒОН ЁРИТИЛГАН

Турган гапки, шу куни кечқурун томоша бошланмасдан бир соат олдиноқ цирк томошабинларга лиқ тўлган эди. На партердан, на ложадан, ҳатто қўшимча қўйилган стулдан олтинга ҳам жой олиб бўлмасди.

Цирк пиллапоялари, машҳур Пиноккионинг рақс тушишини кўриш иштиёқида келган катта-кичик ўғил ва қиз болаларга тўлиб кетганди.

Томошанинг биринчи бўлими тугагач, майдон ўртасига цирк директори чиқди. У эгнига қора фрак, оқ сирма шим, оёғига қўнжи тиззасидан ҳам баланд кўн этик кийган эди. У икки букилиб таъзим қилгач, қўйидаги тутуруқсиз нутқни тантанавор оҳангда виқор билан сўзлади:

— Муҳтарам жамоа, хонимлар ва жаноблар! Мен ким, қўйида имзо чекувчи, йўл-йўлакай ўтиб кетатуриб, сизларнинг муҳташам пойтахтингизда ва сизким, донишманд азиз томошабинларга, Европадаги энг йирик қасрларнинг барида, жаммики император аъло ҳазратлари ҳузурда рақс тушиш шарафига муяссар бўлган машҳур хўтикни зўр мамнуният билан тавсия этиш шарафига эришганимдан хурсандман. Бизлардан мурувватингизни дариг тутмассиз ва сизларнинг илҳомбахш иштирокингизни мудом ҳис этамиз, деган умиддаман!

Бу бетайин нутқ гурра кўтарилган кулги ва қарсақлар билан қарши олинди. Аммо хўтик Пиноккио даврага чиққанида, қарсақлар яна авжга чиқиб, гулдурос қарсақка айланди. Хўтик жуда бежирим ясатилган эди, тумшуғига локланган

чармдан янги нўхта кийдирилган, туёқларидаги тақалари ҳам, абзалининг тўқалари ҳам мисдан эди. Унинг қулоқлари остига бир жуфт камелия гули тақилган, ёллари шойи ленталар билан қўшиб майда ўрилган, қорнига оқ-сарик ялтироқ шарф боғланган, думи эса, қирмизи ва зангори ранг духоба лента билан капалак нусха қилиб эшилган эди. Хуллас, бу хўтикни бир кўришдаёқ яхши кўриб қолиш турган гап эди.

Директор уни томошабинларга таништиргач, яна қисқача нутқ сўзлади:

— Муҳтарам тингловчиларим! Ҳозир мен сизларга, яқин-яқинларда жазирама офтобдан қовжираб ётган тропик водийларда беғам, беташвиш сакраб юрган мазкур сутэмизувчи ҳайвонни ўзимга итоат этдириш учун не-не қийинчиликларни бошимдан кечирганим ҳақида гапириб ўтирмақчи эмасман. Унинг кўзларидаги ёввойилик аломатларига эътибор беринг-а! Бу маҳлуқни маданиятли тўрт оёқли ҳайвон қиёфасига келтириш учун қўлланган барча воситалар наф бермагани сабабли, камина кўпинча у билан синалган тилда, яъни қамчи тилида гаплашишимга тўғри келди. Бироқ, унга қанча меҳрибонлик қилмай, у менга меҳр қўйиш ўрнига, кун сайин кўпроқ мендан нафратлана бошлади. Шунга қарамай, мен Галлеснинг илмий усули бўйича унинг калласида шундай бир кўз илғамас гажакчани топдимки, уни ҳаттоки Париждаги медицина факультети ҳам рақс санъатида энг юксак маҳоратдан далолат берувчи белги деб эътироф этди. Сўнгра мен бу кашфиётимдан фойдаланиб, уни рақс тушишга, шунингдек, гардиш ва қоғоз бочка ичидан сакраб ўтишга ўргатдим. Сизлар олдин ажабланинглар! Кейин фикр юритинглар! Лекин, ҳозир томошани бошлашимдан олдин, синьорлар, ижозатингиз билан, сизларни эртага кечқурун



бўладиган томошаларимизга таклиф этмоқчиман. Бордию ёмғир ёғиб, об-ҳавога таъсир кўрсатгудек бўлса, томоша кечқурундан кўчирилиб, тушдан кейинги соат ўн бирда бошланади.

Шундан кейин директор яна икки букилиб таъзим қилди-да, Пиноккиога ўгирилиб:

— Олга, Пиноккио! Сиз ўз санъатингизни зўр маҳорат билан намоиш қилишингиздан олдин бу ерга келган мухтарам жамоа — хонимлару жаноблару болалар билан саломлашинг! — деди.

Пиноккио итоаткорлик билан олдинги оёқларини букиб, тиз чўкди ва то директор қамчи шарақлатиб буйруқ бермагунча шу алфозда бош эгиб тураверди.

— Қадамлаб юринг!

Хўтик тўрт оёғига туриб, цирк майдони атрофида юра бошлади.

Яна бир минутдан кейин директор буюрди:

— Йўртиб югуринг!

Шундан сўнг Пиноккио итоаткорлик билан йўртиб чопа бошлади.

— Сакраб чопинг!

Пиноккио сакраб-сакраб чопа бошлади.

— Елиб югуринг!

Энди Пиноккио худди шамолдек елиб чопа кетди. Шу пайт директор бирдан қўлини кўтариб, пистолетдан ҳавога ўқ узди.

Хўтик ўқ овозини эшитган ҳамоноқ, гўё яралангандай, ерга ўликдек чўзилиб ётиб олди.

Сўнг у гулдурос қарсақлар остида яна ўрнидан турди ва турган гапки, ўйинининг атрофдаги томошабинларга қандай таъсир кўрсатганини билиш учун бошини кўтарган эди... ложалардан бирида ўтирган чиройли бир хонимга кўзи тушди. У хонимнинг бўйнида қалин тилла занжир бў-

либ, занжирга медальон осилган эди. Медальонда эса Ёғоч Боланинг портрети бор эди.

«Ие, менинг портретим-ку!.. Бу синьора — Пари!» — деди ўзига ўзи Пиноккио. У бир қарашдаёқ Парини таниган эди. Шунда у севинганидан терисига сиғмай, уни:

— О менинг Парим, о менинг Парим! — деб чақирмоқчи бўлди.

Лекин бундай ёқимли сўзларни айтиш ўрнига, беихтиёр баланд овозда чўзиб-чўзиб ҳанграб юбордики, буни эшитган томошабинлар, айниқса, болалар, ичаклари узилгудек қотиб-қотиб кулишди.

Директор қамчи дастаси билан Пиноккионинг тумшугига туширди, бу билан у шунча халқ олдида ҳанграш одобдан эмаслигини тушунтирмоқчи бўлган эди.

Бечора хўтик тилини чиқариб, салкам беш минут тумшугини ялаб турди. Эҳтимол шу йўл билан у оғриқни қолдирмоқчи бўлгандир.

Кейин у иккинчи марта бошини кўтариб, яна ўша ложага кўз ташладию ҳанг-манг бўлиб қолди: Пари ғойиб бўлган эди.

У дунёда энг бахтсиз бола эканлигидан зорланиб, аччиқ-аччиқ йиғлай бошлади, кўзлари гилт-гилт ёшга тўлди. Лекин буни ҳеч ким пайқамади, директор-ку мутлақо сезмади. У қамчисини шарақлатиб қичқирди:

— Қани, Пиноккио, бўла қолинг! Энди сиз синьор томошабинларга гардиш ичидан қандай чиройли сакрашингизни намоиш қиласиз.

Пиноккио икки, уч марта уннаб кўрди. Лекин ҳар гал гардиш олдига югуриб келганида бирдан тўхтаб, унинг ичидан сакраб ўтиш ўрнига, тагидан югуриб ўтаверди.

Нихоят, у гардиш ичидан сакради ҳам, аммо бахтга қарши, кейинги оёқлари гардишнинг че-

тига илиниб, шўрлик бир қоп буғдойдек ерга «гурс» этиб йиқилди.

У ўрнидан турганида оёғи лат еганини пайқадди, сўнг ўз охури олдига атак-чечак қилиб зўрга этиб олди.

— Пиноккио чиқсин! Бизга хўтикни кўрсатинглар! Хўтикни олиб чиқинглар! — деб қичқиришарди пастки қаторда ўтирган болалар, чунки бу жажжи жониворга жудаям раҳмлари келган эди.

Лекин ўша куни кечқурун улар хўтикни бошқа кўришмади.

Эртаси куни эрталаб мол доктори келиб, хўтикни кўрди-да, бу жонивор умрбод чўлоқ бўлиб қолади, деб хулоса чиқарди. Шунда директор отбоқарга:

— Чўлоқ эшакни бошимга ураманми? Овқатнинг заволи, холос. Бозорга олиб бориб сотиб кел, — деди.

Бозорда дарров харидор ҳам топила қолди.

— Чўлоқ эшагингга қанча сўрайсан? — деди у отбоқарга.

— Йигирма лира.

— Бир лира бераман. Очиғи, менинг эшаклик ишим йўқ. Менга унинг териси керак. Териси пишиқ, чиройли экан, мен ундан қишлоқ оркестри учун барабан ясамоқчиман.

Ўзининг барабан бўлиши дарагини эшитган Пиноккионинг не аҳволга тушганини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Ахири савдолаша-савдолаша харидор хўтикни бир лирага олди-да, уни тўғри денгиз бўйига етаклаб кетди. У ерда шўрлик жониворнинг бўйнига харсанг тош осди, оёғига арқон боғлаб. арқоннинг иккинчи учини қўлига маҳкам ўради-да, бирдан хўтикни сувга итариб юборди.


Бўйнига харсангтош боғланган Пиноккио шу

заҳоти денгиз остига чўкиб кетди. Харидор эса, арқоннинг иккинчи учини маҳкам ушлаганча бир тош устига ўтирди-да, хўтикнинг сув остида нафаси қайтиб ўлишини кута бошлади. Хўтик ўлгач, уни тортиб олиб, терисини шилиши керак эди.

**XXXIV.** Денгизда Пиноккиони балиқлар еб кетади, оқибат у яна аввалгидек Ёғоч Болага айланиб қолади. Лекин харидордан жон сақлаб, сувда сузиб кетаётганида уни даҳшатли ақула ютиб юборади.

Хўтикнинг сувга чўтирилганига салкам эллик минут бўлганида, уни сотиб олган одам ўзига ўзи:

— Шўрлик чўлоқ хўтигимнинг жони узилиб бўлган бўлса керак энди. Демак уни сувдан тортиб, терисидан чиройли барабан ясашга киришсам ҳам бўлади, — деди.



Шундан кейин у арқонни торта бошлади. У тортаверди, тортаверди, тортаверди, тортаверди, ахири сув бетига... нима қалқиб чиқди денг. Сув бетига ўлик хўтик эмас, тирик Ёғоч Бола пайдо бўлди, у худди илонбалиқдек тўлганар, билангларди.

Шўринг қурғур харидор Ёғоч Болани кўрдию туш кўряшман, шекилли, деб ўйлади, кейин оғзи ланг очилиб, кўзлари қинидан чиқиб кетгудек бақрайиб қолди.

Бир оздан сўнг сал ўзига келди ва хиқиллаб йиғлаганча дудуқланиб:

— Мен денгизга итариб юборган хўтик қани? — деди.

— Ўша хўтик — менман, — кулиб жавоб қилди Ёғоч Бола.

— Сен-а?

— Ҳа, мен!

— Вой, муттаҳам-е! Ҳали мени майна қилмоқчимисан, а?

— Нега энди сизни майна қиларканман? Сираям-де, отахон. Жиддий гапиряпман.

— Ахир қандай қилиб, ҳозиргина хўтик бўлган махлуқ сувга тушгандан кейин бир зумнинг ичида Ёғоч Болага айланиб қолиши мумкин?

— Чамаси, денгиз сувининг таъсири бўлса керак. Денгиз ҳазилни яхши кўради.

— Эви билан, ҳой Ёғоч Бола, эви билан!.. Агар менинг пулимга вақтичоғлик қилишни кўзлаган бўлсанг, янглишасан. Сен жаҳлимни чиқарма, жаҳлим чиқса, кунингни кўрсатиб қўяман!

— Менга қаранг, отахон, яхшиси, келинг, сизга ўз бошимдан кечирганларимни айтиб берай. Оёғимни ечиб қўйинг, кейин сўзлаб бераман ҳаммасини.

Тентак харидорнинг синчковлиги қўзиб, арқонни ечди, Пиноккио ўзини қушдай эркин ҳис қилиб ҳикоясини бошлади:

— Қисқаси, гап шундаки, илгари мен худди ҳозиргидек Ёғоч Бола бўлган эдим. Мен бу ёруғ дунёдаги кўпчилик болаларга ўхшаган ҳақиқий бола бўлишни жуда-жуда хоҳлардим. Лекин ўқишни хоҳламаганим сабабли, ёмон болаларнинг таъсирига берилиб, уйдан қочиб кетган эдим... Натижада кунларнинг бирида уйқудан кўзимни очиб қарасам, узун қулоқ... думи узун... эшакка айланиб қолибман. Вой, уялганимдан ўзимни қўярга жой топа олмадим, мен сизга айтсам! Сизни масъуд авлиё Антонийнинг ўзи асрасин бундай шармандалиқдан. Мени эшак бозорига етаклаб бориб, бир цирк директорига пуллашди. Қарангки, директорнинг миясига мени раққос, дорвоз қилиш келипти. Лекин, бир кун кечқурун томоша пайтида мен йиқилиб, оёғим

оқсаб қолди. Шунда директор оқсоқ эшакдан қандай фойдаланишни билмай, бозорга олиб бериб сотишни буюрди. Сиз мени сотиб олдингиз.

— Бозорга борганимга пушаймонман! Сени бир лирага сотиб олган эдим. Хўш, энди ким қайтариб беради менга ўша ҳалол меҳнат билан топган пулимни?

— Ўзи мени нега сотиб олувдингиз? Теримдан барабан ясамоқчимидингиз?

— Афсуски, шундай. Энди қаёқдан оламан бошқа эшак терисини?

— Ҳеч ташвиш тортманг, отахон. Бу дунёда нима кўп — эшак кўп.

— Хўш, сурбет бола, ҳикоянг тугадими?

— Йўқ, — деб жавоб қилди Ёғоч Бола. — Яна бир неча оғиз гапим қолди. Сиз мени сотиб олганингиздан кейин, бу ерга етаклаб келдингиз. Ғоят зўр инсонпарварлик кўрсатиб, бўйнимга оғир тош боғладингиз-да, денгизга итариб юбордингиз. Бундай олижаноблигингиз билан сиз кўп иззат-ҳурматга лойиқсиз. Мен сиздан бу яхшилигингиз учун умрбод миннатдор бўлиб юраман. Лекин, қимматли отахон, бу гал сиз Парини ҳисобга олмаган эдингиз.

— Яна қанақа Пари?

— Менинг онам. Ўз болаларини жонидан ортиқ яхши кўрувчи, улардан ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб турувчи, хаттоки аҳмоқлик, одобсизлик қилган болалари устида парвона бўлувчи ҳамма оналарга ўхшаган меҳрибон онам. Ана шу саховатли Пари сувга чўкаётганимни кўриб, олдимга бир гала балиқларни юборипти, улар мени ўлик деб ҳисоблаб, хомталаш қилиб ея бошлашди! Балиқлар теримни шилиб, очопатлик билан чайнамай юта бошлашди! Мен балиқларнинг бунчалик очкўз бўлишини билмаган эканман... Улар менинг афтимни, бўйнимни кемиришди, ёлимни,

оёғимнинг, гарданимнинг терисини ҳаш-паш дегунча еб юборишди... битта жимитдек раҳмдия балиқ бор экан, денг, у думимни еб ташлади.

— Бугундан эътиборан, — деди харидор жирканиб, — мен худо хоҳласа, ҳеч қачон балиқ гўшти емайман! Ахир биронта лаққа ё зогора балигининг қорнидан эшакнинг думи чиқса, роса кўнглинг айниса керак!

— Фикрингизга тўла-тўкис қўшилишаман, — деб кулиб юборди Ёғоч Бола. — Хуллас, балиқлар менинг ҳаммаёғимни ўраб олган эшак терисини еб бўлишгач, турган гапки, суякка... ёки, аниқроқ қилиб гапирадиган бўлсак, ёғочга тиш ботиришди, чунки, ўзингиз кўриб турипсиз, мен энг асл, энг пишиқ ёғочдан ясалганман. Лекин очопат балиқлар ёғочга тишлари ўтмаслигини тушунишди-ю, бадҳазм овқатдан, яъни мендан кўнгиллари қолиб, ҳатто раҳмат ҳам демасдан, «зув» этиб ҳар томонга сузиб кетишди. Мана, арқонингизга боғланган эшак ўрнига сувдан мени — Ёғоч Болани тортиб чиқарганингизнинг сабабини сизга тушунтириб бердим.

— Бу уйдирмаларинг мен учун — бир пул! — деб бақирди жаҳли чиққан харидор. — Мен сен учун бир лира ҳақ тўлаб қўйганман, шу ҳақимни қайтариб олмасам, юрган эканман. Сени нима қилишимни айтайми. Сени яна бозорга олиб бораман-да, ўтига сифатида сотиб юбораман.

— Тўғри қиласиз, сотинг мени. Асло қарши эмасман бунга, — деди Пиноккио.

Шундай деб туриб, гизиллаб бориб, денгизга сакради. У чаққон-чаққон қулоч отиб, соҳилдан узокроққа сузиб кетаркан, омади юрмаган харидорга овозининг борица қичқирди:

— Яхши қолинг, отахон! Барабан ясашингиз учун тери керак бўлган пайтларда мени эслаб туринг!



Шундай деб у яна нарига сузиб кетаверди. Бир минутдан кейин яна орқасига ўгирилиб, янаям баландроқ қичқирди:

— Яхши қолинг, отахон! Олов ёқиш учун бир озгина қуруқ ўтинга муҳтож бўлган пайтларда, мени эслаб туринг!

У ҳаш-паш дегунча соҳилдан жудаям узоқлаб кетган эди. Энди у сув сатҳида худди кичкина нуқтадек бўлиб кўринаркан, дам тўлқинлар орасида ғойиб бўлиб, дам дельфинга ўхшаб яна сув бетига қалқиб чиқарди.

Пиноккио бу очиқ денгизда таваккал қилиб боши оққан томонга сузиб бораркан, тўсатдан бир оқ мрамор қояни кўриб қолди. Қоя чўққисидан жажжигина, ёқимтойгина бир улоқча турар ва мулойим овоз билан маъраб, буёққа сузиб кел, демокчи бўлгандай Пиноккиога ишора қиларди.

Қизиғи шунда эдики, улоқчанинг териси ҳамма эчкиларникига ўхшаган оқ ҳам, қора ҳам, ҳатто олачипор ҳам эмас, балки зангори рангда — зангори бўлганда ҳам, худди Гўзал Қизчанинг сочларига ўхшаган ялтироқ, мовий-зангори рангда эди.

Буни кўрган Пиноккионинг юраги қандай гурсиллаб ура бошлаганини тасаввур қилаётгандирсиз! У бутун кучини ишга солиб, оқ қоя томон жадал сузиб кетди. Орадаги масофанинг ярмига борганида, сув остидан кутилмаганда даҳшатли бир денгиз махлуқининг боши кўтарилди. Махлуқ Пиноккио томон сузиб кела бошлади. Унинг ланг очилган оғзи худди каттакон ўпқонга ўхшарди. Денгиз махлуқининг тишлари уч қатор бўлиб, жудаям даҳшатли эди, бу тишларнинг ҳатто сурати ҳам одамнинг юрагини ёриши мумкин эди.

Биласизларми, болалар, бу қандай махлуқ эди?

Бу денгиз махлуқи, бизнинг ҳикоямизда аввал бир неча марта тилга олинган ўша баҳайбат Акула эди: у шу қадар ебтўймас махлуқ эдики, денгиздаги ҳамма жониворларни қийратарди, ўзининг ана шу ебтўймас-очопатлиги учун, балиқлар ҳам, балиқчилар ҳам уни «олабўжи» деб юритишарди.

Турган гапки, Пиноккио бу махлуқни кўриб, жудаям кўрқиб кетди. У чап бериб, қочиб қолмоқчи бўлди ва қарама-қарши томонга суза бошлади. Лекин Акуланинг каттакон очилган оғзи нуқул Пиноккионинг йўлини тўсиб чиқар эди.

— Тезроқ суз, Пиноккио, кучинг борича тезроқ! — деб маърарди чиройли Улоқча.

Пиноккио ҳам қўллари, оёқлари, кўксини ишлатиб, астойдил ҳаракат қиларди.

— Тезроқ бўл, Пиноккио! Махлуқ сенга яқинлашиб қолди!

Шунда Пиноккио бутун кучини ишга солиб икки баравар тезроқ сузиб кетди.

— Эҳтиёт бўл, Пиноккио!.. Ҳозир тутиб олади сени!.. Ана у!.. Тезроқ, тезроқ суз! Бўлмаса, ўлдинг!

Энди Пиноккио сув бетида сузмас, балки ўқдай учиб борарди. Мана, у ахири қояга етиб ҳам олди, ана, Улоқча энгашиб, Пиноккиони сувдан тортиб олмоқчи бўлиб, унга туёқчасини узатди...

Лекин кеч бўлган эди! Ярамас Махлуқ Ёғоч Болага етиб олди. Одам товуқ тухумини тешиб, уни қандай сўрса, махлуқ ҳам денгиз сувини шундай ичига тортди ва сув билан бирга бечора Ёғоч Болани ҳам ютиб юборди. Акула сувни шунақа очопатлик билан шимирдики, Пиноккио Акуланинг тўғри ошқозонига думалаб тушаркан, оғзига сув кириб, у ерда чорак соат беҳуш ётди.

Ниҳоят ҳушига келиб, кўзини очди, лекин ўзининг қаерда ётганини дарҳол англай олмади.

Теварак-атрофи зим-зиё қоронгу бўлганидан, у ўзини худди бир бочка сиёҳга шўнгигандек ҳис қилди. Пиноккио қулоқ солди, лекин атрофда «тиқ» этган товуш эшитилмади. Фақат ўқтин-ўқтин юзига кучли шамол келиб уриларди. Аввалига у шамолнинг қаердан эсаётганини тушунмади, лекин кейин билса, бу шамол денгиз махлуқининг ўпкасидан отилиб чиқаётган экан. Гап шундаки, Акула астма<sup>1</sup> бўлиб қолган эди, шунинг учун, нафас олганида, ичида худди шимол шамолига ўхшаган бўрон кўтариларди.

Пиноккио аввалига ўзини дадил тутишга уринди. Лекин денгиз махлуқининг қорнига тушиб қолганини аниқ билганидан кейин, хўнг-хўнг йиглаб:

— Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар! О, шўрим қуриди! Наҳотки, менга ёрдам берадиган биронта жонзот тошилмаса бу ерда! — деб ёрдамга чақира бошлади.

— Ким ҳам сенга ёрдам бера оларди, о шўрлик бола? — қоронғуликдан худди сози бузилган гитарага ўхшаб дўриллаган, бўғиқ овоз эшитилди.

— Ким гапиряпти? — деб сўради Пиноккио, қўрқиб кетганидан унинг аъзой баданини совуқ тер босган эди.

— Бу — мен, шўрпешона Тунецман<sup>2</sup>. Акула мени ҳам сен билан қўшиб ютиб юборди. Ўзинг қанақа балиқсан?

— Мен ҳеч қанақа балиқ-малиқ эмасман. Мен Ёгоч Бола бўламан.

— Балиқ бўлмасанг, нима қилиб ўзингни денгиз махлуқига ютдириб ўтирибсан?

— Мен сира ҳам ютдирганим йўқ. Унинг ўзи

<sup>1</sup> Астма — нафас қисши касали

<sup>2</sup> Тунец — оқунъ балиғи оиласидан бўлган йирик йиртқич балиқ.

ютиб юборди мени! Энди нима қиламиз бу қоронгуликда?

— Қачон Акула бизни ҳазм қиларкин, деб кутиб ўтираверамиз.

— Лекин мен ҳазм бўлишни ҳеч ҳам хоҳламайман! — деб чинқирди Пиноккио ва яна йиглашга тушди.

— Мен ҳам ҳазм бўлишни хоҳламайман, — деди Тунец, — лекин мен файласуфман, шунинг учун, ўзимга ўзим: «Тунец бўлиб туғилган экансан, умрингни товада қовурилиб эмас, сувда тугалла», деб таскин бераман.

— Сафсата! — деди Пиноккио.

— Бу менинг шахсий мулоҳазам, — деб эътироз билдирди Тунец, — сиёсатдон тунецларнинг таъкидлашича, шахсий мулоҳазани қадрлаш керак.

— Нима бўлганда ҳам, мен бу ердан кетишни... қочиб қутилишни истайман...

— Майли, агар қўлингдан келса қочиб қол.

— Бизни ютган бу Акула каттами? — деб сўради Ёгоч Бола.

— Гавдасининг узунлиги, думини ҳисобламаганда, бир километр келади — буёғини ўзинг тасаввур қилавер.

Улар қоронғуда суҳбатлашаётган пайтда, бирдан Пиноккионинг кўзига узоқда қандайдир чироқ гира-шира милтиллагандек бўлди.

— Ҳўв анави ёқда, узоқда милтиллаётган нарса нима бўлди экан? — деди Пиноккио ажабланиб.

— У ҳам бизга ўхшаб ҳазм бўлишини кутиб ўтирган бир шўрпешона бўлса керак.

— Мен унинг олдига бораман. Эҳтимол у кекса балиқдир, балки у бу ердан қандай чиқиб кетиш йўлини кўрсатар менга.

— Шу гашингнинг рост бўлиб чиқишини чин дилдан истардим, о, азизим Ёгоч Бола.

— Хайр, Тунец амаки!

— Хайр, Ёгоч Бола. Сенга омад тилайман!

— Яна дийдор кўришармикинмиз?

— Ким билади?.. Яхшиси, бу ҳақда ўйламаслик керак.

**XXXV. Бу бобни ўқисангиз,  
Пиноккио Акуланинг ичида кимни учратганини  
билиб оласиз**



Пиноккио меҳрибон дўсти Тунец билан шу тарзда хайрлашиб, қоронғуда гандираклаб юриб кетди. У узоқда милтиллаб кўри-наётган хирагина шуъла томон Акуланинг зим-зиё ичида битта-битта қадам босиб кетиб борарди.

У яқинроқ борган сари милтиллаб турган шуъла ҳам аниқроқ кўзга ташлана бошлади. Ниҳоят, у узоқ йўл босиб, ахири кўзлага ерига етди. У ерда нима кўрди денг? Ўйлаганинглар билан ҳеч ҳам топа олмайсизлар! У бир столчани, столча устида ёниб турган шамни кўрди. Шам яшил ранг шиша оғзига ўрнатилган эди. Стол ёнида соқол-мўйлови қордек ё кувда олинган қаймоқдек оппоқ бир чол тирик балиқчаларни кавшаб ўтирарди. Балиқчалар шундай шўх, шундай тийрак эдиларки, чолнинг оғзидан «филт-филт» этиб чиқиб кетишарди.

Бу манзарани кўрган Пиноккионинг қувончи ичига сиғмай, кўнгли кундай ёришиб кетди. Унинг ҳам кулгиси, ҳам йиғлагиси, ҳам тўхтовсиз гапиргиси келди. Лекин шунга қарамай, у фақат бир нечта узук-юлуқ, пойинтар-сойинтар сўзни зўрға дудуқланиб айта олди, холос.

Аммо салдан кейин, севинчдан боши осмонга етган бу бола ниҳоят, қийқириб юбориб, югуриб бориб чолнинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб оларкан, чийиллаб:

— Вой, азиз дадажоним! Ахири сизни қидириб тондим-а! Энди мен сизни сира-сира ёлгиз ташлаб кетмайман! — деди.

— Демак, янглишмабман! — деди чол кўзларини уқаларкан. — Демак, сен чинда нам менинг эркам Пиноккиосан?

— Ҳа, ҳа, бу менман, Пиноккионинг ўзгинасиман! Сиз менинг ҳамма шўхликларимни кечиргансиз-а, тўғрими? Вой, менинг дадажоним-е, бирам яхшисизки!.. Мен бўлсам аксинча, ёмонман... Оҳ, дадажон, бошимга не-не бахтсизликлар, не-не кулфатлар тушганини билсангиз эди. Сизга айтсам, бечора дадажоним, мени мактабга бориб ўқисин, деб камзулингизни сотиб, алифбе олиб келган кунингиз мактабни унутиб, қўғирчоқ театрига маҳлиё бўлгандим. Театр хўжайини қўзичоқ гўштини кабоб қилиш учун ўтин тонолмай, мени ўчоққа қаламоқчи бўлдию лекин кейин раҳми келиб, отангга олиб бориб бер, деб менга беш олтин танга берди, аммо кўчада Тулки билан Мушукка дуч келдим. Улар мени Қизил Қисқичбақа меҳмонхонасига бошлаб боришиб, очонат бўрилардай роса овқат ейишди, шунда мен, ярим кечада бир ўзим шўннайиб кетаётганимда қароқчиларга рўпара келиб, ура қоча бошладим, улар орқамдан қуваверишди, олдинда қочавердим, улар қуваверишди, қочавердим, улар нуқул қуваверишди, нуқул шаталоқ отиб қочавердим, ахири етиб олиб мени Катта Эман дарахтининг шохига осиб қўйишди. Шу десагиз, зангори сочли Чиройли Қизча мени дордан тушириб, каретада ўз уйига олдириб кетиб, врачларга кўрсатган эди, улар бир қарашдаёқ: «Агар у ўлмаган бўлса, демак ҳали тирик», дейишди. Шунда мен тилимни тия олмай, ёлгон гапириб қўйган эдим, бирдан бурним чўзила бошладую эшикдан чиқа олмадим. Шунинг учун, кейин яна Тулки билан

Мушукнинг гапига кириб, тўрт олтин тангамни ерга кўмдим, нега тўрт танга, десангиз, бир тангани меҳмонхонада сарфлаган эдим, шунинг учун Тўти мени мазах қилиб кула бошлади. Оқибат, икки минг танга у ёқда турсин, ҳеч вақо топа олмадим. Шунда пулимни ўғирлаб кетишгани ҳақида судьяга арз қилсам, у ўғриларни хурсанд қилиш учун шу заҳоти мени қаматиб қўйди, қамокдан чиқиб бир узумзорга бориб қолдим-у, ҳил-ҳил пишган чиройли узум бошларига маҳлиё бўлиб қопқонга тушиб қолдим. Натижада боғбон ҳақли равишда бўйнимга ит тасмасини боғлаб, товуқхонасига қўриқчи қилиб қўйди. Лекин кейин у гуноҳим йўқлигини тушуниб, яна озод қилиб юборган эди, думи тутаб турган бир илон қотиб-қотиб кулганидан, кўкрагидаги бир томири чўрт узилиб ўлиб қолди. Шунда мен яна Чиройли Қизнинг уйига йўл олдим, билсам, у ўлиб қолипти, йиглаб ўтирганимни кўрган Қаптар: «Отанг сени қидириб топиш учун ўзига кичкина бир қайиқ ясаётган эди», деди. Унга: «Қошқийди, менинг ҳам сенга ўхшаб қанотим бўлса!» деган эдим, у мендан: «Отангни кўришни хоҳлармидинг?» — деб сўради. Мен унга: «Жудаям хоҳлардим у лекин иложим йўқ-да», — деган эдим, у шу заҳоти: «Мен сени олиб бораман», деди. «Қандай қилиб?» деб сўраган эдим, у: «Елкамга миниб ол», деди. Кейин биз кечаси билан учдикда, эрталаб денгизга тикилиб турган балиқчилар: «Хўв анови ёқда кичкина қайиқда сузиб кетган одам чўкяпти», дейишганди, узоқдан бўлсаям сизни дарров танидим, чунки ўша одам сиз эканлигингиз дарров кўнглимга келди. Кейин соҳилга қайтинг, демоқчи бўлиб нуқул сизга қўл силтайвердим.

— Мен ҳам сени таниган эдим, — деди Жепетто, — жудаям орқага, соҳилга қайтгим келув-



ди. Лекин қандай қилиб қайтардим? Денгиз тўлқинланаётган эди, шунда битта катта тўлқин ёпирилиб келиб қайиқчамни тўнкариб юборди. Айни шу пайт, сал нарироқда сузиб юрган даҳшатли Акула мени пайқаб қолди. У мен томонга отилдию тилини чиқариб, худди бир доридай ютиб юборди.

— Бу ерда қамалиб ўтирганингизга кўп бўлдимми? — деб сўради Пиноккио.

— Ўша кундан бери. Яқинда икки йил бўлади. Бу икки йил, тасаддуғинг кетай, Пиноккио, менга худди икки асрдек бўлиб туюлди.

— Қандай кун кечирдингиз бу ерда? Шамни қаердан олдингиз? Гугуртни ким берди сизга?

— Ҳаммасини айтиб бераман. Буни қараки, ўша куни тўлқин менинг қайиқчамдан бошқа яна бир савдо кемасини ҳам ҳалокатга учратган экан. Ҳамма матрослар қутилиб қолишти-ю, лекин кема сув остига чўкипти, ўша куни ўлгудек оч бўлган мана шу Акула чўккан кемани ҳам ютиб юборишти.

— Ростданми? Шундоқ катта кемани бутунлигича-я? — деб ҳайрон бўлди Пиноккио.

— Ҳа, бутунлигича. Фақат мачтасини туфлаб ташлади, нега десанг, у худди биз балиқ еганимизда суяги тишга кириб қолгандай, тишининг орасига кириб қолган эди. Бахтимга, кемада гўшт ҳам, сухарилару янги ёпилган нонлар ҳам, шишаларда виною қоп-қоп майиз дейсанми, швейцар пишлоғи-ю, қаҳва ва қанд дейсанми, яна шамлару қути-қути гугуртлар ҳам бор экан. Мана шу нарсалар менинг кунимга яраб, шу топгача яшаб келдим. Лекин энди кема омбори бўм-бўш, манави сен кўриб турган шам — охиргиси.

— Кейин нима бўлади?

— Кейин, болам, иккаламиз ҳам қоронғида қоламиз.

— Унақа бўлса, азиз дадажоним, — деди Пиноккио, — биз бу ерда қўл қовуштириб ўтирмайлик. Ҳозирнинг ўзида бу ердан қочиш ҳақида бош қотиришимиз керак.

— Қочиш? Қандай қилиб?

— Биз Акуланинг оғзига чиқиб, у ердан денгизга сакрашимиз керак.

— Бу — айтишга осон, жоним билан бажарардим, Пиноккио. Гап шундаки, мен сузишни билмайман.

— Буёғини ўйламанг!.. Сиз елкамга опичиб оласиз. Мен сувда жуда зўр сузаман, қирғоққача соғ-саломат етказаман сизни.

— Бу иш сенга ҳозир осондек кўриняпти, — деб эътироз билдирди Жеппетто ва бошини сарак-сарак қилиб аламли кулимсиради. — Наҳотки, жимитдек Ёғоч Бола бўла туриб, мени опичлаб сувда сузишингга кўзинг етса?

— Олдин синаб кўринг, кейин биласиз. Агар пешонамизга ўлиш ёзилган бўлса, ҳар ҳолда, иккаламиз бирга ўламиз-ку.

Шундан кейин, Пиноккио дарҳол олға юра бошлади ва отасига:

— Менинг орқамдан юраверинг, ҳеч кўрқманг, — деди.

Шу йўсинда улар узоқ юришди, Акуланинг бутун ошқозонини, унинг узундан-узун гавдасини бошдан-оёқ босиб ўтишди. Ниҳоят, улар денгиз махлуқининг ҳалқумига етишганда, эҳтиёткорлик юзасидан тўхташиб, қочиш учун энг қулай фурсат келишини кута бошлашди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Акула жуда кексайиб қолган, бунинг устига, нафас қисиш дардига чалинган, юраги ҳам чатоқ бўлганидан доим оғзини очиб ухларди. Шу туфайли пастда, ҳалқумга кираверишда туриб, атрофни кузатаётган Пиноккио юлдузлар чарақлаб турган осмоннинг

бир бўлагини ва ойдин тунни кўришга муяссар бўлди.

— Қочиш учун қулай пайт ҳозир, — деб пичирлади у отасининг қулоғига. — Акула маст уйқуда, денгиз бўлса, сокин, тун ойдин. Орқамдан юринг! Ҳадемай, озод бўламиз.

Улар дарҳол ишга киришишди. Денгиз махлуқининг ҳалқумидан юқорига ўрмалаб чиқишиб; унинг жуда баҳайбат оғзига киришди, сўнг унинг хиёбондаги йўлга ўхшаш кенг ва узун тили устидан оёқ учида юриб ўтишди. Лекин улар эндигина денгизга сакрамоқчи бўлиб туришганида бирдан Акула акса уриб юборса бўладими. Акса урганида у бошини шундай кескин орқасига силтадики, натижада, Пиноккио билан Жеппетто яна унинг ошқозонига думалаб тушиб кетишди.

Бунинг натижасида шам ўчиб, ота-бола қоронғуда қолишди.

— Энди нима қиламиз? — деб сўради Пиноккио жиддий оҳангда.

— Энди адойи тамом бўлдик, болам.

— Нега энди адойи тамом бўларканмиз? Қани, қўлингизни беринг, дада, фақат тойганиб кетманг.

— Яна қаёққа бошламоқчисан мени?

— Биз яна бир уриниб кўрамиз. Юраверинг мен билан, ҳеч кўрқманг.

Пиноккио отасининг қўлидан ушлаб олди, улар яна оёқ учида денгиз махлуқининг ҳалқумидан юқорига чиқиб, тилининг у бошидан-бу бошигача босиб ўтишди, уч қатор терилган катта-катта тишлари орасидан ҳам бир амаллаб ўтишди. Шунда Ёғоч Бола денгизга сакраш олдидан отасига:

— Менга опичиб, маҳкам ушлаб олинг. У ёғини менга қўйиб беринг, — деди.

Жеппетто Пиноккионинг елкасига яхшилаб жойлашиб олди, шунда ўзига қатъий ишонган Ёғоч Бола денгизга сакрадию шоша-пиша Акулдан нарига сузиб кетди. Денгиз сатҳи худди ёғдек силлиқ эди, ой чарақлаб, ёғду сочар, Акула бўлса донг қотиб ухларди. У шу қадар қаттиқ ухлардики, ҳозир замбарак отиб ҳам уйғотиб бўлмас эди.

## XXXVI. Ниҳоят Ёғоч Бола — Пиноккио ҳақиқий ўғил болага айланади

Пиноккио катта-катта қулоч отиб олға сузиб кетаверди, кетаверди, лекин бир оздан кейин, елкасига миниб, оёғини тиззасигача сувга туширган отасининг худди безгак хуруж қилган одамдек дағ-дағ титрай бошлаганини сезди.



У совуқдан қалтираётганмикин, ё қўрқувданми? Буни билиб бўлмасди... Эҳтимол униси ҳам, буниси ҳамдир. Лекин Пиноккио, отам даҳшатдан қалтираяпти, деб ўйлаб унга далда бера бошлади:

— Бардам бўлинг, дада! Яна бир неча минутдан кейин эсон-омон қуруқликка чиқиб оламиз.

— Лекин қани ўша айтган қуруқлигинг? — деб сўради чол, у тобора кўпроқ ҳаяжонланар, худди игнага ип ўтказаётган тикувчидек узоқ-узоққа астойдил тикилиб қарарди. — Мен ҳамма ёққа тикилиб қараяпман, лекин осмон билан денгиздан бошқа ҳеч нимани кўрмаяпман.

— Аммо мен қирғоқни кўряпман, — деди Ёғоч Бола, — кўнглингиз тўқ бўлсин, дада, менинг кўзим мушукникига ўхшайди, кечасиям кундуздай кўравераман.

Оқкўнгил Пиноккио ўзини жуда дадил қилиб кўрсатишга уринарди, ҳолбуки унинг довиюраклиги тобора сўниб борарди. Унинг силласи қуриб, ҳансираб нафас ола бошлади. У ортиқ су-

зишга дармони қолмаганини сеза бошлади, қир-  
ғоқ бўлса ҳали ҳам кўринмасди.

У нафаси қайтиб кетгунча сузди. Кейин Жеп-  
петтога ўгирилиб, хансираганча:

— Дадажон... ёрдам беринг... ўлиб қола-  
ман! — деди.

Ота билан бола ўлимни бўйинларига олган шу  
пайтда бирдан аллакимнинг худди сози бузилган  
гитарага ўхшаб хириллаган овози эшитилди:

— Ким экан ўлаётган?

— Мен билан шўрлик дадам.

— Бу овоз менга таниш-ку. Сен Пиноккио-  
сан!

— Тўппа-тўғри. Ўзинг-чи?

— Мен Тунецман, сенинг ҳамдард ўртоғинг  
бўламан — Акула қорнида бирга ётганмиз.

— Ие, қандай қочиб чиқдинг?

— Сендан ўрناق олдим. Қандай қутилиш  
йўлини сен кўрсатдинг, мен сизларга эргашиб  
қочиб қолдим.

— О, азизим Тунецжон, жуда вақтида кел-  
динг. Жажжи-жажжи болаларинг ҳаққи, ёлбо-  
риб сўрайман сендан: ёрдам бер бизга, бўлмаса  
ўлиб кетамиз.

— Бир оғиз сўзинг, жоним билан ёрдам қи-  
ламан! Қани, думимдан ушлаб олинглар. Тўрт  
минутдан кейин қирғоқда бўласизлар.

Ўзингиз тушунган бўлсангиз керак, болалар,  
Пиноккио билан Жеппетто дарҳол таклифни қа-  
бул қилишди. Лекин улар балиқнинг думидан  
ушлаш ўрнига, унинг елкасига чиқиб ўтириб  
олишди — шу қулайроқ кўринди уларга.

— Оғирлик қилмаяпмизми? — деб сўради  
Пиноккио.

— Бе, нима деяпсан? Зиғирча ҳам оғирмас-  
сизлар! Назаримда, елкамда иккита чиғаноқ ёт-  
ганга ўхшайди, — деб ота-боланинг кўнглини

кўтариб қўйди Тунец, чунки у икки ёшлик бу-  
қачадек кучли эди.

Қирғоққа етишгач, Пиноккионинг ўзи қуруқ-  
ликка сакраб тушди, сўнг отасига кўмаклашди.  
Шундан кейин у Тунецга ўгирилиб, ҳаяжон  
билан:

— Азиз дўстим, сен отамни ўлимдан қутқар-  
динг. Сенга қандай миннатдорлик билдиришга  
тилим лол... Шунинг учун... шу миннатдорлигим  
исботи сифатида, ҳеч бўлмаса, сени бир ўпишга  
рухсат бер, — деди.

Тунец тумшугини сувдан чиқарди. Пиноккио  
чўк тушиб, балиқнинг нақ оғзигинасидан сами-  
мий бир ўпич олди. Шунда, бундай назокатли  
муомалага одатланмаган оқкўнгил Тунец, чуно-  
нам таъсирландики, кўзларидан тирқираб ёш  
чиқиб кетганини ҳеч кимга кўрсатмаслик учун,  
шу заҳоти сув остига шўнғиб кўздан ғойиб бўлди.

Бу орада тонг отди.

Пиноккио тиззалари қалтираб зўрға оёқда  
турган отаси Жеппеттога қўл узатиб:

— Менга суяниб олинг, дадажон, йўлга туша-  
миз. Биз худди шиллиққуртдек секин-секин ке-  
таверамиз, чарчасак, йўл ёқасига ўтириб дам  
оламиз, — деди.

— Қаёққа борамиз? — деб сўради Жеппетто.

— Биронта уй ё кулба топилиб қолар, зора-  
мора, очдан ўлмаслигимиз учун бизга бир бурда-  
гина нон садақа қилишса-ю, ётиб ухлашимиз  
учун бир қучоқ похолларини аяшмаса.

Улар ҳали юз қадам ҳам юришмаган эди, йўл  
четида тиланчилик қилиб турган иккита бадба-  
шара нусхани учратишди.

Улар Мушук билан Тулки экан, лекин улар  
таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетишган  
эди. Гап шундаки, ҳамиша ўзини кўрликка солиб  
юрган Мушук бора-бора ростакамига кўр бўлиб

қолган, қариб, туллаб, бутунлай туки тўкилиб кетган Тулки думидан ҳам жудо бўлган эди. Бу воқеа бундай бўлган эди: бу ярамас ўғри кунларнинг бирида жуда қийналиб қолиб, муҳтожликдан ўзининг чиройли думини аршинмолчига сотган, аршинмолчи у думдан печнинг кулини тозалайдиган супурги ясаб олган эди.

— Оҳ, Пиноккио! — деди Тулки аламзада овоз билан. — Биз шўрлик мажруҳларга озгина бўлсаям хайр қил!

— ...хайр қил! — деб такрорлади Мушук.

— Хайр, тилёғламачилар! — деб жавоб қилди уларга Ёғоч Бола. — Сизлар мени бир марта алдаб кетган эдинглар, иккинчи марта лақиллатиб бўлибсиз.

— Рост айтяпмиз, Пиноккио, энди биз қашшоқмиз, бахтсизмиз.

— ...бахтсизмиз! — деб такрорлади Мушук.

— Қилмишингизга яраша қашшоқ бўлгансиз. Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. «Ўғирлик мол — умрга завол», деган мақолни эсланглар. Хайр, иккиюзламачилар!

— Раҳмингиз келсин бизга!

— ...бизга!

— Хайр, тилёғламачилар! «Халол буғдой ош бўлур, ўғирлик дон — тош бўлур», деган мақолни эсланглар.

— Мурувват қилинг!

— ...қилинг! — деб такрорлади Мушук.

— Хайр, тилёғламачилар! «Ўғирлик қилма ҳаргиз, кўмиласан кафансиз», деган мақолни эсланглар.

Шу гаплардан кейин Пиноккио билан Жеппетто ўз йўлларида бемалол кетавердилар. Улар яна юз қадамча юриб, сўқмоқ йўлнинг этагида, экинзорнинг ўртасида қад кўтарган томи сопа-



лаклар билан ёпилган чиройли қамиш кулбани кўрдилар.

— Бу кулбада бирон одам бўлса керак, — деди Пиноккио, — юринг, яқин бориб, тақиллатиб кўрамиз.

Мана, улар кулба олдига бориб, унинг эшигини тақиллатишди.

— Ким у? — деган овоз эшитилди ичкаридан.

— Ейишга бир бурда нони ҳам, ётишга бошпанаси ҳам йўқ бир бечора ота билан бир бечора ўғил, — деб жавоб қилди Ёғоч Бола.

— Калитни бурасангиз, эшик очилади, — деди ичкаридаги овоз.

Пиноккио калитни бураган эди, эшик очилди. Улар кулба ичига кириб, ҳар томонга аланглаб қарашди, лекин ҳеч кимни кўришмади.

— Қаерда ўзи уй эгаси? — деб ажабланди Пиноккио.

— Мен бу ёқда, тепадаман!

Ота билан ўғил бошларини кўтариб шифтнинг тўсинида турган Гапирувчи Қора Чигирткани кўришди.

— О менинг жонгинам, жажжигина Қора Чигиртка! — деб ғоят зўр назокат билан салом берди унга Пиноккио.

— Энди сенинг жонгинанг, жажжигина Қора Чигиртканг бўлиб қолдимми, а? Эсингдами, шу «жонгинанг, жажжигина Қора Чигиртка»ни уйингдан қувиб чиқариш учун менга ёғоч болга отганинг?

— Гапинг тўғри, менинг жонгинам, жажжигина Қора Чигиртка! Мени ҳам уйингдан ҳайдаб юбор... Менга ҳам ёғоч болгача ота қол! Лекин фақат шу бечора отамга раҳм қилсанг бўлгани!

— Мен отангга раҳм қиламан, шунингдек, унинг ўғлига ҳам. Лекин ундан олдин сенинг ҳеч кимга рўйхуш бермаслик одатингни юзингга

солмоқчиман, токи сен бу дунёда, иложи бори-ча, ҳамма билан дўстона муносабатда бўлиш лозимлигини, шундагина, ўзинг мушкул аҳволга тушган пайтингда, ҳамма сенга ҳам дўстона муносабатда бўлиши мумкинлигини тушуниб олгин.

— Гапинг тўғри, о менинг жонгинам, жажжигина Қора Чигиртка, минг карра ҳақсан, бу берган ибратли сабоғинг энди ўла-ўлгунимча эсимдан чиқмайди. Лекин, айт-чи, бундай чиройли уйчага қандай эга бўлдинг?

— Бу уйчани кеча менга ажойиб зангори-ҳаворанг юнгли бир латофатли эчки тақдим этди.

— Ҳозир қаерда ўша Эчки? — деб сўради Пиноккио қаттиқ ҳаяжонланиб.

— Билмайман.

— Бу ерга у яна қачон келади?

— Бу ерга у ҳеч қачон қайтиб келмайди. У бу ердан бутунлай жўнаб кетди, кетатуриб маъюс оҳангда: «Бечора Пиноккио! Энди уни ҳеч қачон кўролмайман. Шўрликни Акула ютиб юборди!» — деб ўксинди.

— У ростданам шундай дедими?.. Демак, бу шубҳасиз ўша!.. Бу ўша!.. Менинг азизим, жонажон Парим! — деб Пиноккио пиқ-пиқ йиғлай бошлади, унинг кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади.

У йиглаб-йиглаб кўнглини бўшатгач, кекса Жеппетто учун похолдан юмшоқ тўшак тўшади. Кейин Гапирувчи Қора Чигирткадан сўради:

— Менга айтолмайсанми, жажжигина Қора Чигиртка, отам бечорага бир стакангина сутни қаердан топсам бўлади?

— Бу ердан уч пайкал нарида Жанжо деган полизчи яшайди, унинг учта соғин сигири бор. Сен ўшанинг олдига бор, нима керак бўлса, у ердан ҳаммасини топасан.

Пиноккио ғириллаганча полизчи Жанжоникига югуриб борди.

— Қанча сут керак сенга? — деб сўради полизчи.

— Бир стакан.

— Бир стакан сут бир сольдо<sup>1</sup> туради. Олдин менга бир сольдо бер, кейин сут оласан.

— Менда бир сольдо уёқда турсин, бир чентезимо<sup>2</sup> ҳам йўқ, — деди Пиноккио хижолат бўлиб.

— Ишинг чатоқ экан, Ёғоч Бола, — деди полизчи. — Ҳатто чентезимонг ҳам йўқ бўлса, сенга бир ангишвона ҳам сут бера олмайман.

— Ҳай, илож қанча, — деди Пиноккио ва орқасига қайтмоқчи бўлди.

— Қани, шошма-чи, — деди Жанжо. — Келишиб олармиз балки. Чиғир айлантиришга розимисан?

— «Чиғир» деганингиз нима ўзи?

— Шундай бир қурилма бор, уни айлантириш йўли билан қудуқдан сув чиқарилиб, полиздаги сабзавотлар суғорилади.

— Уриниб кўраман.

— Яхши. Унда сен қудуқдан юз челақ сув тортиб чиқарсанг, бир стакан сут оласан.

— Розиман.

Жанжо Ёғоч Болани полизга бошлаб бориб, унга чиғирни қандай айлантиришни кўрсатди. Пиноккио шу заҳоти ишга киришди. Лекин у юз челақ сувни қудуқдан тортиб чиқаргунча бошданоёқ қора терга ботиб кетди. У умрида ҳеч қачон бунчалик кўп меҳнат қилмаган эди.

— Шу чоққача, — деди полизчи, — бу ишни

<sup>1</sup> Сольдо — бир лиранинг йигирмадан бири ёки 5 чентезимо.

<sup>2</sup> Чентезимо — майда чақа пул. Бир лиранинг юздан бири.

хўтигим бажарар эди. Лекин ҳозир у ўлар ҳолат-  
да ётипти.

— Уша хўтигингизни кўрсам майлими? —  
деб сўради Ёғоч Бола.

— Майли, кўра қол.

Пиноккио отхонага кириб, похол устида  
очлик ва оғир меҳнатдан чалажон бўлиб ётган  
ёқимтойгина бир хўтикни кўрди. Пиноккио уни  
диққат билан кўздан кечиргач, ўзича қайғуриб:

«Бу хўтик кўзимга иссиқ кўриняпти. Мен  
уни илгари кўргандайман», — деб ўйлади.

Сўнг у хўтиkning тепасига энгашиб, ундан  
эшаклар лаҳжасида сўради:

— Қимсан?

Жон бераётган хўтик бу саволни эшитиб кў-  
зини очди ва ўша лаҳжада зўрға гўлдираб:

— М-мен... Пи...и...ли...ик...ман... — деди.

Шу гапдан кейин у яна кўзини юмди-ю, жо-  
ни узилди.

— Оҳ, бечора Пилик! — деб гўлдиради Пи-  
ноккио.

У бир тутам похол олиб, хўтиkning кўзидан  
оққан ёшни артди.

— Бунча қайғурмасанг бу эшакка, ахир унга  
пулинг куймаган-ку? — деб ажабланди полиз-  
чи. — Уни нақд пулга сотиб олган мен нима қи-  
лишим керак?

— Сабабини сизга тушунтириб бераман...  
У менинг дўстим эди.

— Сенинг дўстинг?

— Ҳа, мактабдош ўртоғим эди.

— Нима? — деб бақирди Жанжо ва хандон  
отиб кулди. — Нима деб вайсаяпсан ўзи? Нима,  
сен эшаклар билан бирга мактабга борганми-  
сан?.. Унда сен эшаклар мактабида кўп ан-  
тиқа дарсларни ўтган бўлишинг керак!

Бу кесатикдан қаттиқ хижолат бўлган Ёғоч

Бола ҳеч нима демади, у бир стакан янги соғилган сутни олиб кулбага қайтди.

Мана шу кундан бошлаб, беш ой давомида у ҳар куни тонгда туриб, бетоб отасига бир стакан сут ишлаб топиш учун чиғир айлантиргани борарди. Фақат бугина эмас: шу вақт ичида у буғдой поясидан катта, кичик саватлар тўқишни ўрганди. Кейин у саватларни сотиб, йиғган пулини жуда оқилона харажат қила бошлади. Бундан ташқари, у ўзи қўш гилдиракка ўрнатилган бежирим курси ясаб, ҳаво очиқ бўлган пайтларда, тоза ҳаводан нафас олсин, деб отасини сайр қилдириб юрди.

У кечкурунлари ўқиш ва ёзишни машқ қила бошлади. Қўшни қишлоқдан у бир неча сольдога боши ҳам, охири ҳам йиртилиб кетган қалин бир китобни сотиб олди ва шу китоб орқали ўқишни ўрганди. Ёзиш учун эса қалам ўрнига, буғдойпоя учини ўткирлаштирди. Лекин сиёҳи ҳам, сиёҳдони ҳам бўлмаганидан, хурмачага олча эзиб солиб, сиёҳ қилди.

Шу йўл билан у фақат бемор отасининг беташвиш яшашига имкон яратибгина қолмай, ўзига янги костюм сотиб олиш учун яна қирқ сольдо пул ҳам жамғариб қўйди.

Бир куни эрталаб у отасига:

— Мен бозорга бориб ўзимга камзул, қалпоқча, ботинка олмоқчиман. Уйга қайтиб келганимда, — деди у кулиб, — шунақанги ясанган бўламанки, сиз мени кўриб, басавлат синьор деб ўйлайсиз.

У уйдан чиқди ва қувонганидан терисига сиғмай сакраб-сакраб югура кетди. Бирдан кимдир унинг отини айтиб чақира бошлади. У орқасига ўгирилиб, бута остидан ўрмалаб чиқаётган чиройлигина шиллиққуртга кўзи тушди.

— Мени танайми қолдингми? — деб сўради Шиллиққурт.

— Ҳа... йўқ... билмадим!

— Зангори сочли Парининг уйида хизмат қилган Шиллиққурт эсингда йўқми? Бошимда шам билан зинадан тушиб сенга эшик очганимни, бир оёғинг эшикка сиқилиб қолганини наҳотки унутган бўлсанг?

— Вой, нега унутарканман! — деб чинқириб юборди Пиноккио. — Тезроқ гапир, о соҳибжамол жажжи Шиллиққурт: менинг саховатли Паримни қаерда қолдирдинг? Унинг аҳволи қалай? Мени кечирганми? Мен тўғримда эслаб турадимми ўзи? Мени ҳали ҳам яхши кўрадимми? Уни кўришим мумкинми?

Пиноккионинг устма-уст бераётган саволига Шиллиққурт ўз табиатига хос имиллаб жавоб қайтарди:

— Азизим Пиноккио, шўрлик Пари бу ердан сал нарироқдаги касалхонада ётипти.

— Касалхонада?

— Ҳа, афсуски, шундай! У бечора кўп ғам чекди, энди жуда оғир касал бўлиб ётипти, шўрликнинг бир бурда нон сотиб олишга ҳам қурби етмай қолган.

— Наҳотки, шу рост бўлса?.. Юрагимни эзиб юбординг-ку! Ох, менинг бечора Парим, менинг шўрпешона Парим!.. Агар ҳозир миллион сольдо пулим бўлганида, ҳаммасини Парига олиб бориб берган бўлардим... Лекин, афсус, атиги қирқ сольдо пулим бор... Мана. Бугун ўзимга янги костюм сотиб олмоқчи бўлувдим. Сен, Шиллиққурт, шу пулни олиб дарҳол менинг саховатли Паримга элтиб бер!

— Янги костюминг нима бўлади?

— Нима қиламан ҳозир янги костюмни! Мен Парига ёрдам қилиш учун эғнимдаги манави ува-

даларни ҳам жон-жон деб сотган бўлардим! Бора қол, Шиллиққурт, шошил! Лекин икки кундан кейин шу ерга яна қайтиб кел, унгача, эҳтимол. яна икки-уч сольдо ишлаб топиб қўярман. Шу чоққача мен отамни парвариш қилиш учун ишлаётгандим. Бугундан бошлаб, саховатли Парига қарашиш учун ҳар куни яна беш соатдан ортиқча ишлайман. Яхши бор, Шиллиққурт. Икки кундан кейин кутаман сени!

Шиллиққурт энди ўз одатига бутунлай тескари иш тутиб, жазирама ёздаги калтакесакдек пилдираб чошиб кетди.

Пиноккио уйга қайтиб келганида отаси ундан:

— Янги костюминг қани? — деб сўради.

— Ўзимга муносибини топа олмадим. Кейинги сафар яна қараб кўрарман.

Шу куни кечқурун Пиноккио, ҳар галгидек, соат ўнда эмас, ярим кечада ухлагани ётди. Шу куни у саккизта эмас, ўн олтига чипта сават тўқиди. Шундан кейингина у ўрнига ётди. У тушида Парини кўрди. Парининг гўзал жамолидан кўз қамашармиш. У жилмайиб туриб Ёғоч Бола ни ўпибди-да:

— Баракалла, Пиноккио! Дили пок бола бўлганинг учун, шу кунгача қилган барча қилгиликларингни кечираман. Ота-онасига ёрдам қилиб, уларнинг оғирини енгил қилган болалар, гарчи итоатгўйликда, яхши хулқ-атворда ибрат бўлолмасалар ҳам, бари бир зўр мақтов ва улкан ҳурматга лойиқдирлар. Бундан буён ақл-идрокли бўл, шундагина бахтли ҳаёт кечирасан! — дебди.

Шу ерга келганда, Пиноккио уйқудан уйғониб, кўзини катта очди.

У уйғониб, ўзини энди Ёғоч Бола эмас, балки

хамма болаларга ўхшаган ҳақиқий ўғил бола қиёфасида кўриб, шунақанги ҳанг-манг бўлиб қолдики, буни, болалар, ўзингиз тасаввур қилиб кўришингиз мумкин! У хамма ёққа кўз югуртириб чиқиб, ўзини қамиш кулбада эмас, мухташам ёруғ бир хонада кўрди. У каравотдан сакраб тушди-ю, кўзи чиройли янги костюм, янги қалпоқ, худди ўз оёғига мослаб тикилгандай янги чарм ботинкага тушди.

У шоша-пиша янги кийимларни кийди ва турган гапки, биринчи навбатда қўлларини шимининг чўнтагига тикди. У чўнтагидан фил суягидан ясалган кичкинагина ҳамёнча олди. Ҳамёнча устига шундай сўзлар ёзилган эди: «Зангори сочли Пари ўзининг суюкли Пиноккиосига унинг қирқ сольдо пулини қайтариб, меҳрибонлиги учун миннатдорлик изҳор этади». У ҳамёнчани очиб, унинг ичида қирқ сольдо мис чақа ўрнига қирқта яп-янги олтин цехин<sup>1</sup>нинг кўзни қамаштиргудек ярақлаётганини кўрди...

Кейин у кўзгуга қараб, ўзини таний олмай қолди. У энди кўзгуда аввалги қўғирчоқ — Ёғоч Болани эмас, балки қўнғир сочли, кўк кўзли, чеҳраси кулиб турган, қувноқ, ақлли, чиройли болани — тирик болани кўрди.

Пиноккио кетма-кет содир бўлаётган бу мўъжизали ҳодисалар пайтида ўзининг уйғоқлигини ҳам, очиқ кўз билан ухлаётганини ҳам аниқ билмас эди.

«Дадам қаерда қолди?» — деб ўйлади у бирдан. Сўнг қўшни хонага ўтиб, у ерда кекса Жеппеттони соғ-саломат, тетик ҳолда кўрди, чол ҳеч қачон ҳозиргидек яхши кайфиятда бўлмаган эди. У яна қўлига асбобини олиб, айна Пиноккио кир-

---

<sup>1</sup> Цехин — қадимги Венецияда муомалада бўлган олтин танга.



ган пайтда, сурат учун ажойиб рамка ясаб, унинг хошиясига япроқлар, гуллар ва ҳар турли ҳайвонларнинг тасвирини ўйиб ишлаётган эди.

Пиноккио Жеппеттони қучоқлаб, уни меҳр билан ўпаркан:

— Қимматли дадажон, бирдан юз берган бу ўзгаришларнинг сабабини тушунтириб бера олмайсизми? — деб сўради.

— Уйимизда кутилмаганда юз берган бу тасодифлар — ёлғиз сенинг хизматингдир, — деб жавоб қилди Жеппетто.

— Нега энди меники бўларкан?

— Негаки, одобсиз болалар, яхши бола бўлишганда, ўз атрофидаги барча нарсаларни янгилаш ва гўзаллаштириш қобилиятига эга бўладилар.

— Олдинги ёғоч Пиноккио қаёққа кетди?

— Мана, турипти, — деб жавоб қилди Жеппетто ва стулга тираб қўйилган каттакон ёғоч қўғирчоққа — ёғоч одамга ишора қилди.

Қўғирчоқнинг боши бир томонга қийшайиб кетган, қўллари шалвираб осилган, бир-бирига чалишган оёқлари эса, шу қадар букилган эдики, унинг қандай қилиб тик туришини ҳеч тасаввур қилиб бўлмасди.

Пиноккио қўғирчоққа астойдил тикилиб қаради. Бир минутча шундай қаттиқ тикилиб тургандан кейин, чуқур хўрсиниб:

— Ёғоч Бола бўлганимда жудаям аломат бўлган эканман! Лекин энди ҳақиқий бола бўлганимдан жуда-жуда бахтиёрман! — деди.

## МУНДАРИЖА

I. Уста Олчанинг қўлига худди кичкина боладек бир кулиб, бир йиғловчи ғўла тушиб қолади . . . . .	3
II. Уста Олча ғўлани дўсти Жеppetтога совға қилади; Жеppetто у ғўладан ракс тушишни, қиличбозлик қилишни, шунингдек, ўмбалок ошишни биладиган аломат Еғоч Бола ясамоқчи бўлади . . . . .	6
III. Жеppetто уйига келган захоти ғўладан Еғоч Бола ясашга киришади ва унга «Пиноккио» деб ном қўяди. Еғоч Боланинг дастлабки қадамлари . . . . .	10
IV. Пиноккио билан Гапирувчи Қора Чигиртка вокеаси. Бу вокеадан, жоҳил болалар, ўзидан ақллироқ кимсанинг танбехини ёқтирмаслиги маълум бўлади . . . . .	16
V. Пиноккионинг қорни очади, у битта тухум топиб, қуймоқ пиширмоқчи бўлади, лекин шу пайт бирдан қуймоқ учиб кетиб, деразага бориб қўнади . . . . .	19
VI. Пиноккио оёқларини чўғ тўла манқал устига қўйиб ухлаб қолади ва эрталаб уйғонганида оёқсиз қолганини кўради . . . . .	22
VII. Жеppetто уйига қайтади. Бечора ота ўзи учун нонуштага топиб келган егуликнинг ҳаммасини Пиноккиога беради . . . . .	24
VIII. Жеppetто Пиноккио учун бир жуфт янги оёқ ясайди ва унга алифбе сотиб олиш учун камзулини сотади . . . . .	29
IX. Пиноккио кўғирчоқ театрига кириш учун алифбе китобини сотади . . . . .	33
X. Кўғирчоқлар ўз укалари — Пиноккиони таниб қолиб, уни зўр тантана билан қарши оладилар, лекин шодлик айна авжига чиққан пайтда театрнинг хўжайини Манжафоко кириб келади-ю, Пиноккио даҳшатли хавфга учрайди . . . . .	36
XI. Манжафоко тўхтовсиз аксира бошлайди ва Пиноккиони кечиради. Пиноккио бўлса, шундан кейин дўсти Арлекинни ўлимдан қутқариб қолади . . . . .	40
XII. Кўғирчоқбоз Манжафоко, даданг Жеppetтога олиб бориб бер, деб Пиноккиога бешта олтин танга беради, лекин, Пиноккио Тулки билан Мушукнинг гапларига лаққа ишониб, улар билан жўнаб кетади . . . . .	44
XIII. Қизил Қискичбақа меҳмонхонаси . . . . .	50

XIV. Пиноккио боскинчилар кўлига тушиб қолади. Чунки у Гапирувчи Қора Чигиртканинг фойдали маслаҳатига қулок солмаган эди . . . . .	54
XV. Йўлтўсар қароқчилар Пиноккиони таъкиб қилиб ахири тутиб оладилар ва Катта Эман дарахтининг шохига осиб кўядилар . . . . .	59
XVI. Зангори сочли Чиройли Қизча Еғоч Болани дордан туширишни буюради. Уни тўшакка ётқизиб, тирик ё ўлиқлигини билиш учун бирварақайига учта врач чақиртиради . . . . .	63
XVII. Пиноккио қандни жон-жон деб ейди-ю, лекин сурги дори ичишни хохламайди. Бироқ, уни олиб кетгани тобут кўтариб келган қуёнларни кўриб, дарров дорини ичиб юборади. У ёлғон гапиради, натижада шу ёлғончилиги жадиға бурни узая бошлайди . . . . .	68
XVIII. Пиноккио яна Тулки билан Мушукни учратади ва тўрт олтин тангасини Сехрли Далаға экиш учун улар билан жўнаб кетади . . . . .	75
XIX. Пиноккио олтин тангаларидан жудо бўлади, бунинг устиға-устак, яна тўрт ойға қамокқа ташланади . . . . .	81
XX. Қамокдан озод қилинган Пиноккио Парининг уйиға қайтиб бормоқчи бўлади, лекин йўлда жуда дахшатли илонға дуч келади. Кейин қопқонға тушиб қолади . . . . .	86
XXI. Пиноккиони дехқон тутиб олади ва уни товукхонаси олдиға ит ўрниға боғлаб қўяди . . . . .	90
XXII. Пиноккио ўғрилари тутишға қўмақлашади ва бу садокатли хизмати учун озодликка чиқади . . . . .	93
XXIII. Пиноккио зангори сочли Чиройли Қизнинг ўлганини билиб, унға аза тутиб йиғлайди. Кейин қаптарға миниб, денгиз бўйиға боради ва отаси Жеппеттони қутқариш учун денгизға қалла ташлайди . . . . .	97
XXIV. Пиноккио меҳнатсевар асаларилар оролиға сузиб чиқади ва у ерда яна Парини топади. . . . .	103
XXV. Пиноккио, энди яхши бола бўламан, ўқийман, деб Парини сўз беради, чунки Еғоч Одам бўлиб яшаш унинг жониға теккан ва у ҳақиқий бола бўлишни истайди	110
XXVI. Пиноккио дахшатли Акулани кўриш учун ўртоқлари билан денгиз бўйиға боради. . . . .	114
XXVII. Пиноккио ўртоқлари билан муштлашади, бунинг натижасида болалардан бири яраланади. Полиция Пиноккиони қўлга олади . . . . .	118
XXVIII. Пиноккиони балик деб ўйлаб товада қовурмоқчи бўладилар . . . . .	126
XXIX. Пиноккио Парининг уйиға қайтади. Пари унға, эртдан бошлаб Еғоч Бола эмас, ҳақиқий ўғил бола бўласан, деб сўз беради. Бу муҳим воқеа шарафиға уюштирилган катта зиёфат . . . . .	132
XXX. Пиноккио ҳақиқий бола бўлиш ўрниға дўсти Пилик билан Тараллабедод мамлақатиға жўнайди . . . . .	141

- XXXI. Пиноккио беш ой муттасил беғамлик билан бахтиёр  
яшаганидан кейин, бундок ўйлаб қараса . . . . . 148
- XXXII. Пиноккионинг бошидан бир жуфт эшаккулок ўсиб  
чиқади. Кейин у ҳақиқий эшакка айланиб ҳанграй бош-  
да йди . . . . . 156
- XXXIII. Пиноккио ҳақиқий эшакка айланиб қолганидан сўнг,  
уни сотгани бозорга олиб борадилар. Эшакни сотиб олган  
цирк директори уни ракс тушишга, гардишдан сакраб  
ўтишга ўргатади. Лекин бир кун кечкурун томоша пай-  
тида Пиноккионинг оёғи лат еб, оқсоқланиб қолади. Уни  
бошқа бир харидорга сотиб юборадилар. Лекин бу хари-  
дор Пиноккионинг терисидан барабан ясамоқчи бўлади 163
- XXXIV. Денгизда Пиноккиони балиқлар еб кетади, оки-  
бат у яна аввалгидек Еғоч Болага айланиб қолади. Ле-  
кин харидордан жон сақлаб, сувда сузиб кетаётганида  
уни даҳшатли Акула ютиб юборади . . . . . 173
- XXXV. Бу бобни ўқисангиз, Пиноккио Акуланинг ичида  
кимни учратганини билиб оласиз . . . . . 182
- XXXVI. Ниҳоят Еғоч Бола — Пиноккио ҳақиқий ўғил бола-  
га айланади . . . . . 189

**Коллоди Карло.**

Пиноккионинг бошидан кечирганлари: Қисса-эртақ: Мактаб ёшидаги кичик болалар учун /Русчадан Қ. Мирмухамедов тарж. — Т.: «Ёзувчи», 1994 — 208 б.

**ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНЛАР!**

Ҳаммангиз А. Толстойнинг Буратино ҳақидаги китобини ўқигансиз, албатта. Бугун сиз қўлингизга олган ушбу китобни Италия болалар адабиётининг классиги Карло Коллоди ёзган бўлиб, унда Буратинонинг акаси шумтака ёғоч бола Пиноккионинг бошидан кечирган ажойиб воқеалари баён қилинади.

**Коллоди Карло. Приключения Пиноккио: Повесть-сказка.**

И (Ит)

*Адабий-бадший нашр*

*Кичик ва мактаб ёшидаги болалар учун*

КАРЛО КОЛЛОДИ

**ПИНОККИОНИНГ БОШИДАН  
КЕЧИРГАНЛАРИ**

Эртак-қисса

Мусаввир: **Юлай Габзалилов**

«Ёзувчи» нашриёти, Тошкент — 1994

«Ёш гвардия» нашриётининг 1989 йил  
нашри асосида чоп этилди

Муҳаррир **Е. Раҳимова**  
Расмлар муҳаррири **А. Мамажонов**  
Техн. муҳаррир **У. Ким**

ИБ № 248

Босмахонага берилди 15. 08. 94. Босишга рухсат этилди. 14. 09. 94. Ўлчами  $84 \times 108^{1/32}$ . Ўрама қоғози. Шартли босма табағи 10,92. Шартли ранг-оттиск  $1,34$ . Нашр табағи 14,3. Жами нусха 25000. Буюртма № 702. Шартнома 19—94. Баҳоси шартнома асосида.

«Ёзувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Рангли босма фабрикаси. Тошкент шаҳри. У. Юсупов кўчаси, 86.